



УДК: 94:323(575.1)

Азиза АХРОРОВА,

Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи Экскурсоводлар бўлими бошлиғи

E-mail: axrorovaaziza821@gmail.com.

ТКТИ "Ижтимоий-сиёсий фанлар" кафедраси доценти Х.Ёрқулов тақризи асосида

THE INFLUENCE OF REPRESSIVE POLICIES IN UZBEKISTAN ON THE SOCIO-POLITICAL STRATA OF WOMEN

Abstrakt

Since the mid-1920s, the Soviet state has taken various measures to ensure that women have equal rights with men: by organizing literacy courses and educating women; involved women in social life through the sacrifice of hundreds of women; from them grew prominent public and state figures, physicians, artists, enlighteners, and literary figures. Then, in 1937-1938, when the policy of repression intensified and thousands of our compatriots were branded "enemies of the people", our women, who had equal rights with them, became innocent victims of unparalleled oppression and cruelty. Most of our people still do not know that Uzbek women are victims of repression. This article is based on research in the archives.

Key words: policy of repression, order No. 00486, imprisonment, sentence, criminal code, People's Commissariat of Internal Affairs, counter-revolutionary activity, family, Uzbek woman.

ВЛИЯНИЕ РЕПРЕССИВНОЙ ПОЛИТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ НА СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИЕ СЛОИ ЖЕНЩИН

Аннотация

С середины 1920-х годов Советское государство приняло ряд мер для обеспечения равных прав женщин с мужчинами: путем организации курсов по искоренению неграмотности и обучения женщин; привлекал женщин к общественной жизни, принося в жертву сотни женщин; из них вышли видные общественные и государственные деятели, врачи, художники, представители просвещения и литературы. Затем, в 1937-1938 годах, когда разразилась буря репрессий и тысячи наших соотечественников были заклеены «врагами народа», наши равноправные с ними женщины стали невинными жертвами беспрецедентного притеснения и жестокости. Большинство наших людей до сих пор не знает, что узбекские женщины являются жертвами репрессий. Эта статья основана на исследованиях в архивах.

Ключевые слова: политика репрессий, приказ № 00486, лишение свободы, приговор, уголовный кодекс, НКВД, контрреволюционная деятельность, семья, узбекская женщина.

ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ҚАТАГОН СИЁСАТИНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҚАТЛАМИГА ТАЪСИРИ

Аннотация

Совет давлати 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб аёлларнинг эркалар билан тенг ҳуқуқли бўлишлари учун турли-туман чораларни кўрди: саводсизликни тугатиш курсларини ташкил этиб, хотин-қизларни ўқитди; юзлаб хотин-қизларни қурбон қилиш ҳисобига хотин-қизларни ижтимоий ҳаёгга жалб этди; улардан таниқли жамоат ва давлат арбоблари, шифокорлар, санъаткорлар, маърифат ва адабиёт намояндalари етишиб чикди. Сўнг 1937-1938-йилларда катагон бўрони авж олиб, минглаб ватандошларимиз манглайига “халқ душмани” тамғаси ўйилгач, улар билан тенг ҳуқуқли бўлган хотин-қизларимиз ҳам мислсиз жабр ва зулмининг бегуноҳ қурбонлари бўлдилар. Ҳали халқимизнинг аксар қисми ўзбек хотин-қизларининг катагон қурбонлари бўлганини мутлақо билмайди. Ушбу мақола архивдаги тадқиқот ишлари асосида ёритилди.

Калит сўзлар: катагонлик сиёсати, 00486–сонли буйруқ, ҳукм, қамок, жиноят кодекси, ИИХК, аксилкилобий фаолият, оила, ўзбек аёли.

Кириш. Мустақиллик шароитида жамиятдаги янги ислохотлари амалга ошириш жараёнида, жамият аъзоларини эркин, демократик тафаккур ва миллий ғоя руҳида тарбиялаш вазифаларини бажаришда тарих фанининг аҳамияти ортиб бормоқда. Истиклол йилларида Ўзбекистон тарихининг кўпгина масалалари ўзининг янги, илмий жиҳатдан ҳолис ва ҳаққоний счимини топа бошлади. Бу айниқса, бир неча ўн йиллар давомида сохталаштириб, бир ёқлама талқин қилиб келинган совет даври тарихини ўрганишда яққол кўзга ташланади.

Ўзбекистон давлат суверенитетига эришгандан кейин ўзбек халқи тарихини, аввало мамлакат тарихшунослигида бузиб кўрсатилган совет даври тарихини миллий мусақиллик мафқураси нуқтаи назаридан танқидий мушоҳада қилиш учун зарур шарт-шароит юзага келди.

Маълумки, совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг ҳукмронлиги йилларида маънавий-сиёсий, мафқуравий яққаҳокимлик туфайли тарихчи олимларнинг ҳақиқатни ёритиш имконияти йўқ эди. Миллий истиқлол йилларида Ватанамиз тарихини ҳаққоний, илмий асосда ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

70 йилдан ортиқ давр ичида халқимиз бошидан кечирган маънавий таъйикларнинг ўзбек хотин-қизлари ижтимоий ҳаётида таъсири, совет тоталитар тузумининг маҳаллий миллат хотин-қизларига бўлган муносабати масаласи ўзининг илмий асосланган талқинини кутаётган муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда совет тоталитар тузумининг аёллар масаласидаги сиёсати ўз моҳиятига кўра зиддиятли бўлганлиги боис, бугунги асосий вазифа тарихий воқеликни архив ҳужжатлари, манбалар ёрдамида илмий асосда ҳолисона ёритишдан иборат. Бу эса муаммонинг долзарблигини изоҳлайди.

Ўрганилаётган тадқиқот иши совет даврининг 20-50 йиллари мобайнида хотин-қизларга нисбатан олиб борилган сиёсат моҳиятига бағишланган. Бу даврда коммунистик партия раҳнамо бўлган совет давлати мустамлакачилик сиёсатининг маъмурий-буйруқбозлик тизими асосида олиб борилган хотин-қизларга муносабат масаласи, аёллардан ўз ҳокимиятининг хайрихоҳлари ҳамда тарафдорларини тарбиялашга қаратилган сиёсати, улардан, аввалом бор, иқтисодий фойда келтирувчи арзон ишчи кучи сифатида саноатда ҳамда қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланилганлиги, оммавий қатағонликларнинг аянчли оқибатларининг илмий таҳлили тарих фанининг ўрганилиши лозим бўлган долзарб муаммолар сирасига киради. Бу тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5598-сон фармойишида кўрсатилган вазифаларга тўлиқ мос келади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Совет даври тадқиқотларида асосан сохта коммунистик мафкуранинг ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги “инкилобий ўзгартрувчи” роли ижобий баҳоланиб, мазкур инкилобий усулнинг шарқ хотин – қизларининг жамиятдаги ўрни, уларнинг ижтимоийлашувига таъсири совет ҳукумати ва коммунистик партиянинг манфаатлари нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда ўрганилган, синфийлик нуктаи назаридан ёритилган. Мустабид тузумнинг буюк давлатчилик, шовинистик сиёсати улуғланиб, ўзбек халқи учун ёт бўлган марксизм-ленинизм ғоялари тарғиб қилинган. Совет даври адабиётларининг негизини асрлар давомида шаклланиб, Шарқ аёлларининг турмуш тарзига, маънавий қиёфасига айланган миллий, диний анъанавий қадриятларга қарши кураш ғояси ташкил этган. Совет даври адабиётлари ягона сиёсий мафкура қилиниб ёзилган бўлиб, ўта муҳим масалалар сохталаштирилган. Тоталитар тузум даври адабиётларининг моҳиятини хотин – қизлар масаласининг “ҳал қилинганлиги” ҳақидаги ғайри илмий хулоса ташкил этган ҳамда хотин – қизлар “озодлиги” нинг моҳияти коммунистик партиянинг мақсад-манфаатлари нуктаи назаридан таҳлил қилинган[6].

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Д.А.Алимованинг Ўрта Осиё хотин-қизлари масаласининг тарихшунослигига оид илмий монографияси ва бир қатор илмий мақолалари, докторлик диссертацияси советларнинг хотин – қизларга нисбатан сиёсатининг мустамлакачилик моҳиятини очиб беришда дастлабки кадам бўлди[3]. Тарихчи олиманинг оила жамиятда аёл макеи билан боғлиқ анъанавий қарашлар ҳамда тарихий ҳақиқат талқинига оид мақоласида [2] мазкур мавзудаги турли ижтимоий қарашлар, уларнинг тарихий илдизлари илк бор илмий асосда ёритиб берилди.

М. Тўхтаўжаеванинг хотин-қизлар масаласига бағишланган “Ўтмиш толиқтирган аёллар” асарида хотин-қизлар аҳволининг яхшиланиши жамиятга фақат ижобий таъсир кўрсатади, деб таъкидлайди. У “...бугунги кун хотин-қизларини жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ва маънавий соҳаларига қадимгидек интилаётганини ҳеч ким хотин-қизлар бугунга келиб ўз интеллектуал ва таълим салоҳиятини тўла рўёбга чиқараётган ишбилармонликни танлади”, - деб ёзади[5].

Я. Абдуллаеванинг Қорақалпоғистон хотин-қизларининг ҳаёти билан боғлиқ “Қорақалпоғистон хотин-қизлари: Кеча ва бугун (XIX асрнинг охири ва XX аср) номли махсус монографияси ва мақолаларига алоҳида тўхтаб ўтиш жоиз, чунки, уларда архив ҳужжатларига асосланган илмий хулоса ва кенг маълумотлар берилган бўлиб, хотин-қизлар масаласини тарихий аспектда ўрганишга муносиб ҳисса бўлди[1].

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Тадқиқот ишини ёритишда бирламчи, яъни архив ҳужжатларига мурожаат қилинди. Ундан ташқари, қатағон бўлган инсонларнинг фарзандлари, набираларининг маълумотлари асосида ёритилди. “Оғзаки тарих” методига мурожаат қилинди.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Муаммо Н.Каримов, Х.Аҳророва, Ш.Турдиев томонидан Давлат хавфсизлик хизмати архивидаги материаллар асосида ўрганилган ва улар ёзган мақолаларнинг асосий қисми “Қор кўйнида лолалар” (2001 йил) мақолалар ва очерклар тўпламида нашр этилган. Ёзувчи Й.Сулаймоннинг “Жалада қолган гул” ҳужжатли асари (1986) эса қисса қаҳрамони – қатағон қурбони Тожихон Шодиева билан суҳбати асосида ёзилган.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Юртимизда аёллар мавзусида бир қатор тадқиқотлар олиб борилган, лекин қатағон қилинган аёллар мавзуси кенг ёритилмаган ва диссертация даражасига олиб чиқилмаган. Ушбу тадқиқот ишида қатағон қилинган аёллар масаласи бирламчи манбалар асосида ёритилди.

Мустабид совет давлат тузumi ўрнатилиши билан фан, маориф, ва маданият “умумпартия ишларининг бир қисми” бўлиб, бу соҳаларда олиб борилган барча ишлар социалистик қурилиш мақсадларига бўйсундирилди ҳамда большевиклар партияси ва совет ҳукуматининг бевосита раҳбарлиги остида амалга оширилди. Бир партияли сиёсий тузум куч олган сари муҳолиф кучлар қувилиб, мустабид давлат мустаҳкамланиб борди. Фан, маориф ва маданият соҳаси ҳукумат қарамоғига ўтди ва ягона ғоявий стандартлар асосида иш кўра бошлади. Шу туфайли уларнинг илмий-ижодий мустақиллиги йўқола борди. Фан, маориф ва маданият ходимлари мустабид давлатнинг доимий назорати остида ишлай бошлаганларига қарамай, 20 – йилларнинг охиридан бошлаб уларни турли мафкуравий гуруҳларга ажратиш бошланди ва 1937-1938 йиллардаги қатағон кампанияси мазкур соҳа вакиллари қайси лагерга мансуб эканликларидан қатъий назар, қамоққа олиниб, бир қисми эса узоқ муддатларга “меҳнат-тузатув лагерлари”га жўнатилиди.

Совет давлати бу билан кифояланиб қолмай, “халқ душмани” деб ҳисобланган ёзувчилар, санъаткорлар, олимлар, маориф ходимларининг иждодий, илмий ва педагогик меросларини йўқотиш чораларини кўрди, ҳатто уларнинг асарларини ўқиган ёки сақлаган кишилар ҳам қаттиқ жазоланди[4].

1937-1938 йилларда қатағон қилинишининг ўткир тиғи нафақат давлат, адабиёт, фан арбоблари балки уларнинг кўпчилиги уй бекаси бўлган аёлларни ҳам четлаб ўтмади. Улар ҳам турмуш ўртоқлари сингари беайб ҳибсга олинди. Фарзандлари етимхонага топширилди. Оила пароканда қилинди. Совет давлатининг қатағон қилувчи органлари бу аёллардан эрларига қарши маълумотлар беришга, ҳаттоки тухмат қилишга мажбур қилдилар. Бундай кўргазмаларни бера олмаган аёллар турли-туман кийноқларга дучор этилган[11]. Бу тадбирлар 1937 йил 15 августдаги СССР ИИХК нинг 00486-сонли “Ватан хоинларининг аёллари ва фарзандларини қатағон қилиш тадбири тўғрисида” ги буйруғига асосан амалга оширилди. Ушбу қарорга асосан, 1938-1939 йилларда собиқ СССРдан 18000 га яқин аёллар “ватан

хоинини” оила аъзоси сифатида лагерларга жўнатилди ва улардан 20 000 та бола тортиб олинди. Бу инсоният тарихида шу вақтгача рўй бермаган ноқонуний, ғайриинсоний ва ғайримаданий иш эди. Қуйида қатағонга учраган аёлларнинг баъзилари билан танишамиз:

Ширахмедова Махфуза – Ширахмедов Насритдиннинг турмуш ўртоғи. Ширахмедов Насритдин – 1908 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбек. Иқтисодчи. Қамокқа олингунга қадар Тошкентда стоматологлар тайёрлаш курсида ишлаган. 1937 йил 7 январда аксилинқилобий фаолиятда айбланиб, қамокқа олинган. Ўз ССР Жиноят кодексининг 67, 66 модданинг 1 қисми ва билан айбланган. Ширахмедов Насритдин Ўз ССР ИИХК нинг 585-сонли қарори асосида 1938 йил 9 октябрда олий жазога ҳукм қилинди ва ҳукм 1938 йил 9 ноябрда ижро этилди. 00486-сонли буйруққа асосан унинг хотини ҳам қамокқа олинган. Ширахмедова Махфуза 29 ёш, миллати ўзбек, уй бекаси бўлган. Қамокқа олингунга қадар турмуш ўртоғи билан 1 май кўчаси 80-уйда яшаган. Фарзандлари: Адиба-13 ёш, Альфия-7 ёш. Қизлари Адиба ва Альфия тарбия муассасига юборилган.

1939 йил 3 январда Ширахмедова Махфузанинг айбланган жиноят ишида етарли далил бўлмагани учун қамокдан озод этилиши ҳақида ҳукм эълон қилинди. 1939 йил 3 февралда озод этилган[9].

Одилий Меҳри Қодировна – 1897 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, уй бекаси. Турмуш ўртоғи тараққийпарвар муаллим Одилий Мухаммад 1937 йилда Жиноят кодексининг 66-модданинг 1 банди ва 67-моддалар билан айбланиб, 1937 йил 29 июлда қамокқа олинган. 1938 йил 4 ноябрь куни отиб ташланган. 1937 йил 2 ноябрь куни Одилий Мухаммадининг турмуш ўртоғи Одилий Меҳри ҳам “аксилинқилобий” шерикликда айбланиб қамокқа олинган. Уларнинг олти нафар фарзанди бўлган. Ўғли – Одили Мурод 1917 йилда туғилган. Механизация институтининг 3 курс талабаси, ўғли – Одилий Жамол 1921 йилда туғилган. Ўрта мактабнинг 8 - синф ўқувчиси, Қизи – Одилий Эркина 1924 йилда туғилган. Ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчиси. Қизи – Одилий Култура-1929 йилда туғилган, Қизи-Одилий Хужума 1932-йилда туғилган. Қизи-Одилий Тўлқунной 1935 йилда туғилган. Одилий Мухаммадининг оила аъзолари ҳам аксилинқилобий фаолиятда айбланиб, ИИХК нинг 00846-сонли қарори асосида қуйидаги чоралар кўрилади: Одилий Меҳри Қодировна ва катта ўғли Одилий Мурод қамокқа олинди. Одилий Жамол эса ишга жойлаштирилди. Одилий Эркиной, Одилий Култура, Одилий Худжума ва Одилий Тўлқунной эса давлат таълим муассасасига топширилади. Яна шуни маълумот ўрнида келтириб ўтиш лозимки ҳужжатлар билан танишиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, маҳкумлар ва маҳкумаларнинг мол-мулклари, кийим-кечаклари, қимматбаҳо тақинчоқлар, болалар ўйинчоқлари, кийимлари, ҳаттоки болалар ички кийимигача мусодара қилинади.

1939 йил 4 февралда Одилий Меҳри айби исботланмаганлиги сабабли озод қилинишига қарор қилинди[8].

Фозила Саидова жамоат арбоби, ёзувчи – драматург, Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат драма театрининг директори Зиё Саиднинг турмуш ўртоғи. Зиё Саид 1937 йил 6 августда Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 66-модданинг 1-қисм ва 67-моддалар билан айбланиб, қамокқа олинган ва 1937 йил 5 октябр куни отиб ташланган.

Фозила Саидова 1909 йил Тошкент шаҳрида дунёга келган. Миллати ўзбек, уй бекаси. 1937 йил 20 сентябрда ДХХ нинг катта майори Загвоздиннинг қарорига мувофиқ, Фозила Саидова 1937 йил 22 сентябрда қамокқа олинган. Уларнинг қизлари 10 ёшли Роза Саидова ҳамда 8 ёшли Клара Саидовалар тарбия муассасига жойлаштирилган. Маҳкумларнинг уй-жойлари, кийим-кечаклари, ҳаттоки болаларнинг пайпоқларигача мусодара қилинган.

1939 йил 4 февралда Фозила Саидовани айби исботланмаганлиги сабабли озод этишга қарор қилиниб, 5 февралда озодликка чиқишга муваффақ бўлди. Фозила уйига келиб, у ерда бошқа одамлар яшаётганига гувоҳи бўлади. Фозила Саидова Ўз ССР ИИХК га ариза билан мурожаат қилади. Унда ўзининг икки нафар фарзанди билан кўчада қолганлиги, бошқа борадиган жойи йўқлигини маълум қилиб, уйини қайтариб беришларини сўрайди. Лекин бу мурожаатнинг кейинги тақдири номаълум[7]...

Турсунхўжаева Зухра 1908 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 28 ёш. Маълумоти паст, ўзбек, келиб чиқиши дехкон оиласидан, уй бекаси, Октябр райони Наримонов маҳалласи, 49 уйда яшаган. 1937 йил 30 сентябрда қамокқа олинган. Судланмаган. Турмуш ўртоғи: Турсунхўжаев Мухитдин-37 ёш. (қамокқа олинган) Қизи: Хумайра 13 ёш, ўғли Нуритдин 11 ёш, ўғли Марат 7 ёш.

Турсунхўжаева Зухра 30 сентябрда 2 категория бўйича Тоштурмага юборилган. Турсунхўжаева Зухранинг турмуш ўртоғи Турсунхўжаев Мухитдин – 1900 йил Тошкентда туғилган. Ўзбек. 1937 йил июлигача Ўзбекистон ССРнинг ички савдо-сотиқ Халқ Комиссари лавозимида фаолият юритган. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 60-67-моддалари билан айбланган.

Ўз ССР ИИХК нинг №00486 буйруғига асосан, Турсунхўжаева Зухра қамокқа олинди. Унинг фарзандлари Хумайра, Нуритдин, Марат тарбия муассасаларига юборилди. Кичик лейтенант Ажигитининг қарори асосида айби ўз ибодтини топмагани учун Турсунхўжаева Зухра 1939 йил 4 февралда озод этилган[10].

Юқоридагилардан шуни кўриш мумкинки, совет мустабид тузумининг қатағон тиғи нафақат ўзбек зиёлилари, жамоат ва давлат арбоблари, балки уларнинг аёллари ва фарзандларин ҳам четлаб ўтмаган. Бу аёлларнинг номлари турмуш ўртоқлари каторида тарих саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллаши лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаева Я.А. Қорақалпоғистон хотин – қизлари: Кеча ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср.- Тошкент: Ижод дунёси. 2004. – 224 б.
2. Алимова Д.А. Мы не должны быть обществом, пропитанным идеей превосходства мужчин //Ташкентская правда. – 1997 г.,26 март.
3. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии: История изучения и современные проблемы.- Ташкент, Фан, 1991; Алимова Д.А.Ўзбекистон ижтимоий фанларида хотин –қизлар муаммоларининг ўрганилиши ва муаммолари //Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. – Тошкент, Фан, 1999. - Б.16-20.
4. Жабрийда ёзувчилар адабий мероси мустақиллик хизматида.Илмий мақолалар тўплами. “Фан” нашриёти Тошкент. 2013 йил. 4 – 5 бет.
5. Тўхтаўжаева М. Ўтмиш толиқтирган аёллар. Ўзбекистонда жамиятнинг исломга қайтиши ва хотин – қизлар аҳволи. Худудий дастур идораси томонидан нашр этилган . – Тошкент: 2002. – Б.19.

6. Якубова Х. Жещина Советского Узбекистана. – Ташкент:Объединенное изд – во “Правда Востока” и “Кизил Узбекистана ” , 1947; Рахимбабаева З Женщина Узбекистана на пути к коммунизму. – Ташкент:Госиздат Уз ССР, 1949.
7. Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи архиви.П-7453.
8. Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи архиви. П-7456
9. Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи архиви. П-8053
10. Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи архиви.П-8920
11. Қор қўйнида лолалар. “Академия” нашриёти, 2001 йил.4-б.ва 5-бет.



КБК: 63.3(5)

Маишхураҳон ДАРМОҲОВА,
ЎзР ФА Тарих институти бўлим бошлиғи, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: mashxura.darmonova@mail.ru

ЎзМУ доценти, т.ф.д. Исакова М.С. тақризи асосида

ARCHIVAL SOURCES ABOUT THE POLICY OF KULACHIVANJE OF THE SOVIET GOVERNMENT
(On the example of the Central State Archives of the city of Tashkent)

Abstract

This article describes in detail the kulachivan farms in Tashkent as a result of the collectivization and kulaks policy pursued by the Soviet government in the late 1920s and 1930s, as well as the reasons for their kulaks based on documents from the Central State Archives of the city. Tashkent.

Key words: archival sources, Soviet power, peasant, collectivization, dispossession of kulaks, collective farm construction, company, artel, economic commune, production.

АРХИВНЫЕ ИСТОЧНИКИ О ПОЛИТИКЕ РАСКУЛАЧИВАНИЯ СОВЕТСКИМ ПРАВИТЕЛЬСТВОМ
(На примере Центрального государственного архива города Ташкента)

Аннотация

В этой статье подробно описаны раскулачевские хозяйства в Ташкенте в результате проводимой Советским правительством политики коллективизации и раскулачивания в конце 1920-х и 1930-х годов, а также причины их раскулачивания на основе документов из Центрального государственного архива города Ташкента.

Ключевые слова: архивные источники, советская власть, крестьянин, коллективизация, раскулачивание, колхозное строительство, компания, артель, хозяйственная коммуна, производство.

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ҚУЛОҚЛАШТИРИШ СИЁСАТИГА ОИД АРХИВ МАНБАЛАРИ
(Тошкент шаҳар марказий давлат архиви мисолида)

Аннотация

Мазкур мақолада совет ҳокимиятининг 1920-йиллар охири 30-йиллардаги коллективлаштириш, кулоқ қилиш сиёсати натижасида Тошкент шаҳридаги кулоқ қилинган хўжаликлар ва уларни кулоққа тортилиш сабаблари Тошкент шаҳар марказий давлат архиви ҳужжатлари асосида батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: архив манбалари, совет ҳокимияти, деҳқон, коллективлаштириш, кулоқлаштириш, колхоз қурилиши, ширкат, артель, хўжалик коммунаси, ишлаб чиқариш.

Кириш. Кўпмиллатли ўзбек халқининг фидойи фарзандлари, маърифатпарвар аждодлари ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳақиқатни тўла юзага чиқариш, уларга нисбатан тарихий адолатни тиклаш, бу борадаги ишларнинг қўлами ва самарасини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрда “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинди. Унга кўра, қатағон қурбонларини вилоят, туман ва шаҳарлар кесимида номма-ном аниқлаш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти, тарихий хизматлари ҳақидаги маълумотларни, архив ва музейларда сақланаётган ҳужжатларни тўплаш ҳамда ўрганиш вазифаси белгиланди. Мазкур фармойишнинг ижроси бўйича институтнинг “Янги давр тарихи” бўлими илмий ходимлари ва таянч докторантларидан иборат “Қатағон қурбонлари тарихи (1860-1990 йиллар)”ни ўрганиш бўйича ишчи гуруҳи тузилди. 2020 йил ноябрь ойидан бугунги кунга қадар ишчи гуруҳ томонидан Ўзбекистон Миллий архиви, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви ҳамда Тошкент шаҳар марказий давлат архивида изланишлар олиб борилди.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Олиб борилган изланишлар натижасида Чор Россияси мустамакаси ва мустабид тузум даврида мамлакатимиз озодлиги учун курашиш йўлида қатағонга учраган 30 мингдан ортиқ шахслар номлари аниқланди. Ўзбек давлатчилигининг 1860-1990 йиллар тарихини ёритувчи манбаларида қайд этилишича, эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида жасорат кўрсатган юртдошларимиз ҳамда миллатимиз қаҳрамонлари “миллатчи”, “босмачи”, “аксилнқиловчи”, “ҳақсиз”, “кулоқ”, “халқ душмани”, “муштумзўр” каби тамғалар остида кораланиб, қатағон қилинган. Қатағон қурбони бўлганларнинг кўплари сургун қилинган, уй-жой, мол-мулклари мусодара этилган, ҳибсга олинган ва ўлим жазосига маҳкум бўлганлар. Бугунги кунда миллий ўзликни англаш ва ҳақиқий тарихимизни тиклаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Мустабид тузум томонидан давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намоёндалари, оддий касб эгаси бўлган минглаб юртдошларимизнинг шафқатсиз қатағон қилинганлиги акс этган жараёнлар Тошкент шаҳар марказий давлат архиви жамғармаларида сақланаётган архив ҳужжатлари мисолида аниқ намоён бўлади.

- **Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Жумладан, Тошкент шаҳар марказий давлат архиви сақловидаги С-239, С-62, С-63, С-61, С-273 (халқ судлари) ва С-12, С-4, С-8, С-1, С-10, С-2, С-5 жамғармаларнинг 100дан ортиқ йиғмажилдлари ўрганилди. Натижада, Тошкент шаҳридан 1052 нафар кулоқлар ва кулоқ хўжаликлар

рўйхатига киритилган шахслар ҳамда 20017 нафар ҳақсиз ва сиёсий ҳуқуқларидан маҳрум қилинганлар аниқланди. Аниқланган қатағон қурбонларининг номлари кўп жилдлик “Қатағон қурбонлари” китоби саҳифаларига киритилмоқда.

-Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). 1920-30 йилларда ўзбек қишлоқларида рўй берган коллективлаштириш, қулоқ қилиб сургун этиш сиёсати натижасида Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси ва деҳқонларининг бошига тушган ижтимоий-иқтисодий, маънавий мусибатлар тарихнинг аччиқ ва энг оғир фожеали даври ҳисобланади.

1929 йилнинг ноябрь ойидан бошланган коллективлаштириш, деҳқонларни мажбурлаш орқали қолхоз қурилиши жараёнига тортганлар. ВКП(б) Марказий Комитетининг 1930 йил 5 январда “Коллективлаштириш суръати ва қолхоз қурилишига давлат ёрдами бериш тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ [1], мамалакат ҳудуди уч гуруҳ районларга бўлинган ва қайси ҳудуд қачон коллективлаштиришни тугаллаши белгилаб берилган. Ўзбекистон учинчи гуруҳга киритилган ва коллективлаштириш 1933 йил баҳорида тугалланиши керак бўлган. Аммо ВКП(б) Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси томонидан Ўзбекистонда коллективлаштириш жуда секин ривожланаётгани танқид остига олинган ва шу сабаб коллективлаштириш ва бу билан ёндош равишда қулоққа тортиш кампанияси авж олдириб юборилган. Қарорга мувофиқ, қолхозлар тузилиши уч шаклда олиб борилиши таъкидланган. Биринчиси, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ширкати бўлиб, унда бутун қишлоқ хўжалиги инвентарлари, от-улов, тортув кучлари ва ерни биргаллашиб ишловчилар умумлаштирилган. Иккинчиси қишлоқ хўжалиги артели бўлиб, бунда барча ишлаб чиқариш воситалари, ер ва бутун ишлаб чиқариш жараёни умумлаштирилган. Учтинчиси қишлоқ хўжалик коммунаси бўлиб, у ижтимоий ишлаб чиқариш ва тақсимотдан иборат бўлган. Коллективлаштириш сиёсати оқибатида деҳқонлар олдида кўндаланг икки йўл турарди: бири – қолхозга кириш, иккинчиси – қулоқлар рўйхатига тушиб қолиш. Деҳқонларга нисбатан қўлланилган жазонинг энг енгил тури сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўлган. Ўша рўйхатга тушганлар келгусида қулоқ қилиш учун бирдан-бир асос эди. Қулоққа тортиш – одамларни барча фуқаролик, биринчи навбатда сайлов ҳуқуқларидан маҳрум қилиш бўлиб, қулоққа тортиш ҳеч қандай судсиз, терговсиз ҳал қилинган. Бу ишлар райком котиби, райжроқўм раиси ва ГПУнинг маҳаллий раҳбарларидан ташкил топган кенгашлар, “учлик”лар ва “иккилик”лар томонидан бажарилган. Уларнинг вазифаси экспроприация ва депортация қилиниши мумкин бўлганларнинг рўйхатини тузишдан иборат бўлган.

Рўйхатларни тузишга собиқ “Кўшчи союзлари” аъзолари жалб этилган. Улар ҳамма жойдан “қулоқлар”ни излаш, қидириб топиш каби изкуварлик, айғоқчилик ишлари билан маъғул бўлган. Ҳаттоки, берилган топшириқни, юқоридан туширилган разнарядкани ким олдин бажариш, ким кўпроқ қулоқни қидириб топиш бўйича ҳам мусобақалар уюштирган [2].

Қулоқ қилинадиганларнинг тоифалари ва миқдорий нормалари совет органлари томонидан белгилаб берилган. Биринчи тоифага “аксилнқилобий фаоллар” – террор ва “советларга қарши фаолият” ташкилотчилари кирган. Улар сиёсий жиноятчилар сифатида қамоққа олиниши, қатағон қилиниши ёки ҳатто отилиши керак бўлган. Уларнинг оилалари мамлакатнинг узоқ районларига сургун қилинган. Коллективлаштиришга қарши фаол курашганлар, йирик қулоқлар ва собиқ ярим помешчиклар, яъни иккинчи тоифа вакиллари ҳам ўша узоқ жойларга сургун қилинганлар. Қулоқ қилинганларнинг қолган қисми учинчи тоифага мансуб бўлиб, улар аввал ўзлари яшаб турган ўлка ва вилоятлар ҳудудида, аммо ўзларининг хўжаликлар, турар жойларидан ташқари жойларга сургун қилинганлар. Бундан ташқари, қулоқларни 1932-1935 ва 1937-1938 йилларда қатағон гирдобига тортилган ва Иккинчи жаҳон уруши меҳнат фронти ҳамда жанггоҳларида иштирок этганлар.

1929 йил ноябрда Тошкент шаҳарни районлаштириш ишлари бошланган. Дастлаб, шаҳар 4 районга (Ленин, Октябрь, Пролетар ва Сталин) бўлинган. Тошкент шаҳар давлат архивида сақланаётган С-4-жамғарма [3] (Сталин район) ҳужжатлари таҳлиliga кўра, ушбу жамғармада 1934 йилда Сталин районида олиб борилган қулоқларни аниқлаш, хўжаликларни қулоқлаштириш ишлари тўғрисида қимматли материаллар мавжуд.

Архив ҳужжатларида Сталин район совети Президиумининг 16 майдаги II-сон мажлис қарори бўлиб, ушбу мажлисда Президиум аъзоларидан Илясов, Мирзахмедов, Муслимов, Заиров, Қорабоев, Аратский, Алпен, Дилавар Хўжаев, Қиразулин ва бошқа сиёсий вакиллар, шўъбалардан Қосимов (молиядан), Хўжаева (маорифдан) Мухамедова (район шўросидан) иштирок этганлар.

Йиғилишда 1933 йилда қулоқ хўжалигига тортилган хўжаликларни қайтадан текшириш натижасини кўриш (Алпен, Қосимов), Марказий ижроқўмининг район советлари олдида меҳнаткашларни аризаларини текширадиган шикоят бюросига маъсул киши тайинлаш тўғрисида (Муслимов) ва бошқа масалалар кўриб чиқилган.

1933 йилда қулоққа тортилган хўжаликларни қайтадан текшириш натижасида 27 та хўжалик ишлари кўриб чиқилган. Жумладан: Сузукота маҳалласи истиқомат қилган Асқар Саид Ахмедов – ижтимоий келиб чиқиши аввал савдогар, шу билан бирга қассобчилик билан шуғулланган. Ўзининг қарамоғида бир ярим таноб ери бўлиб, 1933 йилда қишлоқ хўжалик ишлари билан машғул бўлганлиги сабабли район солиқ комиссияси қарорига мувофиқ қулоққа тортилган. Иккинчи мартаба текширишганда ҳам ана шу айблар билан қулоқликда қолдирилган [4].

Шунингдек, ҳужжатларда ҳамма хўжаликлар ҳайвонларни, асбоб-анжомларни, қимматли буюмларни пулга сотишга ва бошқа қариндошлариникига яшириб қўйишга ҳаракат қилишганлиги қайд этилган. Ҳайвонларни сўйиб юбориш ва уларни тоғли жойларга ҳайдаб олиб бориш ҳоллари юз берган. Эски шаҳар бозорида ишчи-улов ҳайвонларининг нархи жуда пасайиб кетган. Бир ой муқаддам 150-160 сўм турган хўкиз эндиликда 50-55 сўмга сотилган. Сигирлар нархи 25-30 сўмга тушиб кетган (серсут сигирнинг баҳоси 60 сўмга тушиб қолган). Қўйлар 30-50 сўм ўрнига 12-15 сўмга сотилган. Сотувчилар “коммунага бекорга топширгандан кўра, арзон гаровга сотиб юборган яхши” деб, ҳайвонларини паст баҳода сотиб юборганлар [5].

Архив ҳужжатларига кўра, биринчи марта ҳайвонларни ҳисобга олиш ишлари жойлардаги вакиллар томонидан бу ишга яхши диққат қилмаганликлари натижасида жуда ёмон ҳолда эканликлари қайд этилган. Шунинг учун иккинчи мартаба текшириш ўтказилиб, ушбу текширишда кўп мавзе ва маҳаллаларда яшириниб қолган ҳайвонлар топилган ва 100 фоиз тамом бўлмаганлиги учун 3 кун муҳлат ичида текширишни тўлиқ тамом қилишни таъминлаш айтиб ўтилган. Шунингдек, ҳайвонларни яшириб қолган хўжаликларга 100 сўмгача жарима солиш ва жаримадан бош тортганларни тегишли судга бериш ишини район молия шўъбаси зиммасига юклатилган [6].

Бундан ташқари, қолхоз хўжаликларни, яққа хўжаликлар ва қулоқ хўжаликлар учун гўшт ва сут мажбуриятларининг плани белгилаб қўйилган. Масалан, Сталин район бўйича ўтказилган қайта текширувдан сўнг

берилган материаллар билан якка хўжаликлар сектори бўйича 1933 йилда гўшт мажбуриятининг плани куйидагича тасдиқ қилинган. 1934 йил 18 майдаги 29-сон қарори асосида куйидагича ўзгартиришлар киритилган:

Колхоз хўжалиги учун 808, бир йиллик норма – 75,75 центнер (ўзгартирилмаган);

Якка хўжаликлар учун 972, бир йиллик норма – 388,8 центнер (аввал 472,8 центнердан 388,8 центнерга 84,0 центнер камайтирилган);

Кулоқ хўжаликлар учун 18, бир йиллик норма – 14,4 центнер (ўзгартирилмаган) [7].

1934 йилда Муслимов бошчилигидаги текшириш комиссияси сут мажбуриятининг планини кўриб чиқиш мақсадида, қатъий текшириш ўтказган. Текширув натижасида колхоз хўжаликлари бўйича 67 сигир ва якка хўжаликлари бўйича 78 сигир топилиб қолгани учун 1934 йилги сут мажбуриятининг плани куйидагича белгиланган:

1. Колхоз хўжаликлари бўйича – 5015 литр;

2. Якка хўжаликлар бўйича – 9360 литр, жами: 14385 литр [8].

Ҳаттоки, аввалги колхозларга ҳам, янги тузилган колхозларга ҳам қандай экинлар (пахта, беда, буғдой ва бошқа экинлар) экиш олдиндан юқоридан белгилаб берилган. Масалан, 1934 йил 20 майдаги 31-сон баённома қарорига кўра, Тошкент шаҳридаги колхозларга беда экини экиш майдонлари куйидагича белгиланган:

| Т/р | Колхоз номлари | Экин майдон (га) | Изоҳ |
|------|------------------------|------------------|--------|
| 1. | Байнал-Минал колхози | 7,06 га | 12 уч. |
| 2. | Иттифок колхози | 1,49 га | 7 уч. |
| 3. | Сталин колхози | 1,85 га | 7 уч. |
| 4. | Қизил-юлдуз колхози | 2,03 га | 11 уч. |
| 5. | Қизил-Иркен колхози | 2,6 га | 8 уч. |
| 6. | Шарқ-Иркен колхози | 2,03 га | 5 уч. |
| 7. | Га-рад колхози | 3,67 га | 16 уч. |
| Жами | Ҳамма колхозлар бўйича | 20.73 га [29] | |

-Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Умуман олганда, Тошкент шаҳар марказий давлат архивида сақланаётган бу борадаги тарихий маълумотларни ҳолис ва ҳаққоний ўрганиш, мамлакатимиз мустақиллиги қандай оғир ва машаққатли курашлар билан қўлга киритилганини, бугунги эркин, озод ва обод ҳаётимизни асраб-авайлаб, кадрлаб яшаш кераклигини янада чуқур англашга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар) [Матн] К. 1. Ўзбекистон 1917-1939 йилларда / масъул муҳаррирлар Р. Абдуллаев, М. Раҳимов, Қ. Ражабов; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ – Тошкент «O'zbekiston» НМИУ, 2019. 512-бет.
2. Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати. – Т.: “Шарқ”, 2005. 76-бет.
3. ТШДА. С-4-жамғарма. Доимо сақланадиган йиғмажилдлар 2-сон рўйхати. 1930-1956 йиллар учун. В. 88.
4. ТШДА. С-4 – жамғарма, 2-рўйхат, 83-йиғмажилд, 120-варақ.
5. Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамолаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т.: “Шарқ”, 2003. 98-99 бетлар.
6. ТШДА. С-4 – жамғарма, 2-рўйхат, 83-йиғмажилд, 189-варақ.
7. ТШДА. С-4 – жамғарма, 2-рўйхат, 83-йиғмажилд, 194-варақ.
8. ТШДА. С-4 – жамғарма, 2-рўйхат, 83-йиғмажилд, 194-варақ.
9. ТШДА. С-4 – жамғарма, 2-рўйхат, 83-йиғмажилд, 125-варақ.



УДК: 94(584.4):336.225

Расулжон ДУСЧАНОВ,
Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси
E-mail: rasuljonduschanov5@gmail.com

Профессор, тарих.ф.д., Холиқова Р.Э. тақризи асосида

THE FATE OF THOSE WHO SUFFERED FROM THE REPRESSIVE POLICY OF THE SOVIET STATE IN THE 20-30S OF THE XX CENTURY (ON THE EXAMPLE OF THE TAX SYSTEM)

Abstract

Documents kept in the funds of the National archives of Uzbekistan show that in the Uzbek villages, the accusations against the peasants were mixed with political issues, which led to more cases of those being prosecuted. Exile, interrogation, and political charges were all linked. A feature of the policy of ending the ears as a class was the loss of the legal and economic basis for the operation of these farms.

Key words: Court, repression, property, recipient of income, tax rate, military tax, tax amount, income, local tax, levy, rent for land.

СУДЬБА ТЕХ, КТО ПОСТРАДАЛ ОТ РЕПРЕССИВНОЙ ПОЛИТИКИ СОВЕТСКОГО ГОСУДАРСТВА В 20-30-Е ГОДЫ XX ВЕКА (НА ПРИМЕРЕ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ)

Аннотация

Документы, хранящиеся в фондах Национального архива Узбекистана, показывают, что в узбекских деревнях обвинения в адрес крестьян смешивались с политическими вопросами, что привело к увеличению числа случаев судебного преследования. Ссылка, допросы и политические обвинения были связаны между собой. Особенностью политики репрессии являлось уничтожение репрессированных как отдельный класс и потеря правовой и экономической основы для работы хозяйств.

Ключевые слова: Суд, репрессия, имущество, получатель дохода, налоговая ставка, военный налог, сумма налога, доход, местный налог, сбор, арендная плата за землю.

XX АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИ СОВЕТ ДАВЛАТИ ҚАТАҒОН СИЁСАТИГА УЧРАГАНЛАР ТАҚДИРИ (СОЛИҚ ТИЗИМИ СОҲАСИ МИСОЛИДА)

Аннотация

Ўзбекистон Миллий Архиви фондларида сақланаётган ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, ўзбек қишлоқларида ўзига тўқ деҳқонларга қўйилган айбловларда сиёсий масалалар ҳам аралаштирилганлигини, шу орқали жавобгарликка тортилаётганларни, айбларини янада кўпайтириш ҳолатлари бўлганлигини кўриш мумкин. Сургун қилиш, қулоқлаштириш, сиёсий айбловлар қўйиш каби ҳолатлар бир – бири билан боғланган ҳолда олиб борилди. Қулоқларни синф сифатида тугатиш сиёсатининг хусусияти, бу ҳужжаликлар фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини йўқотиш эди.

Калит сўзлар: Суд, қатағон, мол-мулк, даромад олувчи, солиқ ставкаси, ҳарбий солиқ, солиқ суммаси, тушим, маҳаллий солиқ, йиғим.

Кириш. Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки даврлардан бошлаб республиканинг ижтимоий – иқтисодий ҳаёти сиёсийлаштириб борилди. Натижада XX аср 20 -30 йиллари совет давлатининг кенг қатағонлар ўтказиш даври бўлди. Қатағон нафақат зиёлиларни, балки республика ҳаётининг барча жабҳаларида иштирок этганларни ўз гирдобига тортди. Тарихга эътибор берилса, совет давлати ўрнатилган дастлабки йиллардан бошланган қаттиқ таъқиблар қатағонга айланиб, 1929-1933 йилдаги ёппасига коллективлаштириш ва ўзига тўқ деҳқон ҳўжаликларни қулоқ қилиш билан ҳам қўшиб олиб борилди. Шу даврга оид бўлган кўп хужжатлардан маълум бўлишича, қулоқларга нисбатан муносабатни аниқлаш ва шу асосда сиёсий йўлни белгилаб олиш, унга асосланиб, амалий фаолият кўрсатиш партия олдида турган асосий вазифалардан бўлиб қолган эди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Сургун қилиш, қулоқлаштириш, сиёсий айбловлар қўйиш каби ҳолатлар бир – бири билан боғланган ҳолда олиб борилди. Проф. Р.Шамсутдиновнинг ёзишича, қулоқ қилиш авж олган бир вақтда Акмал Икромовнинг 1930 йил 10 январда Самарқанд партия фаолларининг йиғилишида, қилган маърузасида қулоқ қилишнинг бир қатор йўл – йўриқлари белгилаб берилган. У қишлоқда “капилластик унсурларга” қарши ҳужум қилиб, уни тағтомири билан суғуриб ташлаш, қулоқларни синф сифатида тугатиш вазифасини удалаш учун нималар қилиш лозимлиги ҳақида тўхталиб, қуйидаги тадбирларни илгари сургун:

Биринчидан, пахта экиш учун қулоқларга бериладиган кредитни чеклаб қўйиш, кредит беришда синфийлик тамойилини қўлаб, камбағал ва ўрта ҳол деҳқонларга кредит бериш, қулоқларга бериладиган кредитни кескин қисқартириш;

Иккинчидан, камбағал ва ўрта ҳол деҳқонларга пахта экиш учун қишлоқ ҳўжалик солиғини аввалгидек 50 фоиз, қулоқлар учун 100 фоиз қилиб белгилаш;

Учинчидан, кулоқларнинг ўзгалар меҳнатини эксплуатация қилиш имкониятларини чеклаб қўядиган совет конунларини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш;

Тўртинчидан, пахта етиштиришда кулоқлар билан контракт тузишда пул аванси бермаслик, уларни бутун пахта хосилини давлатга бепул топширишга мажбур этиш;

Бешинчидан, ёппасига жамоалаштиришда кулоқ хўжаликларини энг ёмон, чўл зонаси ерларига кўчириш, бир вақтнинг ўзида қишлоқда ҳашар ва бошқа ишларни авж олдириб, бу ишларнинг энг оғирини кулоқлар зиммасига юклаш.

Бу тадбирлар, республиканинг биринчи раҳбари фикрича, қатъийлик ва уюшқоқлик билан амалга оширилиши керак эди[1].

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). “Кулоқларни синф сифатида тугатиш сиёсатининг хусусияти, бу хўжаликлар фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини йўқотиш эди. Кулоқларни синф сифатида тугатиш ва оила аъзолар билан бирга иттифоқнинг чекка минтақаларига сургун қилиш сталинча кулоқ қилиш концепциясининг фақат бир томони эди холос, - дейди тадқиқотчи М.Абдуллаев, - концепциянинг иккинчи бир мақсадига кўра, тугатилган кулоқ хўжаликлари ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-сиёсий нуқтаи- назардан ўзгарган ҳолда меҳнат фаолияти кўрсатиши лозим эди. Унинг туб моҳияти собиқ кулоқларни меҳнатга муносабат, ижтимоий – маданий ва мафқуравий жиҳатдан қайта тарбиялаш, уларни совет давлатига содиқ кишиларга айлантиришдан ибора эди[2].

Ўзбекистон Миллий Архиви фондларида сақланаётган ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, ўзбек қишлоқларида ўзига тўқ деҳқонларга қўйилган айбловларда сиёсий масалалар ҳам аралаштирилганлигини, шу орқали жавобгарликка тортилаётганларни, айбларини янада кўпайтириш ҳолатлари бўлганлигини кўриш мумкин.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Масалан, Рахимов Карим[3] - Сурхандарё вилояти Денов қишлоғида яшаган. 1928 йилда кулоқ қилинган. Аҳоли меҳнатидан ёлланма ишчи кучи сифатида шартномасиз фойдалангани учун 111 рубль 50 коп. қишлоқ хўжалиги солиғига, 366 рубль 12 коп. сув йиғими солиғига, 557 рубль ўзини-ўзи солиққа тортишга, 1113 рубль 50 коп. бир марталик тўловга тортилган. Инқилобий трибунал солиқни умуман тўламаганлиги таъкидлаган. Қўл остида шартномасиз камбағал аҳолини ишлатганлик айби қўйилган.

1929-1930 йилларда туман молия бўлимининг ҳисоб китоби бўйича унинг 81 та қорақўл қўйи бўлган. Шартнома бўйича 66 та қорақўл тери, 76,7 кг. қўйларнинг баҳорги юнгидан, 48,5 кг. Қўйларнинг кузги юнгидан давлатга топшириши белгиланган. К.Рахимов шартномада белгилангандан 53 та қорақўл тери, 90 кг. қўйларнинг баҳорги юнги, 38 кг. кузги юнгини топширган. Шунда ҳам солиқ тартибини бажармаганликда айбланган. Унга қўчқорларини бекитганлиги ва уни сотганлиги айбловлари ҳам қўйилган. Маълумотдада келтирилишича, 1930 йил ўғлининг тўйи вақтида 40 қўчқорни сотган.

Шунингдек, унга сиёсий айбловлар ҳам қўйилган. Баённомаларда кўрсатилишича, К.Рахимов 1905 йилда йилдан Бухоро амири тамонидан оқсақол қилиб тайинланган ва амирлик тугатилгунча қадар шу лавозимда ишлаган, бир пайтнинг ўзида Усмон Полвон кўрбошига ёрдамчи бўлган. 1915-1922 йилларда Амлоқдор (солиқ йиғувчи) лавозимини эгаллаган. Усмон Полвон кўрбошига ем-хашак, кийим бош, етказиб берган ва пул йиғишда ҳамда ўғли босмачиларга ёрдам берганликда айбланган. “Босмачилар” билан яқин алоқада бўлган. 1921-1924 йилларда совет ҳокимияти тамонидан қидирувга бўлган. 1924 йилда Гиждувон шаҳрида кўрбоши Усмон Полвон бошчилигида совет ҳокимиятига таслим бўлган.

Камбағал аҳолини ишлатганликда айбланган К.Рахимов маҳаллий аҳоли орасида катта ҳурматга эга бўлганлиги сабабли 1929 йилда кулоқ бўлишдан сақланиб қолинган.

Баратов Алим – Сурхандарё вилояти Денов қишлоғида яшаган. 1930 йилда кулоқ қилинган. Совет ҳукумати уни аҳоли меҳнатидан ёлланма ишчи кучи сифатида шартномасиз фойдалангани учун 935 рубл қишлоқ хўжалиги солиғига, 84 рубл сув йиғими солиғига, 468 рубль ўзини-ўзи солиққа тортишга, 965 рубль бир марталик тўловга тортган, бироқ, белгиланган солиқ А.Баратов тамонидан тўланмаган.

Совет ҳокимиятининг белгиланган тартиб қондаларга амал қилмаганлар қатори А.Баратов ҳам кулоқ қилиниб, совет ҳукумати тамонидан жазога тортилган. А.Баратов ҳақидаги ҳужжатларда ёзилишича, у пойафзал савдосида даллолик қилган ҳамда қўй савдоси билан шуғулланган. Совет ҳокимиятига қарши курашган Ўрмон Полвон кўрбошига ёрдам берган. Совет ҳукуматининг айбловларида ёзилишича, унинг акаси Сали Баратов Ўрмон Кўрбошининг йиғитларидан бўлган. Вардонзе кўрғони қишлоғида қизил армия аскарлари тамонидан ўлдирилган.

1929-1930 йилларда Туман молия ҳисоб бўлими тамонидан Алим Баратовнинг боқиб турган 145 та қўйи рўйхатга олинган ва совет ҳукумати тамонидан ташкил этилган камбағаллар комитети йиғини тамонидан ҳам тасдиқланган. Сурондарё вилояти денов тумани молия бўлими билан тузилган шартномага кўра А.Баратов қорақўл теридан 98 та, баҳорги юнгдан 124,9 кг, кузги юнгдан 105,8 кг жун давлат топшириши белгиланган. Бироқ, бу шартнома бажарилмаган ва А.Баратов давлатга 61 та қорақўл тери, 125 кг. баҳорги юнг, 107 кг. кузги юнг топширган.

1930-1931 йилларга келиб Сурондарё вилояти Денов тумани молия бўлими тамонидан А. Баратовнинг боқиб турган 161 та қўйи ҳам рўйхатга олинган ва бу ҳам камбағаллар комитети йиғини тамонидан тасдиқланган. А. Баратов иши бўйича таҳланган ҳужжатларда ёзилишича, у 1929-1931 йилларда 200 бошга яқин қорақўл қўйлари ва мол-мулкни давлатдан яширган. У давлатдан яширган ҳолда бу қўйларни чўлга беркитиб, доимий равишда қўйларини сотиш билан шуғулланган. Шунингдек 60 бош қўйни “Бешкак” маҳалласида яшовчи куёвига берганликда айбланган. Шу сабабли 1930 йилда А.Баратов совет ҳукумати тамонидан кулоқ қилинган.

Илмуратов Жўра – Бухоро вилояти Бауман тумани (ҳозирги Шофиркон) Суфиён қишлоғида яшаган. 1929 йилда кулоқ қилинган. Аҳоли меҳнатидан ёлланма ишчи кучи сифатида фойдалангани учун айбланган ва 376 рубль 59 коп. қишлоқ хўжалиги солиғига, 59 рубль 40 коп. сув йиғими учун, 188 рубл 30 коп. ўз-ўзини солиққа тортишга жалб қилинган. Унинг отаси Элмурод Шодиев йирик судхўр бўлган. 1929 йилда пахта экиш ва уни етиштиришга қарши чиққани сабабли 1 йилга қамалган. Кўрбоши Бозор Амин Жўра ва унинг амакиси Нур Нарзиев яқин алоқада бўлган. Туман молия бўлими маълумотларига кўра 1929-1930 йилларда 315 та қорақўл қўчқорлари бўлганлигини ва бу камбағаллар комитети йиғинида кўриб чиқилган. Шартнома бўйича 250 та қорақўл тери, баҳорги юнг 307,8 кг, кузги юнг 23,7 кг бериши белгиланган.

1930-1931 йилларда туман молия бўлими томонидан 37 та қўйи бор деб ҳисобга олинган лекин камбағал комитети йиғинида 64 бош қўйи борлиги айtilган. Шартнома бўйича қоракўл теридан 26 та баҳорги юнгдан 64 кг, кузги юнгдан эса 40,9 кг топширганлиги кўрсатилган. Унга нисбатан ўз қўйларининг сонини маҳаллий ҳокимиятдан бекитганлик ва амакиси қўйлари билан подасини бирлаштирганлик айби қўйилган.

Рахмонов Раджап – Боғи айдар кишлоғи яшаган. 1929 йилда кулоқ қилинган. Аҳоли меҳнатидан ёлланма ишчи кучи сифатида шартномасиз фойдалангани учун 17861 рубль 40 коп. кишлок хўжалиги солиғига, 689 рубл 20 коп. сув йиғимига, 89 рубль ўзини-ўзи солиққа тортишга, 1786 рубль 40 коп. бир марталик тўловга тортилган. Бу солиқнинг 1700 рублни тўламаган.

Шунингдек, унга ҳам сиёсий айбловлар қўйилган. Масалан, 1905-1917 йилларда қози бўлган. 1917-1922 йилларда Ходжа Ариф кишлоғида “Амин” лавозимида ишлаган. Пахта етиштириш бўйича тузилган шартномани бажармаганлиги ва ипак куртини парвариш қилишда бефарқ бўлганлиги учун бир йилга ҳукм қилинган. Туман молия бўлими рўйхатида 192 та қўйи борлиги лекин камбағаллар комитети йиғинида 200 та бош қўйи борлиги тасдиқланган. 1931 йилда қатағон қилинган[4].

1922 йил 22 мартда Сирдарё вилоятида натура шаклидаги солиқ тўмаланликда айбланган фуқаро Ниязмухаммад Мулла Ниязов ишини инқилобий трибунал кўриб чиқади. Унинг масаласида камбағаллар комитети йиғинини уюштириб у ёлғон маълумот берганликда айбланади.

Ниязмухаммад Мулла Ниязов натура шаклидаги солиқни уч баробар ҳажмда, яъни 21 пуд буғдой тўлаши белгиланган, агарда тўлов амалга оширилмаса унинг мол-мулкани бир қисми, от, сигир ва иккита бузоғи мусодара қилиниши белгиланган.

Агзам Султановга ҳам натура шаклидаги солиқ уч баробар ҳажмда яъни 24 пуд буғдой тўлаши белгиланган, агарда тўлов амалга оширилмаса унинг мол-мулканинг бир қисми, 2 та сигир ва 3 та қўчқор мусодара қилиниши белгиланган. Бундан ташқари унга А.Султановга судда ёлғон кўрсатма бергани учун айбдор деб топилган, шунинг учун 3 та қўчқорни мусодара қилишга ҳукм қилинган.

Миркарим Мирсалихов (натура шаклидаги солиқ) икки баробар ҳажмда яъни 26 пуд. 26 фунт. буғдой тўлаши белгиланган, агарда тўлов амалга оширилмаса унинг мол-мулканинг бир қисми, битта от, битта сигирни мусодара қилиниши белгиланган.

Мирсабир Мирсалихов натура шаклидаги солиқ – икки баробар ҳажмда яъни 18 пуд. 26 фунт буғдой тўлаши белгиланган, агарда тўлов амалга оширилмаса унинг мол-мулканинг бир қисми, битта от, битта сигир бузоғи билан мусодара қилиниши белгиланган.

Шермат Нурматов натура шаклидаги солиқ уч баробар ҳажмда яъни 30 пуд буғдой тўлаши белгиланган, агарда тўлов амалга оширилмаса унинг мол-мулканинг бир қисми, битта от, битта сигир ва тўққизта қўчқор мусодара қилиниши белгиланган. Ш.Нурматовга судда ёлғон кўрсатма бергани учун айбдор деб топилган.

Шермат Досматов натура шаклидаги солиқ икки баробар ҳажмда яъни 14 пуд. буғдой тўлаши белгиланган, агарда тўлов амалга оширилмаса унинг мол-мулканинг бир қисми, битта от мусодара қилиниши белгиланган.

Мирталиб Мирсалихов натура шаклидаги солиқ икки баробар ҳажмда яъни 18 пуд 26 фунт буғдой тўлаши белгиланган, иккита от мусодара қилиниши белгиланган[5].

Бундан ташқари айбланувчиларни судда ёлғон кўрсатма берганликда айблаб, уларга ҳар хил бўхтонлар юклаганлиги айниқса, Ш.Нурматов ва А.Султановларнинг иши кучайиб кетган. Уларга нисбатан чиқарилган ҳукмда бўлса уларнинг айбсизлигини ҳеч қандай йўл билан исбот қилиб бўлмаслиги алоҳида таъкидланган.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Юқоридагилардан кўринадики, совет давлатининг жамоалаштириш ва кулоқ қилиш сиёсати, қолаверса қатағон сиёсати анча оғир кечди. Ўзбек кишлокларида яшаган аҳоли зўравонлик ва қаттиқ босим қурбони бўлди. Йиллар давомида шаклланиб келган деҳқончилик масаласига анъаналар, ўлкада деҳқончиликнинг мавсумий эканлиги, унда барча аҳоли имкон даражасида иштирок этиши кабилар совет ҳокимияти томонидан инкор этилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Тошкент. Шарқ, 2001. – 39-40 бетлар.
2. Абдуллаев М. Ўрта Осиёдаги посёлкалар тизими ва сургун қилинган кулоқлар тақдири. – Тошкент. Akademnashr, 2018. – 296 бет.
3. Ўз МА Р-1714, 5-рўйхат, 609-йиғмажилд, 3-варақ.
4. Ўз МА Р-1714, 5-рўйхат, 609-йиғмажилд, 4-варақ.
5. Ўз МА Р-343, 1-рўйхат, 22-йиғмажилд, 10-варақ.



УДК: 159.9(575.1)

*Зебинисо Зайнабидинова,
Фаргона давлат университети ўқитувчиси
E-mail: zebo.zajnabidinova@mail.ru*

ФарДУ профессори, тарих ф.д М.Х. Исамидинов тақриси асосида

SCIENTIFIC ACHIEVEMENTS OF ACADEMICIAN SAYORA SHARAFOVNA RASHIDOVA IN THE FIELD OF CHEMISTRY AND PHYSICS OF POLYMERS

Abstract

The article is devoted to the scientific achievements and developments of Academician Sayora Sharafovna Rashidova. In particular, the article highlights the innovative inventions and patents of Academician Rashidova. The article consists of five parts: introduction, literature review, results and conclusion.

Key words: inventions, patent, innovation, development.

НАУЧНЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ АКАДЕМИКА САЙЁРЫ ШАРАФОВНЫ РАШИДОВОЙ В ОБЛАСТИ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ

Аннотация

Статья посвящена научным достижениям и разработкам академика Сайёры Шарафовны Рашидовой. В частности, в статье освещаются инновационные изобретения и патенты академика Рашидовой. Статья состоит из пяти частей: введения, литературного обзора, методологии исследования, анализа и результатов, заключения.

Ключевые слова: изобретения, патент, инновация, разработка.

АКАДЕМИК САЙЁРА ШАРАФОВНА РАШИДОВАНИНГ КИМЁ ВА ПОЛИМЕРЛАР ФИЗИКАСИ СОХАСИДАГИ ИЛМИЙ ЮТУКЛАРИ

Аннотация

Мақола академик Сайёра Шарафовна Рашидова илмий ютуклари ва ишланмаларга бағишлаган, хусусан мақола академикнинг инновацион ихтиролари ва патентлари ёритилган. Мақола беш қисмдан иборат: кириш, адабиётларни қуриб чиқиш, методология, тадқиқот, таҳлил ва натижалар, хулоса.

Калит сузлар: ихтиролар, патент, янгилик, ривожланиш.

Введение. Большое внимание развитию науки уделяется с первых дней Независимости Республики Узбекистан, свидетельством чего являются реформы, охватившие сферу научно-исследовательской деятельности в целях дальнейшего укрепления научно-технического потенциала страны. Таким образом, в Узбекистане женщины все чаще занимают лидирующие позиции во всех сферах деятельности. Они вносят весомый вклад в развитие образования, культуры и науки. Узбекские женщины-ученые проявили себя в области химии, биотехнологий, сельского хозяйства и многих других сферах [1] Их интеллектуальный труд высоко оценивается зарубежными научными центрами. В научно-образовательных учреждениях республики трудятся 660 женщин докторов наук, 6 академиков. В научных институтах при Академии наук Узбекистана около 3 тысяч женщин плодотворно ведут исследовательскую деятельность [2]

Обзор литературы по теме (Literature rewire). Рассматривая степень изученности темы, необходимо прежде всего остановиться на цикле библиографических данных Шамансурова О.А, Кличева О.Т в которых представлены биографические данные и научные исследования академика С.Ш.Рашидовой. Брошюра Института химии и физики полимеров позволяют провести сравнительный анализ вещественных археологических источников и тем самым предоставить информацию, о научных достижениях С.Ш. Рашидовой.

Методология исследования (Research Methodology). В основу методологии написания данной статьи положены принципы независимости и концепции цивилизационного подхода к историческому процессу. Также, говоря о методологии статьи, хотелось бы подчеркнуть, что нами были использованы методы отбора и классификации материала, сравнительного анализа приведенных фактов.

Анализ и результаты исследования (Analysis and results). Сайёра Шарафовна Рашидова - доктор химических наук, профессор, академик Академии Наук Республики Узбекистан, заслуженный деятель науки Республики Узбекистан, основатель и директор Института химии и физики полимеров АН РУ. Сайёра Шарафовна Рашидова относится к плеяде ученых, обладающих яркими творческими способностями, обширными и глубокими знаниями, богатым практическим опытом, талантом организатора.

За 50 лет научной деятельности академик С.Ш. Рашидова опубликовала более 1000 научных работ, в том числе она автор более 50 изобретений и патентов. Под её руководством подготовлено 6 докторов наук, 21 кандидат наук, 4 доктора философии (PhD). Результаты исследований Рашидовой С.Ш неоднократно докладывались на международных симпозиумах, конференциях, семинарах, проводимых в таких странах, как Франция, США, Польша, Венгрия, Индия, Китай, Чехословакия, Турция, Канада, Германия, Ирландия, Россия, Казахстан, Украина, Нидерланды и получили высокую оценку специалистов.

Сайёра Рашидова родилась 2 августа 1943 года в городе Джизаке, в семье видного Государственного и политического деятеля- Шарафа Рашидова, являвшимся так же известным писателем, кандидатом в члены Политбюро ЦК КПСС и Первым секретарем ЦК КП Узбекистана Рашидова Шарафа Рашидовича и Рашидовой Хурсанд Гафуровны.

После окончания школы в 1960 году Сайёра Шарафовна с 1960 по 1965 г. обучалась на химическом факультете Московского Государственного Университета им. М.В. Ломоносова, и окончила кафедру химии высокомолекулярных соединений. По окончании Университета в 1965 г. была направлена на работу в Институт Химии АН Уз ССР стажером-исследователем, прошла 2х годичную стажировку в Институте нефтехимического синтеза им. Топчиева А.В. АН СССР . В 1971 г, успешно закончив аспирантуру, Сайёра Шарафовна защитила диссертацию на соискание ученой степени кандидата химических наук на тему "Исследования полимеризации и сополимеризации пропаргиловых эфиров α , β ненасыщенных кислот с N -виниллактамами". В 1983 г в МГУ им. Ломоносова Рашидова успешно защитила диссертацию на соискание ученой степени доктора химических наук на тему: «Синтез, свойства и применение металлокомплексов полимеров виниллактамов и пропаргиловых эфиров ненасыщенных кислот», а в 1984 г. ей было присвоено звание профессора. В 1994 г. С.Ш.Рашидова за достижения в развитии химии, физики и технологии полимеров природного и синтетического происхождения избрана членом -корреспондентом АН РУ, а с 2001 г. академиком АН РУ по специальности «Химия высокомолекулярных соединений».

Их интеллектуальный труд высоко оценивается зарубежными научными центрами. В научно-образовательных учреждениях республики трудятся 660 женщин докторов наук, 6 академиков. В научных институтах при Академии наук Узбекистана около 3 тысяч женщин плодотворно ведут исследовательскую деятельность

Важным разделом исследований в области синтеза биологически-активных полимеров в деятельности академика С.Ш.Рашидовой является получение полимер полимерных систем на основе водорастворимых природных и синтетических полимеров. На основе этих исследований были развиты представления о совместимости полимеров на различных иерархических уровнях, молекулярном и надмолекулярном. В результате высказаны предположения о формировании полимерных систем наноразмера.

Впервые академиком Рашидовой С.Ш. с коллегами применены методы междисциплинарной науки синергетики для теоретического обоснования действия биологически активных полимеров в качестве экологически безопасных полимерных пестицидов, применяемых при предпосевной подготовке посевного материала с/х культур технологией капсулирования.

Другим направлением теоретических исследований стало теоретическое изучение взаимосвязи структуры и свойств на основе использования метода QSPR -моделирования. Решая эту проблему, удалось понять природу гомологичности целого ряда полимерных систем. Выдвинута концепция адаптационного материаловедения, суть которой заключается в получении биологически активных полимеров с новыми физико-химическими свойствами при воздействии на генетический материал УФ- и других видов облучений. Все эти разработки теоретических моделей способствовали формированию ряда задач, решение которых важно для нового направления науки - нанобиологии.

С.Ш. Рашидовой и коллективу сотрудников принадлежат приоритетные исследования по созданию полимерных гидрофильных покрытия для семян сельскохозяйственных культур. Ими впервые разработана концепция применения полимеров в семеноведении, сформулированы физико-химические, экологические, биологические и технологические принципы создания полимерных систем для иммобилизации биологически-активных соединений, применяемых в растениеводстве. Концепция создания полимерных систем для экологизации растениеводства реализована в технологии предпосевной подготовки семян хлопчатника, риса, сахарной свеклы методом капсулирования.

Сформулированные- физико-химические и биологические принципы создания биологически-активных полимерных систем легли в основу международного сотрудничества с фирмами «Рон-Пуленк» (Франция) и «Сандоз» (Швейцария) по программе биологической оценки пестицидов при их использовании для капсулирования семян.[3]

На протяжении ряда лет под руководством академика С.Ш.Рашидовой проводились фундаментальные исследования по синтезу полимеркремнеземных сорбентов для ВЭЖХ и ВЭТСХ. Новый импульс получило это направление научного поиска в связи с применением нанотехнологий. В соавторстве с проф. Кабуловым Б. впервые в Республике был осуществлен синтез наногибридных полимеркремнеземных материалов по золь-гель технологии в одну стадию. Полученные наносорбенты обладают различной функциональностью и могут применяться не только как высокоселективные сорбенты для хроматографии, но и как нанонаполнители для получения композиционных материалов улучшенного качества. Результаты исследований нашли признание у ведущих ученых зарубежных стран.[4]

Эти полимерные системы снимают химический стресс в экосистеме Республики Узбекистан, являются адаптогенами растений в условиях аридного климата, способствуют уменьшению заболеваемости сельскохозяйственных культур и увеличению урожайности. Эти разработки института широко внедряются в агропромышленном комплексе Узбекистана.

Технология капсулирования семян получила высокую оценку на 26 Международной выставке по интеллектуальной собственности, прошедшей в г. Женеве (Швейцария) в 1998 году и была удостоена бронзовой медали. [5] Важным практическим направлением деятельности академика С.Ш. Рашидовой являются глубокие исследования по получению полимерной продукции из отходов производств Республики Узбекистан, в частности сокового производства, производства натурального шелка, производства хлопкоочистительной промышленности. В этом плане оптимизирована технология извлечения пектиновых веществ из отходов сокового производства и получения на их основе медицинских препаратов для профилактики и лечения острых желудочно-кишечных заболеваний, пищевых добавок, питательных средств для микроорганизмов, которые используются в биотехнологических процессах.

Из отходов производства натурального шелка, в частности волокнистой части получены энтеро- и гемосорбенты куколок тутового шелкопряда, разработана технология получения куколочного масла, которая планируется для использования в качестве поверхностно -активных веществ, а также в парфюмерии и косметике. Кроме того разработана технология получения хитинов и их производных, в частности хитозанов с различной степенью дезацетилирования и полимерметаллокомплексов с целью их применения в сельском хозяйстве, фармации и т.д.[6]

Одним из приоритетных фундаментальных исследований академика Рашидовой С.Ш. являются исследования в области физики полимеров, изучении и установлении ряда теоретических закономерностей синтеза и свойств электропроводящих полимеров со специальными свойствами, компьютерном моделировании зависимости свойств полимеров от молекулярных параметров. Выполненные теоретические исследования, и полученные результаты оказались плодотворными и полезными в толковании ряда закономерностей, в частности, корреляций состав – структура – свойства полимеров, в теоретическом обосновании формирования наноструктур в полимерных системах.[7] По инициативе и руководстве Рашидовой С.Ш. при институте создано опытное производство где освоены технологии производства нового природного полимера хитозана, который можно применять во многих отраслях экономики, и на его основе отечественный препарат УзХитАН – полимерный протравитель со стимулирующим эффектом. Кроме того, проводятся изыскания с целью разработки технологии производства из хлопкового линта водорастворимой, высоковязкой карбоксиметилцеллюлозы для нужд газо-, нефтеперерабатывающей промышленности и гидрометаллургии, производство полимерного дефолианта «Полидеф», выпуск которых освоен на базе ООО «Карбонам» и «Фергана-азот».[8]

В последнее время особый интерес представляет получение наноструктурных полимерметаллокомплексов на основе хитозана и его производных, поскольку, сравнительные опыты показывают, что наноразмерные системы данного класса полисахаридов характеризуются весьма выраженной биологической активностью.

Заключение и рекомендации (Conclusion/Recommendations). С начала XXI века трудно найти в многогранной производственной деятельности человека отрасли, в которых не использовались бы полимерные материалы. Новый виток в развитии науки о полимерах на пути создания современных полимерных материалов в последние годы связан с наноструктурными полимерными материалами. Разработка нанотехнологий и создание на их основе новых полимерных материалов с заранее заданными свойствами является сегодня одним из самых перспективных направлений фундаментальной и прикладной науки во всем мире.

Актуальность углубления изысканий в области нанотехнологий особенно наглядна сегодня, когда экономики большинства стран планеты испытывают негативное воздействие мирового финансово-экономического кризиса. Одной из важнейших задач, реализуемой в Узбекистане по инициативе главы государства Антикризисной программы мер, является развитие инновационной экономики, техническое и технологическое переоснащение ее ведущих отраслей, в частности, соответствующая реструктуризация химической промышленности.

Одними из первых в Республике Узбекистан под руководством академика С.Ш.Рашидовой активно начали работать в области нанотехнологий ученые ИХФП АН РУ.[9] Развитие этого нового научного направления в институте далеко не случайно, т.к. исследования последних лет создали определенный задел в области теоретических исследований и экспериментальных работ, связанных с изучением макромолекул с позиций их иерархической структуры, обуславливающих самоорганизацию при воздействии внешних факторов, синтезом и модификацией природных и синтетических полимеров, созданием полимер-полимерных смесей, обладающих биологической активностью, а также наноструктурных композиционных полимерных материалов, что позволило логически перейти к исследованиям в области нанохимии полимерных систем.

Так, с 2000-2003 гг. начаты исследования, направленные на выявление путей создания нового поколения нанопolyмерных материалов посредством исследования механизмов формирования наноструктур в полимерных системах, их стабилизации, установления связи между синтезом, структурой и свойствами.

Можно с уверенностью сказать, что академик Рашидова С.Ш. является достойным продолжателем основателя полимерной науки в Узбекистане академика Усмана Х.У. а возглавляемый ею коллектив института, настроен на выполнение актуальных приоритетных научных программ, решающих проблемы экономического и социального развития страны, выхода ИХФП АН РУ на передовые рубежи развития мировой науки о полимерах.[10].

REFERENCES

1. "Роль женщины в современном Узбекистане".//Интернет-портал СНГ <http://www.trend.az/> ("The role of women in modern Uzbekistan".//CIS Internet Portal <http://www.trend.az/>)
2. "Женское участие в науке в центральной Азии" З.М Кодар <http://www.elib.bsu.by/>
3. Академик Рашидова «Сайёра Шарафовна: цикл библиографических данных учёных Узбекистана» Шамансурова О.А, Кличева О.Т. 2015
4. "Сайёра Рашидова: Наука Узбекистана-фундамент экономики страны" <https://www.nanonewsnet.rusaiera/>
5. "Сайёра Шарафовна Рашидова Журнал "Высокомолекулярные соединения" Серия А, 2004г, том №46, стр 949.
6. Брошюра ИХФП. Академия Наук Республики Узбекистан Т.2021
7. "Академик Саёра Рашидова - УЗМУ фахри" Лялихон Мухаммаджонова // <http://www.ucildiz.uz/>
8. Рашидова Сайёра, Шарафовна <https://ru.wikipedia.org/wiki>
9. Академик Сайёра Рашидова награждена нагрудным знаком "За защиту прав человека"// <http://www.academy.uz/ru/news/akademik-sayyora-rashidova-insonhuquqlari-himoyasi-uchun-kokrak-nishoni-bilan-taqdirlandi>
10. «Научный прогресс в эпоху строительства нового Узбекистана» Раёнохон Турсунова д.и.н. доцент УМЭД.// Газета «Правда востока» №41 от 26.02.2021



УДК: 904;902,2(584,4)

Рахмон ИБРАГИМОВ,
ЎзР ФА Миллий археология маркази кичик илмий ходими.
E-mail: rzibragimov65@mail.ru

HISTORY OF THE STUDY OF ANCIEN AND MEDIEVAL MONUMENTS OF THE TASHKENT OASIS (BASED ON THE RESULTS OF ARCHAEOLOGICAL RESEARCH IN THE 40-60S OF THE XX CENTURY)

Abstract

This article is devoted to the history of archaeological research of the ancient and medieval monuments of the Tashkent oasis in the 40-60s of the XX century. It sets out the results of archaeological research of monuments, features of the finds and their significance in the study of ancient and medieval history. And also, scientific views on ancient and medieval history were analyzed and new scientific ideas were put forward.

Key words: stratigraphy, topography, archaeological monuments, archaeological excavations, archaeological research, the citadel, shahristan, rabad, ancient settlements.

ИСТОРИЯ ИЗУЧЕНИЯ ДРЕВНИХ И СРЕДНЕВЕКОВЫХ ПАМЯТНИКОВ ТАШКЕНТСКОГО ОАЗИСА (ПО РЕЗУЛЬТАТАМ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ 1949-1969 ГГ. XX ВЕКА)

Аннотация

Данная статья посвящено истории археологического исследования проведенного древних и средневековых памятников Ташкентского оазиса в 40-60 гг. XX века В нём изложено результаты археологических исследований памятников, особенности находки и их значение в изучение древней и средневековой истории. А также, проанализированно научные взгляды по древней и средневековой истории и было выдвинуто новые научные идеи.

Ключевые слова: стратиграфия, топография, археологические памятники, археологические раскопки, археологические исследование, цитадель, шахристан, рабад, городища.

ТОШКЕНТ ВОҲАСИНИНГ ҚАДИМГИ ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ МАНЗИГОҲЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ (1945-1960 ЙИЛЛАР АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА)

Аннотация

XX асрнинг 40-60-йиллари амалга оширилган археологик тадқиқот ишларининг тарихига бағишланган. Унда археологик тадқиқот ишларининг натижалари, ёдгорликлардан ва топилмалар хусусияти ҳамда уларнинг қадимги ва ўрта аср даври тарихини ўрганишдаги аҳамияти масалалари баён қилинган. Шунингдек, тадқиқочиларнинг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихига доир илмий қарашлари таҳлил қилиниб, янги илмий фикрлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: стратиграфия, топография, археологик ёдгорликлар, қазинма, археологик тадқиқот, арк, шахристон, рабад, кўҳна шаҳар.

Қириш. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Республикаимизнинг барча жойларида бўлгани каби Тошкент воҳаси археологик ёдгорликларини ўрганишга бўлган эътибор кучая бошлади. Ёдгорликларини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих ва археология институти, Тарих музейи, ҳамда Ўрта Осиё давлат университети Тарих факультети жамоалари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, воҳанинг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихи ва маданияти, хусусан, шаҳарсозлик маданияти масалаларининг айрим жиҳатларини ўрганишга эришилган.

Асосий қисм. Тошкент воҳасининг қадим ва ўрта асрлар даври ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳлари, хусусан, кўҳна шаҳар харобаларини ўрганиш маълум муддатли тўхталишдан кейин 1949 йилда қайта жонланади. Мазкур йили Ўрта Осиё давлат университети “Талаба ёшлар археологик тўғараги” йўналишида талабалар: В.Массон, И.Баишев, Р.Дикарева ва И.Аниковалар Чирчиқ дарёсининг ўрта оқими ерларида жойлашган ўрта асрларга оид бир нечта манзилгоҳлар (Хонободтепа, Тўқайтепа, Бузғонтепа, Қорабоғтепа, Дўрмондаги Шўртепа (Ўрисмозор) Қибрайдан шимоли-шарқда жойлашган Номсизтепа, Оқкавакдан шимол-ғарбда жойлашган Қулоқчинтепа, Қипчоқ қишлоғидаги Номсизтепа ёдгорликларини текшириб чиқган. Натижада тадқиқ этилган худуднинг археологик ёдгорликлари харитасини шакллантириш билан биргаликда, айрим ёдгорликлар топографик жиҳатдан ўрганилган[1].

Хонободтепа (май. 30 га.) икки қисмдан ташкил топган манзилгоҳнинг сиртидан териб олинган яшил рангли сир билан қопланган сопол буюмлар XII асрнинг иккинчи ярми–XIII асрнинг бошларига оид бўлиб, тадқиқотчилар уни ўрта асрлар даври араб-форс манбаларида қайд этилган Нужикат шаҳрининг ўрни, деб ҳисоблаган[1]. Шунингдек, Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида Дўрмондан 4 км. жанубда Тўқайтепа (майdonи 9 га.) манзилгоҳидан топилган V-VII, XI-XII ва XIII-XIV асрларга оид сопол буюмлар манзилгоҳнинг тараққийёт босқичларини аниқлашга асос бўлган. Тадқиқотчилар X аср (Қудам, Ҳудуди ал Олам) манбаларида келтирилган харбийлар шаҳари-Жабғукент билан қиёслаган[1].

1954 йилда Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ишларининг жадаллашиш муносабати билан Мингўрик ёдгорлигининг бузилиш режасига киритилганлиги сабабли Ўрта Осиё Давлат университети “Ўрта Осиё археологияси” кафедраси “Талабалар илмий археологик тўғараги” доирасида университет талабаси, бўлажак археолог мутахассис Ю.Ф.Бураков манзилгоҳда қузатиш ишларини олиб борган. Ёдгорликнинг юзасидан топилган материаллар ва 1951 йилда В.И.Спришевский ёдгорликнинг сиртидан йиққан материалларни тадқиқотчи атрофлича таҳлил қилиш асосида

манзилгоҳнинг икки босқичда: (VI-VIII асрлар ва XI-XIII асрнинг боши) ривожланганлигини аниқлаган. Топилган кам сонли сополлар, хусусан, вазасимон тагли сопол буюмини тадқиқотчи қиёсан милоннинг бошлари билан саналаб, унинг қулдорлик даври манзилгоҳи ўрнида шакланган, деган хулосага келган[2]. Ю.Ф.Буряков Мингўриқни М.Е.Массон томонидан Турк ҳоконлигининг қароргоҳи – Тарбанд шаҳрининг ўрни билан қиёслашгани тўғрисидаги фикрини маъқуллаган[3].

1954 йилда Ўрта Осиё давлат университети Археология кафедраси Нўғайқўрғон ёдгорлигида С.Б.Лунина ва З.И.Усмановалар амалга оширган тадқиқот ишлари натижасида қалинлиги 10-12 метрдан иборат бир неча даврга оид маданий қатлам аниқланади. Манзилгоҳдан топилган сопол буюмларининг энг қадимгиси унинг шакланган даврига оид бўлиб, тадқиқотчилар Қовунчитепанинг II босқичи билан бир хиллигини таъкидлаган[4; 5].

1956 йили С.Б.Лунина ва З.И.Усманова Чиноз ва Зангиота каби кўҳна шаҳар манзилгоҳларида қишлоқ хўжалик ерининг ўзлаштирилиш ишлари муносабати билан қидирув-қузатув ишларини олиб борган. Улар Кўҳна Чиноз манзилгоҳидан топилган материаллар ва ўзларига аналгача амалга оширилган тадқиқот давомида тўпланган археологик материалларнинг таҳлили ва В.В.Бартольднинг ўрта асрлар даври Жинанжикент шаҳри билан қиёслашига асосланиб, кўҳна шаҳарни XI-XII асрларда фаолият юритганлиги тўғрисидаги фикрни билдирганлар. Тадқиқотчилар Зангиота манзилгоҳида ўрнида фаолият юритган шаҳарнинг XIII аср бошларига қадар ривожланганлиги ва мақбаранинг XV барпо қилинганлиги тўғрисидаги айрим умумий маълумотларни келтириш билан чекланиб, топилган археологик материаллар қиёсий таҳлил қилинмаган [6].

1956 йили Н.И.Крашенинникова томонида Шоштепада археологик кузатиш ишларини олиб бориб, ёдгорликнинг (баландлиги 18-19 м.), 117x102 м. ўлчамли тархидан иборат топографик режасини олган. Манзилгоҳнинг сиртидан териб олган материалларни бир нечта гуруҳга ажратган. Сополларнинг энг қадимгиларини Мингўриқ ёдгорлигининг куйи қатламидан топилган намуналари билан қиёслаш асосида III-IV асрлар, бошқаларни эса Октепа ёдгорлиги намуналари билан қиёслаш асосида VII-VIII ва XI-XII билан саналанган[7].

1957 йилларда Мебел ишлаб чиқариш фабрикаси худудини кенгайтириш мақсади Мингўриқ манзилгоҳининг бузилиши сабабли бевосита ушбу ташкилотнинг молиявий таъминоти ёрдамида ёдгорлик аркининг шимоли-шарқий қисмида Ю.Ф.Буряков ва Д.Г.Зильперлар текшириш мазмунида қазилма ишларини олиб бориб, қалинлиги 13 метрдан ортиқ маданий қатламидан, унинг шакланган ва ривожланган даврларига оид материалларни қўлга киритган. Биринчи босқичга оид материаллар III-IV асрлар билан, кейинги босқичга оид сопол буюмлар ва тўғри тўртбурчак (46x28x9 см.) ғиштдан кўтарилган қалинли 6,5 м. мудофаа девори VI-VII асрлар билан, учинчи босқичга оид қатламдан топилган материаллар XI-XII асрлар билан саналанган[8]. Манзилгоҳ тараққиётининг иккинчи босқичида шаҳарга айланган.

Манзилгоҳнинг иккинчи босқичига оид маданий қатлами материаллар VII асрнинг бошларида Мингўриқ ўрнида фаолият юритган шаҳар инкирозга учраб, ташландик ҳолга келиб қолганлигини кўрсатади. Бу Қутайба ибн Муслим ҳарбий кўшинларининг 712 йилда Чочнинг пойтахтини ишғол этилиши билан бевосита боғлиқ ҳолат. XI-XIII аср бошларида манзилгоҳ худуди қисман қайта ўзлаштирилиб, ўрта асрлар даври Бинкат шаҳрининг четига қишлоқ сифатида фаолият юритган. XIII асрнинг бошида мўғиллар истеълоси оқибатида вайрон қилингандан сўнг бу ерда ҳаёт қайта жонланмади[8].

1959 йилнинг охирида Мингўриқ аркининг ғарбий қисмида амалга оширилган қазилма ишларида XII-XIII аср бошига оид маданий қатламнинг куйи қисмида таққурси устида барпо этилган V-VII асрга оид маҳобатли иншоотни аниқланган. О.В.Обельченконинг фикрига қараганда манзилгоҳ милоннинг биринчи асрида шакланган[9]. Ю.Ф.Буряков, О.В.Обельченко манзилгоҳ яқинидан жойлашган қабрлардан топилган моддий ашёларни тахминан милоннинг биринчи асри билан саналаб, уни мазкур даврда шакланган манзилгоҳга тегишли, деб ҳисоблаган[10]. Бу бевосита Мингўриқ ўрнида қадимги деҳқончилик қишлоғи биринчи асрда пайдо бўлганлиги тўғрисидаги хулосани келтириб чиқаради.

Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ҳозирги Чордара сув омбори ерлари қўшни Қозоқистон Республикаси худудига қаради. Бу ерлар табиий-географик ҳолатига кўра Тошкент воҳасининг ғарбий чеккаси ҳисобланиб, тарихий-маданий жиҳатдан қадимдан Чоч ўлкасининг таркибий қисмини ташкил этган. Мазкур худудда қадимги ва ўрта асрларга оид кўпгина археологик ёдгорликлар жойлашган. Бу ердаги ёдгорликлар қозоқистонлик мутахассислар томонидан ўрганилган.

1958 йилда Қозоқистон ССР ФА Ч.Ч.Валихонов номидаги Тарих, археология ва этнография институти Чордара сув омбори қурилиши муносабати билан мазкур худудда жойлашган археологик ёдгорликларни комплекс ўрганишга киришган. Мазкур йили А.Г.Максимова томонидан Сирдарёнинг ўнг соҳилида Чордара сув омбори яқинида Ақтўбе 2 ва Шовшақумтепа манзилгоҳлари аниқлаб, иккинчисида Г.И.Пацевич кичик қўламли қазилма ишларини амалга оширади. Манзилгоҳ Сирдарёнинг ҳозирги ўзанига яқин жойда, баланд табиий тепалик устида жойлашган бўлиб, хом ғиштдан кўтарилган мудофаа девори билан ўраб олинган. Манзилгоҳ квадрат (майдони 250x250 кв. м.) шаклда бўлиб, атроф худудга нисбатдан 4-5 м. баландда жойлашган. Манзилгоҳ арк ва шаҳристон қисмларидан ташкил топиб, улар алоҳида мудофаа деворларига эга. Тадқиқотчи манзилгоҳнинг куйи қатламини III-V асрлар, юқори қатламини “турклар даври”, яъни VI-VIII асрлар билан даврлаштирган[11].

1961-1962 йилларда Чордара археологик экспедицияси Оқтўбе 2 манзилгоҳида қазилма ишларини олиб борган. Манзилгоҳ (325 x115 м.) шартли равишда арк, сарой, шаҳристон қисмларга ажратилган. Барча қисмлари бир даврда барпо этилган бўлсада, унинг иккита қурилиш даври аниқланган. Манзилгоҳ икки қатор мудофаа девори билан ўраб олинган. Дашт томондан вал девор, дарё томондан паҳса девор билан ўралган. Арк эса квадрат ва тўғри тўртбурчак ғиштдан терилган мудофаа девори билан муҳофаза қилинган[11].

1961-1962 йилларда Оқтепа 2 манзилгоҳида тақир ернинг устида квадрат ва тўғри тўртбурчак ғиштардан барпо қилинган саройнинг ўрни тўлиқ қазиб очилган. Сарой иморати режасига кўра тўғри тўртбурчак (28x18,5 м.). кўринишда бўлиб, бурчаклари айлана шаклда қурилган. Оқтўбе 2 I-IV асрлар билан саналиб, бирон аср қадимий бўлиши тахмин қилинган. Суякдан ясалган ягона нухасидаги тўқага асосан, тадқиқотчи ёдгорликнинг шаклланиши мил. авв. I аср оид бўлиши мумкинлигини тахмин қилинган. Саройдан топилган материалларнинг гувоҳлик беришига қараганда манзилгоҳ III асрнинг охири-IV асрнинг бошларида инкирозга учраган[11].

1959-1963 йилларда ЎзР ФА Тарих ва археология институти ва Ўзбекистон тарихи давлат музейларининг Чотқол-Курама тоғ-кон ва металлургия ёдгорликларини ўрганиш бўйича ташкил этилган кўшма экспедицияси таркибида Ю.Ф.Буряков Оҳангарон дарёсининг юқори оқими ҳудудида жойлашган ўрта асрлар даври кўҳна шаҳарларини ўрганган. Тадқиқот ишлари давомида Имлок-Тункет, Кулота-Туккет, Облик-Абрлик, Намудлик, Дахкет Кўҳсим, Тулаутепа, бошқа бир қанча манзилгоҳларда текшириш, қисман қазिश ишларини олиб бораган[12; 13].

Имлок манзилгоҳи стратиграфик ҳолатига кўра (май. 17,5 га.) ўрнида сўнгги антик даврида ўтроқ аҳоли манзилгоҳи пайдо бўлиб, VI-VII асрларда атрофи мудофаа девори билан ўраб олинган шаҳар шаклланиган. Араблар истилоси даврида қисқа муддатли тўхталишдан сўнг IX-X асрларда шаҳар янада тараққий этиб, 180 га. майдонни эгаллаган йирик шаҳар марказига айланади. Ю.Ф.Буряков манзилгоҳда олиб борган тадқиқот ишларининг натижасига асосланиб, Имлоқни илгари М.Е.Массон ўрта асрлар даври Тункет шаҳрининг ўрни билан қиёслаган фикрини асослаган. Кўҳна шаҳар Курама тоғи кон захирасининг тортилиши оқибатида XI асрнинг биринчи ярмида инкирозга учраганлиги аниқланган[12; 13].

Ушбу экспедиция Оҳангарон дарёсининг чап соҳили Оқчасойнинг этагида, Обирлик қишлоғидан шарқда жойлашган Обирлик манзилгоҳининг (май. 80 га) арқ қисмида бир неча шурф ва қазилма амалга оширган. Манзилгоҳ VIII асрнинг охири-IX асрнинг бошида шаҳар сифатида шаклланиб, IX-X тараққийнинг юқори чўққисига чиққан. Ю.Ф.Буряков М.Е.Массоннинг Обирлик шаҳрининг ўрнида бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрини тўлалигича асослаган. Шаҳарда заргарлик ва темирчилик ишлаб чиқариши қолдиқлари аниқланган[13].

1962 йилда ТошДу Ўрта Осиё археологияси кафедраси Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Археологик ёдгорликларни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда Чирчиқ дарёсининг юқори оқими ерларида археологик текшириш ишларини олиб боради. Бу ерда жойлашган Бурмулла кўҳна шаҳри харобасини текшириб, мудофаа девори ҳосил қилган суғий тепаликларни аниқлайди ва унинг сиртидан ривожланган ўрта асрлар даврига оид сопол буюмлар, металл эритиш печи, темир ва қўрғошин тошқолининг парчаларини топиб ўрганган[14].

1963 йили келажакда Чорбоғ сув омбори қурилишини бошлаш режаси муносабати билан ЎзР ФА Тарих ва археология институти томонидан янги қурилиш ҳудуди ва атрофида жойлашган археологик ёдгорликларни комплекс ўрганиш ва харитасини тузиш мақсадида Чорбоғ археологик отряди (отряд раҳбари-Ю.Ф.Буряков) ташкил этилади.

ЧАЭнинг дастлабки босқичида Чирчиқ дарёсининг юқори оқими ерларидан Чирчиқ шаҳригача бўлган ҳудудларда археологик текшириш ишлари олиб борилган. Мазкур ҳудудда қадимги ва ўрта асрлар даврларига оид 150 дан ортик турли хил археологик ёдгорликларнинг аниқланишига эришилган[15].

1964-1965 йилларда сув омбор ҳудудида қадимги ва ўрта асрлар даврига кўҳна шаҳарлар, қишлоқлар, мулкдорларнинг сарой-қасралари, уй-қўрғонлар ва қарвонсаройлар ва бошқа 41 та ёдгорлик аниқланиб, биринчи навбатда сув остида қолиш эҳтимоли бўлган 13 та ёдгорликда қазिश ишлари амалга оширилган, қолганлари эса суратга олинди, археологик-топографик жиҳатдан тадқиқ қилинган. Бу ердаги Бурмулла кўҳна шаҳри, Богустондаги Кадоваттепа, Тўрткўлттепа 1 ва 2, Жарттепа Писком ва Чотқол дарёлари кўшилиши жойидаги қарвонсарой ва бошқа айрим ёдгорликларда археологик қазिश ишлари амалга оширилган[15].

Бурчмулла кўҳна шаҳарининг турли жойларида тўртта қазилма, учта кесма (разрез) ва олти шурф қазилган. Манзилгоҳ учбурчак шаклидаги 16 га. майдонни эгаллаган бўлиб, тўрт томони паҳсадан қурилган 1,6 м. қалинликдаги мудофаа девори билан ўраб олинган ва 5-7 тадан овал шаклли буржлар билан кучайтирилган. Мудофаа девори ёнидаги металлургия устaxonасидан қолган металл эритиш печи ва металл тошқоллари аниқланган. Мудофаа девори тараққийнинг уч босқичи (IX-X, XI-XII, XV-XVI асрлар) аниқланган. Манзилгоҳ ўрта аср даври ёзма манбаларида Чотқол тоғи ҳудудида қайд этилган Адланкет шаҳрининг ўрни билан қиёслаган[15].

Чирчиқ дарёсининг юқори оқими ерларида қадимдан ўрта асрларгача бўлган даврига оид ўрганилган турли хилдаги ёдгорликларда амалга оширилган археологик тадқиқот ишларининг натижасида ҳудуднинг ўзлаштирилиши босқичлари, ўрганилган ёдгорликларнинг Тошкент воҳаси қадимги ва ўрта асрлар даври ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққийида тугган ўрни масалаларига доир қимматли маълумотлар тўпланган.

1966-1968 йилларда ЎзР ФА Тарих ва археология институти ва Ўзбекистон халқлари тарихи музейи Ю.Ф.Буряков раҳбарлигида Оҳангарон дарёсининг юқори оқими ерларида жойлашган ўрта аср шаҳар харобаларида тадқиқотларни давом эттиради. Тадқиқотчи Ангрен шаҳридан шарқда Баксуқсойнинг Оҳангарон дарёсига қуйилиши яқинида жойлашган Намудлик манзилгоҳида 6 та кичик қазилма ва бир неча шурф қазилган ва тозалаш ишлари амалга оширилган. Манзилгоҳ III-IV асрларда шаклланиб, VI-VII асрларда паҳсадан қўтарилган таг курси устида қурилган қалъа шаклланиб, VII-VIII асрларда мудофаа девори билан муҳофаза қилинган металлургия шаҳарчаси қарор топади. Манзилгоҳдан топилган IX-X асрларга оид темир, қумуш ва қўрғошин этиш ўчоқларининг изларига қараганда мазкур даврда шаҳар (май. 70 га.) ўз тараққийнинг юқори чўққисига чиқиб, металлургия марказларидан бирига айланади. XI асрдан бошлаб шаҳарда ҳаёт сусая бошлайди ва XII асрда инкирозга учрайди[16].

1966 йил апрел ойида Тошкентда содир бўлган zilzila оқибатларни бартараф этиш учун кенг қўламли қурилиш ишлар олиб борилиши муносабати билан шаҳар ҳудудида жойлашган археологик ёдгорликларни тарихий-топографик ва қисман стратиграфик жиҳатдан ўрганиш мақсадида 1967 йилда ЎзР ФА Тарих ва археология институти махсус Тошкент отряди (отряд раҳбари В.А.Булатова, археологлар:Д.П.Вархатова, М.И.Филанович, Л.Г.Брусенко, Д.Г.Зильпер ва бошқалар) ташкил этилиб, тадқиқот ишларига киришган. Амалда 1971 йилгача олиб борилган археологик тадқиқот ишлари давомида шаҳар ҳудудида жойлашган 46 та археологик ёдгорлик аниқланиб, шундан 5 та кўҳна шаҳар, 26 та қаср ва манзилгоҳлар ўрганилган. Бу ердаги кўпгина ёдгорликлар қурилиш ишларини амалга ошириш учун котлован ва траншея қазिश жараёнида аниқланган[17].

Асосий археологик тадқиқот ишлари ўрта асрлар даври Бинкат шаҳрининг ўрни ҳисобланган Эски шаҳар (арқ, шаҳристон ва работ) қисмида қисман Мингўрик, Кўгайттепа (Нўғайкўрғон), Чилонзор Оқтепаси, Хонобод манзилгоҳларида олиб борилган. Шаҳарнинг қурилиш ишлари бораётган бошқа жойларда ҳам тадқиқот (қисман қазिश, шурфлаш, қолован ва траншеяларни тозалаш) ишлари амалга оширилади. Фозилтепа, Буғтепа, Тўғайтепа, Тавқаттепа, Қорабоштепа, Бузғонтепа, Соғбон Оқтепаси, Чигатой Оқтепаси, Кўкча Оқтепаси каби ёдгорликларда турли хил тадқиқот (қисман қазिश, кузатиш, текшириш) ишлари олиб борилиб, уларнинг ривожланиш босқичлари, воҳаниннг ўрта асрлар даври ижтимоий-иқтисодий маданий тараққийида тугган ўрни масалалари ўрганилган.

1969 йили Кўгаитепа шаҳристонининг шимолидаги тепаликда М.И.Филанович №1-таратаъмирлаш заводи томондаги кесилган катта жойда тозалаш ишларини олиб боради. У иккита маданий қатламни, яъни юқорида пахса ва хом ғиштдан қурилган иншоот қолдиқлар ва пастда кул аралаш қатламларни аниқлайди. Тадқиқотчи қўлга киритилган маълумотлари асосида манзилгоҳда VI-VIII асрларда арк шаклланиб, ўрта асрлар даври шаҳар маркази қарор топганлиги тўғрисидаги хулосага келади[17]. Ю.Ф.Буряков манзилгоҳда олиб борган текшириш ишлари асосланиб Кўгаитепани ўрта аср муаллифлари асарларида қайд қилинган Банункет шаҳри билан қиёслайди[18].

1969 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги йўналишида К.Абдуллаев бошчилигидаги экспедиция Окўрғон тумани худудида жойлашган Қанқа манзилгоҳини ўрганишга киришади. Шу йили биринчи шаҳристоннинг (Шаҳристон I) ғарбий мудофаа деворида 1-қазилмада эни 2 м. стратиграфик қазилмада иш бошлайди. Кейинги йилларда қазилма жой тўлиқ очилиб, квадрат (40x40x10-12 см.) шакли хом ғиштдан барло этилган икки қатор мудофаа деворининг қолдиқлари аниқланган. Тадқиқотчи квадрат хом ғишларни Афросиёб ва Холчиён ёдгорликлари материаллари билан қиёслаб, мудофаа деворининг қурилишини мил. авв. II-I асрлар билан саналаган[19]. Мазкур стратиграфик қазилма ишлари натижасида Тошкент воҳасида вужудга келган илк шаҳарнинг ўрнини аниқлашга мувоффақ бўлинади.

Хулоса. Тошкент воҳаси худудида ўтган аср 40-йилларининг охиридан 60-йилларнинг охиригача олиб борилган археологик тадқиқот ишлари асосан ёдгорликларни текшириш, уларнинг топографик ҳолати, тарихий топографиясини ўрганиш ва қасман старатиграфик қазилма ишларини амалга оширишдан иборат бўлган. Натижада ёдгорликларнинг кўпроқ ўрта асрлар даври қатлами ўрганилиб, уларнинг тараққиёт босқичлари ўрта асрлар даври шаҳарларининг хусусияти масалалари ёритилган.

Археологик тадқиқот ишлари ташкил этишда моддий таъминотнинг ривожланиши ёдгорликларни стратиграфик жиҳатдан ўрганишга бўлган эътиборнинг янада кучайишига олиб келади. Натижада ёдгорлик ўрнида фаолият юритган манзилгоҳларнинг шаклланиши ва тараққиёт босқичларини ўрганиш имкониятлари пайдо бўлади. Воҳада пайдо бўлган энг қадимги шаҳарларнинг ўрни аниқланган.

АДАБИЁТЛАР

1. Массон В., Баишев И. Археологические разведки в районе Ташкента. //Труды САГУ, Ташкент, 1956, вып. LXXXI.
2. Буряков Ю.Ф. Городище Минг-Урюк в Ташкенте.//Труды СаГУ, вып. LXXXI, Ташкент, 1956.
3. Массон М.Е. Прошлое Ташкента. Ташкент, Известия АН УзССР, Ташкент. 1954.№ 2.
4. Лунина С.Б., Усманова З.И. Из археологических наблюдений на Кугаит-тепе близ Ташкента. Труды САГУ. вып. XXXI. Ташкент. 1956.
5. Лунина С.Б., Усманова З.И. Керамика поселения Ногай-Курган близ Ташкента. Труды ТашГУ 72. Ташкент, 1960.
6. Лунина С.Б., Усманова З.И. Некоторые археологические наблюдения на городищах Чиназа и Занги-ата. //Труды Среднеазиатского государственного университета. Археология Средней Азии. Вып. IV, Ташкент, 1957.
7. Крашенникова Н.И. Археологические наблюдения на Чаш-тепе. // Труды ТашГУ Вып. 172. Ташкент, 1960.
8. Буряков Ю.Ф., Зильпер Д.Г. Археологические наблюдения в 1957 г. на городище Мингурюк в Ташкенте. // Труды ТашГУ. Вып. 172. Ташкент, 1960.
9. Шишкин В.А. Узбекистанская археологическая экспедиция АН УзССР (полевые работы 1956-1959 гг.). ИМКУ, вып. 2., Ташкент "Фан", 1960.
10. Древний Ташкент, Ташкент, "Фан", 1973.
11. Максимова А.Г., Мершиев М.С., Вайнберг Б.И., Левина Л.М. Древности Чардары (Археологические исследования в зоне Чардаринского водохранилища), Алма-Ата, 1968.
12. Буряков Ю.Ф. К исторической топографии средневекового Илака. СА № 2 М., 1972.
13. Буряков Ю.Ф. Археологические материалы по истории Тункета и Абрылга //Материалы по истории Узбекистана, Ташкент, 1956.
14. Лунин Б. Группа «Караултепа» и некоторые археологические памятники Бостандыкского района, Труды САГУ, «Археология Средней Азии», вып. VII, Ташкент, 1966.
15. Древности Чарвака. Ташкент, "Фан", 1976.
16. Буряков Ю.Ф. Археологические материалы по истории Намудлыга //Вып. 9.Ташкент.
17. Древности Ташкента. Ташкент, "Фан", 1976.
18. Буряков Ю.Ф. Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса, Ташкент.
19. Абдуллаев К.А. Археологическое изучение городища Канка (1969-1972) // Вып. 12. Ташкент, 1975.



Halim MURODOV,
Buxoro Davlat Universiteti tayanch doktoranti
E-mail: halimsalimovich@mail.ru

Namangan MTI "Ijtimoiy fanlar" kafedrasida katta o'qituvchisi, t.f.f.d. A. Nurmatovlar taqrizi asosida.

BUXORO TURIZM SANOATI RIVOJLANISHIDA YUTUQ VA MUAMMOLAR

Аннотация

Mazkur maqolada O'zbekistonda milliy turizm industriyasi barpo etishni va uning 1991 – 2016 yillar rivojlanishidagi yutuq va muammolari borasidagi masalalar tahlil qilingan. 2017-2020 yillarda Buxoro turizmining xalqaro hamkorligi kengayishi va jadal rivojlanishida viza rejimining soddalashtirilishi, turli xil rasmiyatchiliklarning bartaraf etilishi hamda sohaviy yangiliklar va yengilliklarning bosqichma-bosqich joriy etilishining ijobiy ta'siri va natijasi statistika asosida tahlil qilingan. Turizm rivoji bo'yicha chora-tadbirlarning bajarilishini borasidagi yutuq hamda kamchiliklarga e'tibor qaratilgan.

Kalit so'zlar: TedQual sertifikati, viza rejimi, bankomat, ziyorat turizmi, xavfsiz turizm, ICOMOS, "Ark", "Buig".

ДОСТИЖЕНИЯ И ПРОБЛЕМЫ В РАЗВИТИИ ТУРИСТИЧЕСКОЙ ИНДУСТРИИ БУХАРЫ

Аннотация

В статье анализируются вопросы построения национальной туристической индустрии в Узбекистане, ее достижения и проблемы в развитии 1991-2016 гг. На основе статистических данных проанализированы положительное влияние и результаты упрощения визового режима, устранения различных формальностей и постепенного внедрения отраслевых нововведений и преимуществ в расширении и стремительном развитии международного сотрудничества в сфере туризма в Бухаре в 2017-2020 годах. Обращено внимание на достижения и недостатки в реализации мероприятий по развитию туризма.

Ключевые слова: Сертификат TedQual, визовый режим, банккомат, паломнический туризм, безопасный туризм, ICOMOS, "Ark", "Buig".

ACHIEVEMENTS AND PROBLEMS IN THE DEVELOPMENT OF THE TOURISM INDUSTRY IN BUKHARA

Annotation

The article analyzes the issues of building the national tourism industry in Uzbekistan, its achievements and problems in the development of 1991-2016. Based on statistical data, the authors analyzed the positive impact and results of simplifying the visa regime, eliminating various formalities and gradually introducing industry innovations and advantages in expanding and rapidly developing international cooperation in the field of tourism in Bukhara in 2017-2020. Attention is drawn to the achievements and shortcomings in the implementation of measures for the development of tourism.

Key words: TedQual Certificate, Visa Regime, ATM, Pilgrimage Tourism, Safe Tourism, ICOMOS, Ark, Buig.

Kirish. O'zbekistonda so'nggi yillarda turizm sohasini rivojlantirish va uni yangi bosqichga ko'tarish uchun turli huquqiy va normativ hujjatlar ishlab chiqildi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoev 2016-yil 2 – dekabrda PF-4861-sonli "O'zbekiston respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta'minlash chora – tadbirlari to'g'risidagi"[1] va 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni[2] shular jumlasidandir. Harakatlar strategiyasining uchinchi yo'nalishida O'zbekiston turizmida ko'p yillardan buyon yechimini kutib yotgan muammolar, milliy turizmni jahon turizm sanoatiga tezroq integratsiyalashuvini o'z ichiga olgan masalalar belgilangan. Mustaqillika erishgan O'zbekiston o'zining turizm industriyasi barpo etishni boshladi. O'zbekiston turizm sanoatida Buxoro viloyatining ham alohida o'rni mavjud bo'lib, viloyatning turistik salohiyatini jahonga namoyish etishda Buxoro shahrining 2500 yilligini nishonlanishi ham katta ahamiyat kasb etdi. Ushbu yubiley munosabati bilan 1996 yil 3 yanvarda 1996-1997 yillarda Buxoroda tashqi va ichki turizmni rivojlantirish dasturi ishlab chiqildi[3]. Dasturga ko'ra, birinchidan, Buxoro viloyatining turistik potensialini ilmiy asoslangan katalogini yaratish va chet ellarda tarixiy-madaniy merosimizni targ'ib qilish; ikkinchidan, viloyatda xalqaro turizm ochiq iqtisodiy zonasini tashkil etish va bir qator mamlakatlar sayyohlari uchun vizasiz kirishni (Malayziya, Indoneziya tajribasi) joriy etish hamda viza rasmiylashtirish vaqtini qisqartirib, viza to'lovi summasini kamaytirish; uchinchidan, Buyuk Ipak yo'li chorrahasidagi Qadim Buxoroning tarixiy-arxitektura yodgorliklarini rekonstruktsiya, qayta tiklash, saqlash tadbirlari, turistlar uchun tez tibbiy yordam xizmati hamda tibbiy sug'urtalashni joriy etish; to'rtinchidan, sayyohlar uchun qulay va mos bo'lgan suv omborlarida plyaj turizmi va suvda dam olish turlari tashkil etib, maxsus uskunalar bilan jihozlash; beshinchidan, Buxoro, Samarqand, Xiva va Toshkentda xalqaro turizm uchun maxsus ochiq iqtisodiy zonalalarni tashkil etish va turizm sohasida qo'shma korxonalar tashkil etgan investorlarga 5 yil muddatga soliq imtiyozini qo'llash; oltinchidan, o'quvchi bolalar va talabalar uchun kanikul davrida imtiyozli turlarni tashkil etish, xalqaro bronlash xizmati bilan aloqa o'rnatib, jahon standartlari talabiga mos turistik xizmatlarni (aviabile, mehmonxonani band qilish) joriy etish hamda so'mni qattiq valyutaga birinchi darajali konvertatsiya qilish, shuningdek, turistik tashkilotlar va mehmonxonalar egalari bo'lgan tadbirkorlarga imtiyozli kreditlar berish hamda turizm sohasini qo'llab quvvatlash maqsadida "Uzsayohatinvestbank"ni tashkil etish, rivojlantirishning dolzarb vazifalari belgilangan edi. Bu vazifalarni bajarish uchun "O'zbekturizm" milliy kompaniyasi bilan bir qatorda ko'plab ma'sul tashkilotlar ijrochilar sifatida ko'rsatilib, ushbu chora

tadbirlarni bajarish asosan 1996-1997-yillar deb belgilangan. Biroq ushbu dasturdagi ayrim muhim masalalarning qisman hal etilishi yoki to'la amalga oshirilmagligi turizm sohasining rivojlanishiga asosiy to'siqlardan biriga aylanib, mavjud muammolarning keyingi yillarda ham davom etishiga sabab bo'ldi. Masalan, vizasiz rejim masalasida Malayziya, Indoneziya tajribasini o'rganish, sayyohlar uchun vizasiz kirishni joriy etish borasida doimiy tizimli chora tadbirlar amalga oshirilmadi. Bu esa O'zbekiston turizm sanoatining chorak asr ya'ni 1991-2016-yillar davomida barqaror rivojlanishiga shart-sharoit yaratma olmadi. Solishtiradigan bo'lsak, 1991-2016-yillarda O'zbekistonda xalqaro turizmdan tashrif buyurganlar eng yuqori ko'rsatkichi 2016-yilda 2 070 000 kishini tashkil etdi[4]. Mahalliy sayyohlar esa 8,8 million kishini tashkil etgan bo'lsa, islohotlar va diversifikatsiyalash natijasida ya'ni 2019-yilda 2016-yilga nisbatan xorijiy sayyohlar soni 3,3 martaba ko'payib, 6,749 mingga yetdi[5]. 2016-yilga nisbatan 2019-yilda mahalliy sayyohlarning soni deyarli 2 marta oshib, 14,7 millionni tashkil etdi. Ko'rsatilgan turistik xizmatlar 2019 yilda – 1 milliard 679 million dollarga yetdi[6]. 2019-yildagi viza rejimining soddalashtirilishi, mehmonxonalar sonining ko'payishi, transport hamda turistik xizmatlarning yaxshilanishi kabi omillar tufayli xalqaro va mahalliy turizmdan tashriflar ko'payib, iqtisodiy samaradorlik jihatdan ijobiy o'sish holati namoyon bo'ldi.

Qiyoslaydigan bo'lsak, qo'shni davlat Qozog'iston turizmi 2019 yilda – 8 million 515 ming turistni qabul qildi[7]. Shu davrga mos ravishda ko'rsatilgan sayyohlik xizmatlarining hajmi – eksport ko'rsatkichlari 2019-yilda 2 milliard 922 million dollarni ya'ni Markaziy Osiyoda eng yuqori ko'rsatkichni qayd etdi[8]. Qozog'istonning turizm sanoati rivojlanishiga quyidagi omillar ta'sir ko'rsatdi:

1. Mehmonxonalarning jahon standartlariga javob berishi va joylashtirish vositalarining yetarli ekanligi;

2. Milliy va turli xalqlar (Yevropa, Osiyo oshxonalar kabi) tamaddixonalarining tashkil etilganligi hamda sifat darajasining yuqoriligi;

3. Aviakompaniyalar va aviareyslar soning ko'pligi, raqobat muhiti mavjudligi, aviachiptalar narxinin arzonligi, xorijiy aviakompaniyalarning Qozog'iston shaharlariga tranzit qatnovlarining ko'pligi;

4. Mamlakat bo'yab xalqaro va mahalliy avtomobil yo'llarining sifati talab darajasida ekanligi.

O'zbekistonning turistik imkoniyatlari katta, biroq Markaziy Osiyoda balki dunyodagi ko'plab sayyohlik maskanlari kam bo'lgan davlatlardan orqada qolmoqda. Milliy turizmning 1991 – 2016-yillarda jadal rivojlanishiga quyidagi muammolar salbiy ta'sir ko'rsatib keldi.

Birinchidan, davlat miqyosidagi turizm sohasi rivojlanishiga xizmat qiladigan chora tadbirlar va rejalarining to'la bajarilmay kelayotganligi;

Ikkinchidan, viza siyosati eskicha andazada bo'lib, viza olish muddatining uzoq davom etishi, qulay va maxsus viza turlari va imtiyozlari joriy etilmaganligi, shuningdek, Markaziy Osiyodagi qo'shni davlatlar bilan siyosiy – iqtisodiy va madaniy aloqalarning sekinlashuvi natijasida qattiq viza siyosati;

Uchinchidan, joylashtirish vositalari soni va ulardagi qulayliklarning xorijiy turistlar sonining o'sish dinamikasiga hamda talablariga javob bermasligi hamda zamonaviy turizm industriyasini barpo etishda xorijiy investitsiyalarni jalb qilish bo'yicha belgilangan dasturiy vazifalar bajarilmaganligi. Shuningdek, zamonaviy mehmonxonalar sonining kamligi, mehmonxonalarda joyni band qilishning kompyuter tarmog'i yaratilmaganligi hamda xalqaro bronlash tizimiga ulanmaganligi;

To'rtinchidan, "Uzbekistan Airways" aksiyadorlik jamiyati monopoliyasi, raqobat muhiti mavjud emasligi, mahalliy va xalqaro yo'nalishlarda mavjud barcha aviachiptalar narxinin boshqa davlatlardagi narxlar bilan solishtirganda juda qimmatligi, avia va temir yo'l chiptalarini onlayn xarid qilish tizimi yo'lga qo'yilmaganligi, aviareyslar sonin kamligi, "Ochiq osmon" rejimi joriy etilmaganligi hamda aeroportlarda servis xizmatining past darajada ekanligi.

Beshinchidan, O'zbekistonning ijobiy imidjini shakllantirish va mustahkamlash, turistik salohiyatini jahonga keng targ'ib qilish maqsadida OAVlari va jahon axborot tarmog'ida tashviqot – reklama tizimi keng yo'lga qo'yilmagan. Jumladan, O'zbekistonda katta xalqaro va turistik forumlar, konferensiyalar, shaharlar yubileylari, xalqaro sport musobaqalarini yoki MICE-turizm kabilarni yanada ko'proq o'tkazilganda turizmi kengayishiga va rivojlanishiga sezilarli darajada ta'sir qilgan bo'lar edi. Masalan, 1997-yilda Buxoro va Xiva shaharlarinig 2500 yillik yubileylari YUNESKO homiyligida keng targ'ibot asosida o'tkazildi. Bu tadbir natijasida O'zbekiston turizmi katta yutuqqa ya'ni 1997 yilda turistlar soni – qariyb 1 millionga yetib, ko'rsatilgan sayyohlik xizmatlarining hajmi – eksport daromadi esa deyarli 200 million dollarni tashkil etgan. Taqqoslansa, 1996 yilda turistlar tashrifi 173 ming kishini, undan kelgan daromad esa – 15 million dollar bo'lib, bu esa soha rivojlanishida va sayyohlar sonini ko'paytirishda turli xil xalqaro tadbirlar va tashviqotning kuchi qanchalik darajada ahamiyatli ekanligini yaqqol ko'rsatdi[9].

Mazkur omillar O'zbekistondagi asosiy turizm markazlari bilan bir qatorda Buxoro turizmi rivojiga ham salbiy ta'sir ko'satdi. 2017-yil 19 mayda Buxoroda turizm sanoatining rivojlanishi uchun muhim ahamiyatga ega bo'lgan «2017–2019-yillarda Buxoro shahri va Buxoro viloyati sayyohlik salohiyatini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 2980-sonli O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori qabul qilindi. Qarorda Buxoroda turizm, mehmonxona, transport sohasidagi xizmat ko'rsatish tizimini diversifikatsiya qilish va jadal rivojlantirish, sohaga keng investitsiyalarni jalb etish kabi maqsadlarni ko'zlab bir qator vazifalar belgilandi[10].

Birinchi vazifa, 2017-2020 yillarda Buxoro turizmining xalqaro hamkorligi kengayishi va jadal rivojlanishida viza rejimi sohasidagi zamonaviy yangiliklar va bosqichma-bosqich yangiliklarning joriy etilishi katta omil bo'ldi. O'zbekiston Prezidentining PF-4861-son farmoniga ko'ra, 2017-yil 1 apreldan e'tiboran O'zbekistonga turizm maqsadida keluvchi 27 davlat fuqarolari uchun viza rejimi bekor qilindi. 2018-yil 15 iyuldan elektron vizalar tartibi joriy etilishi kabi qulay imkoniyatlar Buxoroda ham milliy turizm salohiyatining yangi istiqbollarini ochishga xizmat qildi[11]. 1992-1993-yillarda Buxoroda atigi 3 ta mehmonxona, undagi o'rinlar soni esa 991 tani tashkil etgan edi[12]. 2020-yilga kelib jami 362 joylashtirish vositasi faoliyat ko'rsatib, 8526 o'rinni o'z ichiga oladi. Shundan 151 tasi mehmonxona, 65 tasi hostel va 146 tasi oilaviy mehmon uyidir[13]. Ushbu ko'rsatkichlar turistik qaynoq mavsumida sayyohlarni joylashtirish bilan bog'liq asosiy muammoni yechish yo'lida amalga oshirilgan ijobiy o'zgarishlardan biri bo'ldi. Ushbu amalga oshirilgan islohotlar natijasida 2018-yilda Buxoroga tashrif buyuruvchilar soni 2,5 million nafar, uning tarkibida xorijiy sayyohlar soni 301 ming kishi, ya'ni 2017-yilga nisbatan 2 barobar ko'payib, keyingi 2019-yilda esa 3 640 918 nafar sayyoh tashrif buyurib, shundan xorijiy turistlar soni 603 084 nafarga yetdi[14].

Ikkinchi vazifa doirasida 2018-yilning 21 noyabr kuni Buxoro davlat universitetida «BuxDU-Vakayama turizm ta'limi va tadqiqotlari markazi» ochilishi marosimi bo'lib o'tdi. Vakayama universiteti Butunjahon turizm tashkilotining "TedQual"

sertifikatini qo'lga kiritgan Yaponiyadagi yagona oliygo'hdur. Ushbu tajriba ham dunyo sayyohlik markazlaridan biriga aylanib borayotgan Buxoro uchun kadrlar tayyorlashda muhim omil bo'ladi[15].

Buxoroning turistik salohiyatini dunyoga namoyish qilish maqsadida 2018-yilda 53 ta va 2019-yil to'qqiz oyi davomida 51 ta xorijiy mamlakatlar reklama, media va tasvirga olish guruhlari vakillarining viloyatga tashrifi amalga oshirildi hamda ular tomonidan viloyatning turizm salohiyatini namoyish etuvchi 80 ga yaqin ko'rsatuvlar, dasturlar va videolavhalar tayyorlangan bo'lib, ushbu targ'ibot-tashviqot materiallari xorijiy OAV va medialar tomonidan teleinternet kanallari, saytlari va matbuot nashrlarida namoyish etildi[16].

Uchinchi vazifani bajarishda 2018-yil 13-17 avgust kunlari Buxoro shahrida xalqaro besh kunlik seminar bo'lib o'tdi. Bu tadbirning maqsadi madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish va turizmni barqaror rivojlantirishda tabiiy ofatlarni boshqarish kontsepsiyasini amalga oshirishda yordam berishdir. Ushbu tadbir Jahon banki tomonidan ishlab chiqilayotgan "O'zbekistonning o'rta shaharlarini kompleks shahar va hududiy rivojlantirish" loyihasi doirasida amalga oshirildi[17]. Buxoroning qadimiy me'moriy yodgorliklari, boy tarixi va madaniy merosi har yili ko'plab xorijiy sayyohlarni o'ziga jalb qiladi. Ularning soni davlatning ochiqligini va uning turizm sohasini rivojlantirishga qaratilgan faol siyosati natijasida ko'paymoqda. Tabiiy ofatlar nafaqat mamlakat hayoti va iqtisodiyotiga, balki uning madaniy merosiga ham salbiy ta'sir ko'rsatmoqda. Jahon banki va O'zbekiston hukumati mamlakatda tabiiy ofatlar xavfini kamaytirish va turizmni rivojlantirish sohasidagi hamkorlik doirasida Buxorodagi Minorai Kalon, Mir Arab madrasasi, Ulug'bek madrasasi, Ark qal'asi, Turki-Jandi maqbarasi, Abdulazizxon madrasasi, Rashid Karvonsaroyi, Gavkushon ansambli, Domullo Hasan mehmonxonasi kabi yodgorliklarni asrash, turli xil tabiiy ofatlar ta'siridan saqlash, tiklash hamda obektning zaif tomonlarini mustahkamlash bo'yicha ko'rsatmalar ishlab chiqildi. Xalqaro seminarда ishlab chiqilgan chora tadbirlar Buxoro turizmining barqaror rivojlanishiga hamda madaniy meros ob'ektlarini umrini uzaytirishga xizmat qilmoqda.

To'rtinchi vazifa borasida Buxoro shahrida yangi mehmonxonalar, madaniy-ko'ngilochar maskanlar va 500 kishiga mo'ljallangan zamonaviy amfiteatr kabi obyektlarni o'z ichiga oluvchi "Qadimiy Buxoro" turistik hududini barpo etishda xorijiy me'morlar bilan birgalikda loyihalash ishlari ham boshlangan edi. Shunday hamkorlik aloqalarining eng asosiysi Fransiyaning "Buig" kompaniyasi bilan olib borilgan. 2018-yil 5-oktyabr kuni Parijda o'tkazilgan O'zbek-fransuz biznes forumida O'zbekiston milliy banki va "Buig" kompaniyasi turizm sohasidagi loyihalarni amalga oshirish bo'yicha 100 million yevrolik bitim imzolandi[18]. "Buig" kompaniyasi "Qadimiy Buxoro" turizm hududini loyihalashtirish va qurilishdan tashqari, bu yo'nalishdagi loyihalarni amalga oshirish uchun yangi investorlarni izlash va qurilgan obyektlarni boshqarishda ko'maklashish bitimida nazarda tutilgan edi. Ammo bu loyiha ham jahondagi pandemiya holatining iqtisodiyotga salbiy ta'siri tufayli hozircha to'xtab qolgan.

Beshinchi vazifa jarayonida Jahon standartlariga muvofiq, turistik salohiyatni rivojlantirishda sayyohlarga imtiyozlar va yengilliklar berish, safarlarini xavfsiz tashkil etish va turar-joylari uchun barcha qulayliklarini yaratish, ularning xavfsizligi va himoyasini ta'minlash ustuvor maqsadga aylandi. Shundan kelib chiqib, O'zbekistonda ham ushbu masalalarga alohida e'tibor qaratildi. Masalan, respublikada turistik salohiyatni yuksaltirish, turistlar oqimini ko'paytirish, shuningdek, ularga qulay va xavfsiz sharoitlar yaratish maqsadida Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 23 noyabrдаgi qaroriga muvofiq, turistlar oqimi yuqori bo'lgan Buxoro, Samarqand, Xiva va Shahrisabz shaharlarida 2018 yil 1 yanvardan boshlab xavfsiz turizmni ta'minlash boshqarmalari tashkil qilindi[19].

Oltinchi vazifa bu Ark majmuasini to'liq ta'mirlash ishlari amalga oshmadi.

Yettinchi vazifa turistik logotip yaratish bilan bog'liq bo'lib, bu masalada tanlov 2018-yilning 18-avgustidan 10 sentyabrigacha davom etdi. Eng yaxshi turistik logotip nominatsiyasi tanlovi natijasida 2018-yil 25-noyabrda Buxoroning ikki o'rkachli va qanotli tuya tasvirlangan turistik logotipi tasdiqlandi[20].

Xulosa qiladigan bo'lsak, yuqorida ta'kidlab o'tganimizdek, qabul qilingan dasturlar va qarorlardagi turizmni rivojlanishiga xizmat qiladigan chora tadbirlar hamda turizm yo'nalishida belgilangan 4, 6 - vazifalarning bajarilmaganligi ya'ni, "Qadimiy Buxoro" turistik hududini barpo etish, "Ark" majmuasini 2021-yilga qadar to'liq ta'mirlash kabi Buxoro turistik maskanida diversifikatsiyalash jarayoni bilan bog'liq katta loyihalarning to'xtab qolishiga sabab bo'lmoqda. Shunday bo'lsada mavjud imkoniyatlardan foydalanish borasida tizimli ishlar tashkil etildi. Albatta to'xtovsiz rivojlanayotgan jamiyat va davlatning yuksalishiga ijobiy ta'siri o'sib borayotgan hamda iqtisodiyotning asosiy sektoriga aylana yotgan turizm sohasi uchun ishlab chiqilgan konstruktiv chora-tadbirlarning to'liq bajarilishini ta'minlash jadal rivojlanayotgan jahon turizmi darajasiga yaqinlashishda katta ahamiyat kasb etishi jahon tajribasidan ma'lumdir. Ko'rib o'tgan davrimizdagi ba'zi kamchiliklar esa hali ham mavjudligi tezkor davrning ijtimoiy-iqtisodiy muammolarini yechishda soha rivojiga xizmat qiladigan hukumat dastur va qarorlarning to'la bajarilishini ta'minlaydigan alohida ijro va nazorat mexanizmlarini joriy etishni zaruriyatga aylantirmoqda.

ADABIYOTLAR

1. <https://lex.uz/docs/-3077025>
2. <https://lex.uz/docs/-3107036>
3. O'zbekiston Respublikasi Milliy arxivi (O'zbekiston MA), M-141-fond, 1-ro'yxat, 38-ish, 33-37-varaqlar.
4. "Tourism in Uzbekistan", 2019. - P. 32.
5. <https://data.worldbank.org/indicator/ST.INT.ARVL?locations=UZ>
6. <https://data.worldbank.org/indicator/ST.INT.RCPT.CD?locations=UZ>
7. <https://data.worldbank.org/indicator/ST.INT.ARVL?locations=KZ>
8. <https://data.worldbank.org/indicator/ST.INT.RCPT.CD?locations=KZ>
9. <https://data.worldbank.org/indicator/ST.INT.RCPT.CD?locations=UZ>
10. <https://www.lex.uz/docs/3577062> .
11. <https://lex.uz/docs/3077025> .
12. O'zbekiston MA, M-141-fond, 1-ro'yxat, 9-ish, 117-119-varoqlar.
13. uzbektourism.uz .
14. Buxoro viloyat turizmni rivojlantirish departamenti joriy arxivi. "Бухоро вилоятида туризм соҳаси кўрсаткичлари маълумотномаси" 2017-2020 йиллар учун (жадвал).
15. <https://buxdu.uz/index.php/uz/homeuz-news/elonlar/9-uncategorised/1989-hamkorlikdagi-yangi-pog-ona>.

16. Buxoro viloyat turizmni rivojlantirish departamenti joriy arxivi. 2017-2019 yillarda amalga oshirilgan ishlar to'g'risidagi ma'lumotnomasi.
17. Узбекистан: Устойчивое культурное наследие и развитие туризма. © 2020 Глобальный фонд по снижению рисков стихийных бедствий и ликвидации их последствий. Global Facility for Disaster Reduction and Recovery (GFDRR) 1818 H Street, N.W., Washington, D.C., 20433, U.S.A.C-1-24.
18. <https://nbu.uz/uz/news/o-zbekiston-milliy-banki-va-fransiyaning-buig-kompaniyasi-turizm-infratuzilmasini-rivojlantirish-soh/>
19. T. Xudoyqulov. Xavfsiz turizm xodimlariga rus va ingliz tilini bilish talabi qo'yiladi // "O'zbekiston ovozi", 2019 yil 18 iyun.
20. <https://uzbektourism.uz/uzbekistonda-turizm/buxoroning-turizm-logotipi-tasdiqlandi>.



УДК: 327 (575.1)

Дурбек САЙФУЛЛАЕВ,

Тошкент давлат шарқишунослик университети доценти, тарих фанлари доктори,

E-mail: s.durbek@mail.ru

ТДШУ профессори, сиёсий фанлар доктори Ш.А. Ёвқочев тақризи асосида

DIRECTIONS OF RESEARCH ON THE HISTORY OF CULTURAL DIPLOMACY OF UZBEKISTAN

Abstract

The article notes that although representatives of social and humanitarian sciences have not yet sufficiently studied the processes of formation and development of cultural diplomacy in Uzbekistan, as well as the history of the development of Uzbek cultural diplomacy, a comprehensive study of various periods in the history of the problem and issues of international cooperation began mainly in the years of independence. On the basis of the problem-chronological method, the author conditionally subdivides the research into several directions.

Key words: Cultural diplomacy, public diplomacy, digital diplomacy, international relations, «soft power», foreign policy, geopolitics, Central Asia, foreign cultural policy, public diplomacy.

НАПРАВЛЕНИЯ ИССЛЕДОВАНИЙ ПО ИСТОРИИ КУЛЬТУРНОЙ ДИПЛОМАТИИ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация

В статье отмечается, что хотя представителями общественно-гуманитарных наук пока недостаточно изучены процессы формирования и развития культурной дипломатии Узбекистана, а также история развития узбекской культурной дипломатии, всестороннее изучение различных периодов истории проблемы и вопросов международного сотрудничества в основном началось в годы независимости. Автор на основе проблемно-хронологического метода условно подразделяет проведенные исследования по нескольким направлениям.

Ключевые слова: Культурная дипломатия, публичная дипломатия, цифровая дипломатия, международные отношения, «мягкая сила», внешняя политика, геополитика, Центральная Азия, внешняя культурная политика, народная дипломатия.

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ ДИПЛОМАТИЯСИ ТАРИХИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон маданий дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши, шунингдек, мамлакат маданий дипломатияси тараққиёти масалалари тарихи ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллари томонидан ҳозиргача етарли ўрганилмаган бўлсада, муаммо тарихининг турли давларини, шу жумладан, замонавий халқаро ҳамкорлик масалаларини ҳар томонлама тадқиқ этиш асосан мустақиллик йилларида бошланганлиги таъкидланади. Муаллиф ўтказилган тадқиқотларни муаммовий-хронологик метод асосида шартли равишда бир неча йўналишга ажратган.

Калит сўзлар: Маданий дипломатия, оммавий дипломатия, рақамли дипломатия, халқаро муносабатлар, “юмшоқ куч”, ташқи сиёсат, геосиёсат, Марказий Осиё, ташқи маданий сиёсат, халқ дипломатияси.

Кириш. Дипломатия давлат ташқи сиёсатини амалга оширишнинг ўзига хос муҳим воситаси бўлиб, у орқали мамлакатнинг ташқи сиёсий ва иқтисодий манфаатлари таъминланади ҳамда химоя қилинади. Бугунги глобаллашув жараёни авж олган, халқаро муносабатлар тобора мураккаблашиб бораётган вазиятда миллий манфаатларни таъминлаш, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш масалалари долзарблигини йўқотмади. Аксинча, илгари халқаро муносабатларда мамлакатнинг қудрати асосан унинг ҳарбий ва иқтисодий салоҳияти билан ўлчанган бўлса, эндиликда давлатнинг тарихи ва маданиятини дипломатия воситалари орқали тарғиб этиш ҳам ташқи сиёсатнинг муҳим мезонларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бугун маданий дипломатия ташқи сиёсатнинг энг самарали усуллари билан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Мустақилликнинг илк йилларидан Ўзбекистон маданий дипломатияси давлат ташқи сиёсатининг етакчи сиёсий институтларидан бири сифатида замонавий мезонлар асосида шаклланиб ва тадрижий равишда ривожланиб, мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятда ўз ўрни ва обрўсига эга бўлиши учун салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзбекистон маданий дипломатиясининг минтақавий ва глобал даражада ўзаро дўстлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг имижини янада юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари дунёнинг нуфузли халқаро ташкилотлари ва давлатлари томонидан муносиб тарзда эътироф этилди. Зеро, Президент Ш.М. Мирзиёев таъбири билан айтганда, маданий дипломатиямиз негизда «Ўзбекистон халқининг бениҳоя бой ва ранг-баранг маданияти неча минг йиллар давомида ёрқин тарихий воқеалар силсиласида ўлкамизнинг бетақдор табиати ва турли маданиятларнинг бир-бирига илҳомбахш таъсири натижасида шаклланиб, раванқ топган...» тарихий-маданий меросимиз ётади [1].

Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, позицияси ва обрўсини тобора мустаҳкамлаб бораётган Ўзбекистон учун дипломатиянинг ушбу тури ташқи сиёсатнинг энг муҳим йўналиш ва усуллари билан бирига айланди. Турли давлатлар билан, шунингдек халқаро ташкилотлар доирасида икки ва кўп томонлама маданий дипломатиясини жадал ва сермазмун тарзда олиб бораётгани, дунё маданий ҳаётининг бир қисми сифатида халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи тобора

ошиб бораётгани, мамлакат раҳбарияти томонидан ушбу соҳага ўта долзарб масала сифатида қаралаётганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, позицияси ва обрўсини тобора мустаҳкамлаб бораётган Ўзбекистон учун дипломатиянинг ушбу тури ташқи сиёсатнинг энг муҳим йўналиши ва усулларидан бирига айланди. Турли давлатлар билан, шунингдек халқаро ташкилотлар доирасида икки ва кўп томонлама маданий дипломатиясини жадал ва сермазмун тарзда олиб бораётгани, дунё маданий ҳаётининг бир қисми сифатида халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи тобора ошиб бораётгани, мамлакат раҳбарияти томонидан ушбу соҳага ўта долзарб масала сифатида қаралаётганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Ўзбекистон маданий дипломатияси тарихини тадқиқ этиш йўналишлар тарихийлик, тизимлаштириш, қиёсий, муаммовий-хронологик ҳамда фанлараро ёндашув каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Дипломатия, шу жумладан, маданий дипломатиянинг назарий ва амалий масалалари ҳамда йўналишлари кўпгина хорижлик ва ўзбекистонлик олимлар ва мутахассисларнинг, айниқса тарихчи ва сиёсатшуносларнинг эътиборини ўзига тортди келади. Бугунга қадар яратилган мавзуга алоқадор тадқиқотларни муаммовий-хронологик усул асосида шартли равишда икки йирик гуруҳга, яъни ўзбекистонлик олимларнинг ҳамда хорижий тадқиқотчиларнинг ишларига ажратиш мумкин.

Муаммонинг объекти ва предметини ўрганишга ёндашувлар айрим ҳолларда ўхшаб кетиши инobatга олинса, биринчи гуруҳ тадқиқотлари, ўз навбатида, қуйидаги уч йўналишни қамраб олади:

А) Биринчи йўналишга А.Қосимов, С.Пўлатова, М.Раҳимов, Х.Бекмуратов, Н.Зиямов, Э.Нуриддинов, А.Қирғизбоев, Г.Табак, Д.Махкамова, Р.Асадова, С.Отажанова, А.Холлиев, С.Жўраев, Н.Қосимова, Л.Бобоҳўжаева, К.Тошматова, О.Абдимўминов каби тарихчи ва сиёсатшунос олимларнинг диссертация тадқиқотларини киритиш жоиз [2].

Маҳаллий олимлар ўз тадқиқотларида Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигининг асосий йўналишларини, давлат ташқи сиёсатида тарихий-маданий аъёнларнинг роли, Ўзбекистоннинг халқаро маданий алоқалар тизимидаги ўрни, хорижий давлатлар билан икки ва кўп томонлама маданий-гуманитар алоқалари каби масалаларни ўрганишган.

Б) Иккинчи йўналиш ўз ичига Г.Хидоятлов, С.Шарапова, Д.Раҳимбаева, С.Сафоев, Қ.Жўраев, С.Жўраев, И.Мавлонов, А.Файзуллаев, Ф.Жўраев, А.Шарапов, С.Таджиев, С.Пўлатова каби олимларнинг чоп этган ишларини қамраб олиб, бу ишларда Ўзбекистон дипломатиясининг айрим жиҳатларини ҳамда замонавий дипломатиянинг «иктисодий дипломатия», «парламент дипломатия», «оммавий дипломатия», «рақамли дипломатия» ва «халқ дипломатияси», «юмшоқ куч» каби мамлакатимиз дипломатиясининг янги йўналишларини Ўзбекистон нуктаи назардан у ёки бу даражада тадқиқ этишга ҳаракат қилган.

Бу ишлар орасида С.Пўлатованинг «Вхождение Республики Узбекистан в международное культурное пространство и становление культурной дипломатии в годы независимости» мавзусидаги мақоласини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур. Ушбу мақолада муаллиф Ўзбекистоннинг халқаро маданий жараёнларга кириб бориши ҳамда мустақиллик йилларида маданий дипломатиянинг шаклланиши билан боғлиқ вазифани ўз олдига қўяди. Мақолада Ўзбекистоннинг маданий дипломатия соҳасидаги айрим амалий қадамлари, чоп этилган расмий маълумотлар асосида ёритилиб, 2016 йилдан кейинги жараёнларни қамраб олган.

Шунингдек, дипломатия ва умуман халқаро муносабатлар мавзусидаги тарихий асарлар орасида «Халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихи», ҳамда Р.Фармонов ва Қ.Жўраев ҳаммуаллифлигидаги «Халқаро муносабатлар тарихи» китобларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Уларда ташқи сиёсат, шу жумладан, маданий ҳамкорлик масалалари билан бирга, дастлабки дипломат кадрлар, уларнинг фаолиятига ҳам эътибор қаратилган [3].

Иккинчи гуруҳни муаммонинг концептуал-назарий ҳамда амалий масалаларини ўрганган хорижий тадқиқотчиларнинг монографик асарлари ва илмий мақолалари ташкил этади. Ушбу гуруҳдаги адабиётлар ҳам икки йўналишга бўлинган:

А) XXI асрда глобаллашув жараёнлари таъсирида ва халқаро муносабатларнинг янги полицентрик тизими шаклланиши шароитида давлатнинг «юмшоқ куч» ва маданий дипломатия мавзуси тараққий этган мамлакатлар олимлари ва тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Жумладан, «юмшоқ куч» феномени концепциясини ишлаб чиққан ҳамда ундан халқаро муносабатларда самарали фойдаланиш усулларини яратган олимлар Э. Вилсон, Ж. Най, С.С. Грей, С.Р. Манн, С.П. Шнейдер ўз тадқиқотларида «юмшоқ куч»нинг моҳияти, мақсад ва вазифаларини, уни шакллантириш йўллари, таъсир доирасини аниқлаганлар, баъзи мамлакатлар «юмшоқ кучи»нинг миллий хусусиятларини ўрганганлар ва ҳоказо [4].

К. Бунд, М.Каммингс, Ж. Ленкзоуски, М. Леонард, Э. Пайтинка, Э. Торкутти, А. Андерс каби хорижий тадқиқотчилар ўз асарларида «маданий дипломатия» тушунчасини, атаманинг пайдо бўлиш тарихини ҳамда уни назария ва амалиётда ўрганиш муаммоларини кўриб чиққанлар [5].

Б) навбатдаги йўналишга кирган асарларни асосан (постсовет маконида бу борада етакчи илмий мактабга эга бўлганлигини ҳисобга олиб) россиялик олимларнинг ишлари ташкил этади. Жумладан, Д.А. Звягина, О.Г. Леонова, Э.В. Пименова, И.В. Радиков, Я.В. Лексютина, Б.Павловскийнинг тадқиқотларида «юмшоқ куч»нинг назарий масалалари тадқиқ этилиб, улар асосий эътиборни ушбу тушунчанинг моҳияти, мақсад ва вазифаларига қаратиб, постсовет маконида унинг «амал» қилиш шарт-шароитларини ёритишга ҳаракат қилишган [6].

Россиялик олимлар бевосита «маданий дипломатия» мавзусини Э.М.Астахов, Э.В. Василенко, Л.Е. Козлов, О.В. Лебедева, С.А. Глебова, Т.Н.Клеимонова, Т.Н. Миронова, Л.Е. Козлов, Г.И. Цвик каби олимларнинг ишларида кўриш мумкин [7]. Ушбу тадқиқотларда маданий дипломатиянинг умумий ва хусусий жиҳатларига, назарий масалалари ҳамда унинг ҳозирги шароитдаги фаолиятига тўхталиб ўтишган. Шу билан бирга, айрим давлатлар мисолида уни Россия Федерациясининг амалиёти ва шарт-шароитлари билан қиёслаган ҳолда айрим давлатлар учун маданий дипломатиянинг аҳамияти, уни амалга ошириш усуллари, бу жараёнда тил ва маданиятини тарғиб қилиш билан шуғулланадиган институтлар, маданий соҳада бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилиш ва бошқа кўплаб масалалар таҳлил этилган.

Юкорида қайд этилган хорижий тадқиқотлар Марказий Осиё ёки Ўзбекистон даражасида мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил этишда маданий дипломатиянинг ўрни ва ролига аҳамият бермаган бўлсаларда, бу ишлар фундаментал хусусиятга эга бўлиб, тадқиқотимизда қўйилган назарий муаммоларнинг ечимини топишда алоҳида аҳамият касб этган.

Хулоса (Conclusion). Шундай қилиб, мавзуга оид умумий ва махсус адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирги кунга келиб мустақил Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан маданий дипломатия йўналишидаги алоқаларни қарор топтириш ва ривожлантириш тажрибасини тадқиқ этиш учун тарихшунослик асослари маълум даражада вужудга келди. Шу билан бирга, тарих фанининг ушбу йўналишдаги илк қадамлари эндигина ташланди. Бу борада ҳали ҳал этилмаган ёки қисман таҳлил қилинган кўплаб муаммолар, масалалар сақланиб қолаётганлигини ва улар сўнгги пайтларгача алоҳида тадқиқот мавзуси бўлмаганлигини кўриш мумкин. Муаммонинг юқори даражадаги илмий-амалий аҳамияти, унинг долзарблиги ва старли даражада ўрганилмаганлиги мазкур мавзуда кўплаб тадқиқотлар олиб боришни талаб этади

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон маданиятининг янги қирралари – дунё эътиборида // «Ўзбекистон маданий мероси» муаллифлик туркуми: «Германия Федератив Республикаси тўпламлари» китоб-альбомига кириш сўзи. – Т., 2019. – Б. 5.
2. Шарапова С.Ш. Многосторонняя дипломатия Республики Узбекистан: участие в универсальных, региональных и субрегиональных организациях, межгосударственных объединениях. Автореф. дис. ... д-ра полит. наук. – Т.: АГОС, 2006; Раҳимбаева Д.В. Ўзбекистонда дипломатия хизматининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (1944–2001 йиллар. Ташқи ишлар вазирилик мисолида). Тарих фан. номз. ... дис. – Т., 2007; Сафоев С.С. Ҳозирги замон халқаро муносабатлари ва парламентлараро ҳамкорлик. XXI аср жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари: Илмий-амалий конф. мат-ри. – Тошкент: ТошДШИ, 2015; Жўраев Қ.А. Парламентлараро алоқаларнинг замонавий халқаро муносабатлар тизимида тутган ўрни. Ўзбекистонда парламент институтининг ривожини ва истиқболлари: сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари: Илмий-амалий конф. мат-ри. – Т.: ТДШИ, 2010; Жураев С.А. Новые тенденции публичной дипломатии // XX асрда жаҳон сиёсатида архитектуник ўзгаришлар: Realpolitik концепцияси ва Ўзбекистон амалиёти: Илмий-амалий конф. мат-ри. – Т.: ТДШИ, 2014. – Б. 69–70; Ҳозирги замон халқаро муносабатлари ва парламентлараро ҳамкорлик // XXI асрда жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри. – Т.: ТДШИ, 2015. – Б. 6–12; Экономическая дипломатия: Учеб. пособие / И.Р.Мавланов. – М.: Аспект Пресс, 2016. – 528 с.; Файзуллаев А. Публичная дипломатия на службе национальных интересов // <https://www.gazeta.uz/ru/2017/08/05/public-diplomacy> 5 августа 2017; XXI асрда жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик микёсидаги анъанавий ўнинчи илмий-амалий конференция материаллари тўплами (Тошкент, 2018 йил 12 май). – Т.: ТДШИ, 2018; Жураев Ф.С. Цифровая дипломатия во внешней политике национального государства: Монография. – Ташкент, 2018. – 208 с.; Тожиёв Ш. Использование инструментария “мягкой силы” в международных отношениях // Халқаро муносабатлар. – 2018. – №1. – С.107–117; Пулатова С. Вхождение Республики Узбекистан в международное культурное пространство и становление культурной дипломатии в годы независимости // Халқаро муносабатлар. – 2019. – № 2. – Б.76–87.
3. Фармонов Р., Жўраев Қ. История международных отношений и дипломатии. – Т.: НУУИМУ, 2002; Халқаро муносабатлар тарихи. – Т.: ЖИДУ, 2014.
4. Wilson III E. J. Hard Power, Soft Power, Smart Power // *Annals, AAPSS*. 2008. – № 616. P. 110–124; Nye, Joseph S., Jr. *Soft Power: The Means to Success in World Politics*. – New York: Public Affairs Group, 2004; Nye, Joseph S., Jr. *The Future of Power*. – New York: Public Affairs Group, 2004; Nye, Joseph S., Jr. *The Paradox of American Power: Why the World's Only Superpower Can't Go it Alone*. – New York: Oxford University Press, 2002; Gray C.S. *Hard Power and Soft Power: The Utility of Military Force as an Instrument of Policy in the 21st Century*. Strategic Studies Institute, 2011; Mann Steven R. *The Reaction to Chaos // Complexity, Global Politics, and National Security*. National Defense University Washington, D.C. 1998; Schneider C.P. *Cultural Diplomacy: Hard to Define, but You'd Know It If You Saw It // Brown Journal of World Affairs*. 2006. Vol. XIII. Issue 1. P. 191–203.
5. Castiglione F. Il «soft power» dell'Italia. 2014 // URL: <http://www.lindoro.it/il-soft-power-dellitalia/>; Bound K., Briggs R., Holden J., Jones S. *Cultural Diplomacy*. London, 2007; Cummings M. C. *Cultural Diplomacy and the United States Government: A Survey*. Washington, 2009; Lenczowski J. *Cultural Diplomacy, Political Influence & Integrated Strategy // Strategic Influence: Public Diplomacy, Counterpropaganda, and Political Warfare*. Washington, 2008. P. 74–99; Leonard M. *Diplomacy by Other Means*. 2002 // URL: <http://media.leeds.ac.uk/papers/vp018afc.html>; Pajtinka E. *Cultural diplomacy in theory and practice of contemporary international relations // Political sciences*. 2014. – № 4. P. 95–108; Torcutti E. *Diplomazia culturale e politica culturale : tesi di laurea*. Trieste, 2005; Enders A. *Indirekte Außenpolitik: Die Arbeit der Kulturreferate // Enrico Brandt und Christian Buck (Hg.) : Auswärtiges Amt. Diplomatie als Beruf*. Opladen, 2002. S. 173–180.
6. Звягина Д. А. «Мягкая сила»: структурный анализ // *Инициативы XXI века*. 2012. – № 3. – С. 135–137. 5. Леонова О. Г. Мягкая сила – ресурс внешней политики государства // *Научно-аналитический журнал Обозреватель – Observer*. 2013. – № 4 (279). – С. 27–40. 6. Пименова Е. В. Закат «мягкой силы»? Эволюция теории и практики soft power // *Вестник МГИМО*. – 2017. – № 1 (52). – С. 57–66; Радиков И.В., Лексютина Я. В. «Мягкая сила» как современный атрибут великой державы // *Мировая экономика и международные отношения*. – 2012. – № 2. – С. 19–26; Павловский Б. Культурная дипломатия как инструмент «мягкой силы» и проводник национальных ценностей // URL: <http://eurasian-studies.org/archives/2034>
7. Астахов Е. М. *Мировая практика культурной дипломатии // Диалог культур и партнерство цивилизаций. VIII Международные Лихачевские научные чтения*. – СПб, 2008. – С. 244–246; Миронова Т. Н. Сохранение культурного и природного наследия как главная черта культурной политики стран Европейского региона: Италия

// Знание. Понимание. Умение. – 2009. – № 2. – С. 41–48; Клейменова Т. Н. Роль культурной политики Италии в формировании имиджа страны за рубежом // Вестник РУДН, серия Международные отношения. 2012. – № 2. – С. 68–74; Василенко Е. В. Культурная дипломатия как инструмент «мягкой силы» государства. 2015. URL: http://www.perspektivy.info/rus/ekob/kulturnaja_diplomatija_kak_instrument_magkoj_sily_gosudarstva_2015-11-23.htm; Рыбаков Ю.М. Современная дипломатия и формирование новой политико-дипломатической системы. – М.: «Канон+» РООИ «Реабилитация», 2015. – 272 с.; Козлов Л. Е. Культурная дипломатия как ресурс регионального развития // Ойкумена. Регионоведческие исследования. – 2017. – № 1 (40). – С. 61–75; Лебедева О. В. Культурная дипломатия как инструмент внешней политики России на современном этапе // Международная жизнь, 2016 // URL : <https://interaffairs.ru/jauthor/material/1734>; Лебедева О.В. Культурная дипломатия как инструмент внешней политики России на современном этапе // Международная жизнь. – 2016. – № 9. – С. 76–80; Козлов Л.Е. Культурная дипломатия как ресурс регионального развития // Ойкумена. – 2017. – № 1. – С. 62; Зонова Т.В. Дипломатия: Модели, формы, методы / Т. В. Зонова. – 2-е изд., испр. – М.: Аспект Пресс, 2017. – 348 с.; Цвык Г.И. Культурная дипломатия в современных международных отношениях (на примере России и Китая) // RUDN. Journal of World History. – 2018. – № 10. – С. 138; ва бошқ.



Илџс ХОЛБџЕВ,

Тошкент давлат транспорт университети касабџа уюшма кўмитаси раиси

E-mail: ilyoskholboyev@mail.ru

ТДПУ профессори, т.ф.д. Нуриддинов Э.З. тақризи остида

SOME OPINIONS ABOUT THE PROCESS OF 'BADRIDDINOVCHILIK' VERDICT

The annotation

The article analyses repressive regime carried out by the Soviet Union with its negative consequences; the colonial policy led against local nationalities and educated people of the period. The repression led by the Communist party against the members of the judicial system is revealed in this so called movement 'Badriddinovchilik'. On evaluating the process of 'Badriddinovchilik', the author attempts to employ available resources in the archive effectively. He reveals the intentions of death policy of the Soviet State by uncovering the information which was kept a secret so far. The arguments of the author are related to the damaging consequences of the violence by the Soviet State towards local well-educated people.

Key words: The Soviet State, the Communist party, the repression policy, the Judicial System, 'Kasimovchilik' movement, 'Badriddinovchilik' movement, investigation, a witness, punishment, counterrevolutionary movement.

НЕКОТОРЫЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ О СУДЕБНОМ РАЗБИРАТЕЛЬСТВЕ «БАДРИДИНОВЩИНА»

Аннотация

В статье анализируется политика насилия советского государства в Туркестане и ее негативные последствия, а также его колониальная политика в отношении коренных народов и интеллигенции. В 1932 году коммунистической партией в отношении сотрудников судебных органов и органов прокуратуры Узбекистана велась репрессивная политика, которая раскрыта на примере дела «Бадриддиновщина». Оценивая процесс в суде «Бадриддиновщина», автор попытался дать объективную оценку данному политическому процессу, эффективно используя имеющиеся архивные источники, касающиеся этого дела. Раскрыты суть и содержание репрессивной политики советского государства на основе ранее неиспользованных данных. Сделан анализ тяжелых последствий колониального гнета в советском государстве, ненавистнической политики в отношении местных квалифицированных кадров.

Ключевые слова: советское государство, колониализм, коммунистическая партия, репрессивная политика, судебная система, «Касымовщина», «Бадриддиновщина», расследование, свидетель, высшая мера наказания, контрреволюционное движение.

“БАДРИДИНОВЧИЛИК” СУДИ ЖАРАЁНИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация

Мақолада совет давлатининг Туркистон ўлкасида амалга оширган зўравонлик сиёсати ва унинг салбий оқибатлари, маҳаллий миллатлар ва зиёли қатламга нисбатан олиб борган мустамлакачилик сиёсати таҳлил этилди. Коммунистик партия томонидан 1932 йилда Ўзбекистон суд-прокуратура идоралари ходимларига нисбатан олиб борган қатағон сиёсати ўлкада амалга оширилган “Бадриддиновчилик” иши мисолида ёритиб берилди. “Бадриддиновчилик” суди жараёнига баҳо беришда муаллиф ушбу жараёнга тегишли бўлган мавжуд архив манбаларидан унумли фойдаланиб, бу сиёсий жараёнга ҳолисона баҳо беришга ҳаракат қилган. Шу вақтгача истеъмолга киритилмаган маълумотлардан фойдаланган ҳолда совет давлати қатағон сиёсати мазмун-моҳиятини очиб берилган. Совет давлати бошқарувида мустамлакачилик зулмининг оғир оқибатлари, маҳаллий етуқ кадрларга нисбатан олиб борган манфур сиёсати ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: совет давлати, мустамлакачилик, коммунистик партия, қатағон сиёсати, суд тизими, “Қосимовчилик”, “Бадриддиновчилик”, тергов, гувоҳ, олий жазо, аксинкилобий ҳаракат.

Қириш. XX асрнинг биринчи чорагида Туркистонда совет давлати қарор топди ва сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, миллий-маданий масалаларда маҳаллий халқлар манфаатларига зид равишда мустамлакачилик сиёсатини олиб борди. 1930 йилларнинг бошида бўлиб ўтган “Бадриддиновчилик” суди жараёни ҳам совет қатағон сиёсатининг амалий кўринишларидан бири эди. Ўзбекистонда совет давлатчилиги тарихини, ўлкада ўзгача давлат бошқарувини йўлга қўйиш мақсадида олиб борилган айёрона сиёсат мазмун-моҳиятини чуқур ўрганишда мазкур суд ишининг атрофлича таҳлил этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Мақолада умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, манткий таҳлил, ҳолислик тамойиллари асосида мавжуд архив манбаларига таянган ҳолда “Бадриддиновчилик” суди жараёнидаги судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари таҳлил этилган. Ушбу жараён совет даврига таааллуқли манбаларда нисбатан тор кўринишда ёритилган[1] ва асосан бу жараёнга нисбатан коммунистик нуктаи назардаги фикрлар билдирилган. Мустақиллик йилларига келиб бу тарихий воқелик тафсилотларига бағишланган илмий хулосалар эълон қилинди[2]. Мазкур ишларда маълум маънода бу жараённинг ўтказилишига нисбатан ҳаққоний баҳо берилди. Ўз даврида ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётида турли шов-шувларга сабаб бўлган бу суд ишида асосий айбланувчи сифатида Шамси Алиевич Бадриддиновнинг шахсияти, унинг совет давлатчилигига бўлган

муносабати ва хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган ҳаёти кўриб чиқилади. Мавжуд тарихий материалларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, бу жараёнга совет ҳокимияти вакиллари томонидан атайлаб сиёсий тус берилганлигининг ва ҳукмрон кучларнинг кучли руҳий босими остида ўтказилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда совет ҳокимиятининг ўлкада юритган қатагон сиёсати ва унинг оғир оқибатлари, маҳаллий кадрларга нисбатан мавжуд мафқуранинг олиб борган амалиёти “Бадриддиновчилик” суди жараёни тафсилотлари мисолида таҳлил этилган.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Совет ҳукмронлигининг бутун ўлкада ўрнатилиши маҳаллий халқларнинг дунёқарашида, фикрлашида ва жамият ривожланиши борасидаги қарашларида турли сиёсий манфаатларнинг ўзаро тўқнаш келишига олиб келди. Ўлка халқлари тарихи билан бевосита чамбарчас боғлиқ бўлган бу таҳликали даврдаги кечинмаларни тарихийлик нуқтаи назаридан ўрганиш ва ҳар бир воқеага нисбатан тўлақонли баҳо бериш масаласи ҳар биримиздан теран мулоҳазалар юритишни талаб қилади.

Буғунги кунга келиб ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётида совет даври тарихчилигининг 1920-30 йиллари давомида амалга оширилган “Ўн саккизлар гуруҳи”, “Иноғомовчилик”, “Қосимовчилик”, “Бадриддиновчилик”, “Кўр каламуш” каби сиёсий жараёнларнинг атайлаб бўрттириб тасвирланганлиги, бу кўринишларнинг ташкил этилишида кўпроқ ҳукмрон партиянинг истак-хоҳишлари устунлик қилганлиги мустақиллик йилларида эълон қилинган адабиётлардан бизга маълум бўлмоқда.

1930 йилда март-июнь ойларида Ўзбекистон ССР Олий суди раиси Саъдулла Қосимовнинг аксилинқилобий фаолияти юзасидан “Қосимовчилик” суди жараёни Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди. “Қосимовчилик” жараёни якунига кўра судланувчиларнинг деярли барчасига “аксилинқилобчи”, “миллатчи”, “ёт унсурлар тарафдори” сифатида айблар кўйилиб суд ҳукмига кўра отув жазоси ёки турли муддатга қамоқ жазо тайинланди [3].

Орадан икки йил ўтиши билан Ўзбекистон ССР суд-прокуратура идораларида фаолият кўрсатиб келган яна бир гуруҳ ходимларга нисбатан “Қосимовчилик” издошлари сифатида навбатдаги суд амалиёти худди шундай андоза асосида ташкил этилди. Мазкур суд иши мажлисларида асосан Шамси Алиевич Бадриддиновнинг шахсияти, унинг шу вақтгача яшаб ўтган ҳаёт йўли, суд-прокуратура маҳкамаси ходими сифатидаги меҳнат фаолияти совет ҳуқуқати жазо органлари чиғирғидан ўтказилди. 1932 йил 5 майдан 15 июнгача бўлган муддатда СССР Олий судининг сайёр йиғилиш таркиби иштирокида Тошкент шаҳридаги Кафанова номли клубда “109-рақамли” жиноий иш юзасидан йиғилган материаллар кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР Олий суди бош прокурори Шамси Алиевич Бадриддиновнинг, суд идораси собиқ ходимлари Абдурахмон Раҳмонов, Мухитдин Садионов, Ибрагимжон Мусахонов, Мухаммадхон Ходжаев, Махмудхон Аҳмеджоновлардан иборат бўлган айбланувчиларнинг ўтмишдаги ҳаракатларига совет олий суд идораси ходимлари томонидан “ҳуқуқий баҳо” берилиб мавжуд сиёсат талабларидан келиб чиқиб жазо тайинланди.

Асосий айбланувчи ҳисобланган Шамси Бадриддиновнинг суд давомидаги савол-жавобларига ўтишдан олдин у шахс ҳақидаги қисқача маълумотларга бироз тўхталсак. Шамси Алиевич Бадриддинов 1900 йил Россия давлатидаги Қозон губернияси Арис кантонига қарашли Тюнтер қишлоғида туғилган. 7 ёшида отаси вафот этган оиладаги иқтисодий қийинчиликлар сабабли, онаси уни шу вақтда Туркманистонда яшаб турган амакиси Вайфи Бадриддиновнинг ёнига 1908 йилда жўнатиб юборди. Бу ерда у мусулмон мактабида дастлабки таълимни олади, 1913-1917 йилларда Андижондаги пахта тозалаш заводида мулкдор Аҳмадхўжа Темирбеков[4] нинг қўл остида ишлайди. 1919 йили кўнгили сифатида ҳарбий хизматга бориб 1924 йилгача ҳарбий соҳадаги турли вазифаларда хизмат қилади. 1925 йил вилоят милицияси сиёсий бўлими бошлиғи, 1925 йил ноябрдан 1927 йилгача вилоят суди аъзоси, 1927-1929 йилларда округ суди раиси ўринбосари, округ прокурори, 1929 йил ноябрдан Олий суд прокурори вазифасида фаолият кўрсатишни бошлади[5].

Ш. Бадриддиновга нисбатан “аксилинқилобий ҳаракат”нинг фаол иштирокчиси, “Қосимовчилик” издоши, совет давлатчилигига қарши кайфиятдаги шахс, бой ва мулкдорлар ҳимоячиси, “маҳаллий миллатчи” сифатидаги айблар кўйилишига бутун суд давомида очиқ-ойдин ҳаракатлар қилинди. Мавжуд суд стенограммасига тегишли ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятида суд тўлиқ коммунистик партия ҳимоячиларининг қаттиқ таъсири остида ўтказилганлиги, асосли, асосиз равишда судланувчининг аҳволини оғирлаштирувчи кўрсатмалар берилганлиги ўз аксини топган. 1930 йили “Қосимовчилик” жараёнида давлат қораловчиси сифатида иштирок этган Рубен Павлович Катанян ҳам бу суд ишида яна давлат қораловчиси сифатида қатнашади.

“Қосимовчилик” ишида асосий гувоҳлар сифатида иштирок этган Исҳоқ қори Каримов[6] ва Юлдаш Сафаров бу жараёнда ҳам судланувчиларнинг ўтмишига тегишли бўлган ўзларининг “қимматли” кўрсатма ҳамда гувоҳликларини бериш орқали “сиёсий ҳушёр”лигини намойиш этишга муваффақ бўлишади. Ажабланарлиси шундаки, нима учундир бу иккала гувоҳ икки йил олдин бўлиб ўтган “Қосимовчилик” жараёндаги каби, ушбу судда ҳам айбланувчи Ш. Бадриддиновга қарши, судланувчининг хатти-ҳаракатларига аксилинқилобий тус берувчи қўллаб маълумотларни келтириб, судланувчининг шу вақтгача яшаб келган туриш-турмушидаги хатти-ҳаракатлари ҳақидаги маълумотларни ўта синчковлик билан келтириб ўтади. Деярли бир ярим ойга яқин муддат кескин қарама қаршилиқлар билан давом этган мазкур суд жараёнида Ш. Бадриддинов гувоҳлар томонидан ўзига нисбатан келтирилган ўта заиф далил ва исботи йўқ бўлган кўрсатмаларни рад этишга қаътиятлик билан ҳаракат қилади.

Жумладан, гувоҳ Носир Шамси терговда ёзма равишда судланувчи ҳақида қуйидаги кўрсатмани берган “Миллий Иттиҳодга мен 21 йили кирганман. Бадриддинов ҳам Миллий Иттиҳод аъзоси эди. Мен буни Уразалиевдан билганман”[7]. Худди шундай ноаниқ маълумотни кейинги ўринда гувоҳ Исҳоқ қори Каримов ҳам юқоридаги гувоҳ каби Бадриддиновнинг “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлганлигини шахсан ўзи кўрмаганлиги, аммо Обиджон Маҳмудовнинг сўзларидан аниқлаганлигини айтади[8]. Судланувчининг фаолияти, унинг миллий истиқлолчи ташкилотларга аъзо эканлиги ҳақидаги бу каби шубҳали кўрсатмалар бутун суд давомида гувоҳлар тарафидан келтириб турилсада, судланувчидан бошқа ҳеч ким бу нарсга ҳеч қандай эътироз билдирмайди. Балки бу жойда Бадриддиновнинг кейинги тақдирини салбий тарафга ўзгартириши тайин бўлган бундай кўрсатмаларнинг имкон қадар кўпроқ берилиши суд ҳайъати аъзолари учун муҳим аҳамият касб этиши аниқ эди.

Кейинги ўриндаги гувоҳлик кўрсатмасида судланувчи ҳақида Исҳоқ қори Каримов навбатдаги ҳақиқатдан йироқ бўлган маълумотларни Темирбековнинг куёви Исожон Бойбачаевдан билганлигини билдиради. Яъни, Туркистон

мухторияти совет ҳукумати томонидан ағдарилгач Темирбеков хорижга қочиб кетганлиги ва унга тегишли қурооларни Бадриддинов “босмачилар”(миллий истиклолчи кучлар)га топширганлиги ўзига маълум эканлигини судга айтиб ўтади. Шу жойда гувоҳ ва судланувчи орасида қуйидагича савол-жавоб бўлиб ўтади;

Бадриддинов: “Демак, сиз Темирбековнинг ўлиб кетган куёвининг сўзлари эканлигини айтаяпсиз”.

Каримов: “Мен бу сўзларни ундан эшитганман ва уларни бу ерда билдирипман”.

Бадриддинов: “Нима учун тирик гувоҳ шу бугунгача ҳеч қаерда бу ҳақда айтмади?”.

Каримов: “Сўнги вақтларда бу ҳақда мен умуман унутган эканман, ундан кейин Бадриддинов иши билан боғлиқ бу суҳбатни эсга олдим”.

Бадриддинов: “Қачонки, Бадриддиновни қўлга олишгандан сўнг эсга олдингизми?”.

Каримов: “Қосимов (“Қосимовчилик” суди жараёни назарда тутиляпти таъкид бизники.) судида бу ҳақда мен умуман унутган эканман, шундан кейин хотирамни тиклашга ҳаракат қилдим ва эсладим, нима учун бу ҳақда бугун гапирипман, хотирамни тикляпман”[9].

Суд давомида гувоҳлар томонидан яна Ш. Бадриддиновнинг ўтмиши ҳақида, умуман унинг шахс сифатида шаклланиши ва таниш-билишлари билан ўзаро алоқалари ҳақида бир қанча ҳақиқатга мос келмайдиган кўрсатмалар келтириб ўтилди. Лекин бу кўрсатмаларнинг аксарияти ғаразли мақсадларда, олдиндан ўйланган режа ва тахминий фикрлар асосида судга тақдим этиб борилди. Суд йиғилишлари пайтида Ш. Бадриддинов ёлгон гувоҳликка таянувчи маълумотларни иложи борича қабтиятлилиқ ва дадиллик билан инкор этишга ҳаракат қилди. Бундай асоссиз кўрсатмалар сирасига Ш. Бадриддинов А. Темирбековнинг топшириғига кўра қурол-яроқ олиб келиш учун Қозон шаҳрига борганлиги[10], қайнотаси Алибетковнинг катта савдогар бўлганлиги[11], 21 йили Андижон район милициясининг бошлиғи бўлганлиги[12], 21 йили кўрбоши Мадамминбекка 25 та винтовка сотганлиги[13] ҳақидаги гувоҳларнинг ёлгон кўрсатмаларига қарши ўз ўрнида берилган ҳаққоний жавобларини келтириб ўтишимиз мумкин.

Шу ўринда айтиб ўтишимиз лозимки, Ш. Бадриддинов суддаги кўрсатмаларида хизмат фаолияти мобайнида ўзи томонидан ишида йўл қўйган хато ва камчиликларига ҳам тўхталиб ўтди. Фуқаро Игамбердиев ва 7 йилга озодликдан маҳрум этилган Зоҳидовнинг озодликка чиқарилишини, Алимов ишига нисбатан совуққонлик қилганлигини ўзини айблари сифатида тан олишини билдиради. Шу билан бирга ўзига айб сифатида қўйилаётган Саидахмедов, Шониязов, Асферов, Мамин, Зайнаб биби, Хананьянц каби шахсларга тааллуқли ишларнинг кўриб чиқилиши ва тегишли жазо тайинлашида ёки тегишли жазонинг тайинланмасдан қолиш ҳолатларининг умуман ўзига боғлиқ бўлмаганлигини судга ишончли далиллар билан исботлаб бера олди[14].

Суд йиғилишлари давомида жамоатчиликнинг ушбу суд ишига бўлган фаол муносабатини акс эттириш маъносида бир неча корхона ва ташкилотлардан атайин ёзма мурожаатлар уюштирилади. Бу каби мурожаатларда “Қизил шарк” заводидан, қизил гвардиячилар Тошкент отрядидан, қизил гвардиячилар биринчи Тошкент штурм батальонидан вакиллар келиб суд ҳайъатидан судланувчиларга олий жазо ўлим жазосини тайинлашини сўраб келишади[15].

Оқибати қандай бўлиши олдиндан маълум бўлган суд йиғилиши якунидаги айблов хулосасига кўра, судланувчиларнинг деярли барчасига Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 63-моддасида (аксилниклобий жиноят) назарда тутилган айб қўйилди. Фақат судланувчи М. Садионов Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 143-моддаси 1 қисмига кўра айбдор деб топилади. Суднинг якуний қароридан судланувчилардан М. Садионовга 2 йил, И. Мусахоновга 3 йил, М. Ходжаевга 10 йил, А. Раҳмоновга 10 йил, М. Аҳмедхановга 10 йил қамоқ жазolari белгиланди. Ушбу жараённинг асосий айбдори деб ҳисобланган Шамси Алиевич Бадриддиновга нисбатан ўлим жазоси (кейинчалик 10 йиллик қамоқ жазоси билан алмаштирилди) тайинланди[16].

Шамси Бадриддинов ва унинг шериклари устидан олиб борилган бу суд йиғилишининг кундалик тафсилотлари ҳақида шу даврда совет вақтли матбуоти ўз саҳифаларида мавжуд мафқуранинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда бир қанча материалларини эълон қилди. Орадан кўп ўтмасдан амалга оширилган ушбу ишнинг сиёсий нуфузини янада ошириш, маҳаллий халқ орасидаги таъсирини кучайтириш мақсадларида бу суд жараёнга бағишланган китобчалар ҳам нашрдан чиқарилади[17]. Бу билан ҳукмрон партия ўлка халқларининг онгу-шуурида совет давлатчилигига қарши туриш, унинг ғоялари ортдан эргашмаслик қандай оғир ва аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини оммага очикдан-очик тарғиб қилди. Коммунистик партия ўзининг зўравонликка асосланувчи бошқарувини вақти-вақти билан юқоридаги кўринишга ўхшаш ҳолатда зулмкорлик амалиётини қўллаб, маҳаллий халқларни кўрқув исқанжасида, қаттиқ таҳлика ва иложсиз тобелик остида яшашига мажбур қилди.

Туркистон мустақиллиги учун кураш олиб борган миллатпарварлардан бири бўлган Мустафо Чўқай томонидан Берлин шаҳрида 1929 йилдан 1939 йилгача миллатпарварлик, туркий миллатлар озодлиги ғояларини кенг ёйиш мақсадида “Ёш Туркистон” журнали нашр этиб турилган. Ушбу журналнинг 1933 йил июль охи 44-сонидagi “Миллий ғоя қурбонлари” мақоласида совет давлати томонидан амалга оширилган “Қосимовчилик”, “Бадриддиновчилик” иши ҳақида келтирилган қуйидаги фикрлар айни ҳақиқат эди. “Рус пролетариати диктатурасининг Туркистондаги қонхўр бўрилари Нафас ўғли Ашурхўжа, Байрам ўғли Ҳодиназар, Ражаб ўғли Мухтор ва Салим ўғли Абдулшоқурни ўлдирмаклигина қонимаслар. Ўнларга (уларга- Т.Қ.) тагин қурбонлар лозим... Саъдулла Қосим ўғли ва Шамси Бадриддин ўғлиларининг муҳокамасидан (судидан-Т.Қ.) сўнг ўлдурулган бу тўрт туркман муҳокамаси, сўнг йиллар ичинда Туркистонда бўлиб ўтган сиёсий муҳокамаларнинг энг буюғи саналадир. Саъдулла Қосим ўғли ва Шамси Бадриддин ўғли каби Ашқободда ўлдирилган тўрт Туркистонли-да Совет Олий Маҳкамасининг ишчилариндан эдилар”[18]. Мақола муаллифи ўз фикрида давом этиб кейинги ўринда Туркистон ўлкасидаги коммунистик сиёсатининг асл мақсадлари, маҳаллий халқ вакилларига нисбатан олиб бораётган қатағон сиёсатининг бориши ҳақида шундай дейди. “Ким билир, даҳо (яна-Т.Қ.) кўп туркистонликларни Саъдулланинг, Шамсининг, Ашурхўжанинг, Худойназарнинг, Мухторнинг ва Абдулшоқурнинг қазоси (тақдири, қисмати-Т.Қ.) кутуб турғондир”[19]. Бу жойда муаллифининг Туркистон халқлари келажаги ҳақидаги билдириши хавотирли фикрлари ҳақ бўлиб чиқди. Совет давлатининг юқоридаги каби сиёсий жараёнларни ташкил этиши, аҳоли орасида шов-шув кўтариши бу кейинчалик коммунистик партия кўрсатмаларига кўра амалга оширилган катта қатағон сиёсати учун тайёргарлик, фуқароларни бу каби зўравонликларга кўниктириб боришнинг амалиёти бўлди.

Коммунистик партия вакиллари ўзларининг ўлкада олиб бораётган ғайриқонуний сиёсатини турли йўллар билан никоблашга, оммани ёлғон ғоялари йўлида қурбон қилишга, маҳаллий миллатларни мустамлакачилик зулми асоратида сақлаб келишга тинимсиз ҳаракат қилиб келди.

Совет ҳокимияти томонидан ўлка ҳудуди эгалланган дастлабки кунларданок ўлка бошқарувида маҳаллий миллатларга нисбатан амалга ошириб борилган бундай катагон сиёсати, маҳаллий миллатлар тақдирига нисбатан шовинистик ёндошув, беписанд муносабати сўнгги вақтгача, Ватанимиз ўз истиқлолига эришгунича сақланиб қолди.

Хулосалар ва тақлифлар (Conclusion/ Recommendations). Ўлкада “Бадриддиновчилик” судининг ташкил этилиши ва амалга оширилиши совет давлати катагон сиёсатининг навбатдаги кўриниши эди. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган бу жараён миллий ватанпарвар кучларга зарба бериш мақсадида қилинган ҳаракат эди. Совет давлатчилиги бу каби сиёсий саҳналарни уюштириш орқали маҳаллий халқларнинг мустақиллик ва юрт озодлиги учун бўлган истиқлолчилик ҳаракатларини бўғиб келди. Ўлка халқларининг эрк йўлидаги ҳар қандай ҳаракати, бироз бўлсада уриниши билан каттик кураш олиб борди. Шунингдек бу каби кўринишлар орқали оммани доимий кўрқув ва хавотирда ушлаб туриш учун барча имкониятлардан унумли фойдаланди. Маҳаллий халқларнинг кундалик урф-одатлари ва кадриятларини поймол қилиш, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзини издан чиқариш, зўравонлик билан мавжуд яшаш тарзини бузишга бўлган онгли равишдаги интилиш, доимий равишда юқоридаги каби кўринишларни ташкил этиш, бу совет ҳокимиятининг ўлкада мустамлакачиликка асосланган бошқарувини мустаҳкамлаб олиш мақсадида юритган маккорона сиёсатининг асл моҳияти эди.

АДАБИЁТЛАР

1. Катанян Р. Бадриддиновщина (Речь гос. обвинителя по делу прокурорско-следственных работников Узбекистана). Ташкент-Самарқанд., Госиздат. УзССР, 1932, 12 с.; Алиев К. “Давр душманлари” [Ўзб.-н. Олий судининг илгариги прокурори Бадриддинов ва шериклари иши юзасидан СССР Олий суди сайёр хайъатининг чиқарган ҳукми]. Тошкент-Самарқанд. Ўздавнашр, 1932, 60-бет.
2. Убайдуллаев Ў.К. Ўзбекистонда 20-30-йилларда мустабид тузумга қарши миллий муҳолифат ҳаракати. (маҳаллий зиёлилар фаолияти мисолида). Тарих фан. ном. ил. дар. олиш учун ёз. дисс... –А.: 2004. -178 б., Убайдуллаев Ў. Катагон қурбони. // Фан ва турмуш. 2001. №3. 24-бет., Jo‘rayev N., Karimov Sh., O‘zbekiston tarixi. -T.: -2011. 720 б. Ўзбекистон тарихи. (1917-1991 йиллар) Биринчи китоб 1917-139 йиллар. –Т.: -2019. 560 б.
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т.: Шарқ 2001.
4. Аҳмадхўжа Темирбеков 1917 йил 14 мартда ташкил этилган “Шўрои Исломия” ташкилотининг фаол аъзоларидан бири бўлган.
5. ЎзР МДА 1714-фонд, 5-руйхат, 1509-йиғмажилд, 7,8,9,10-варақлар.
6. Исоқ қори Каримов ўз даври (1920-1930 йиллар)нинг истеъдодли артисти ва режиссёрларидан бири бўлган. Андижон вилоят театрига тамал тошини қўйган шахс. 1937 йил 21 июлда “Миллий истиқлол” аксилинкилобий миллатчилик ташкилотининг аъзоси сифатида айбланиб қамоланган. 1941 йил 28 январда Колима(Россия)даги шахталарда жазони ўташ вақтида бахтсиз тасодиф туфайли бошидан жароҳат олиб 46 ёшида вафот этган. Ушбу шахснинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун “Водийнома” журнали 2017 йил №4(6)-сонига қаралсин.
7. ЎзМА 1714-фонд, 5-руйхат, 1509-йиғмажилд, 22-варақ.
8. ЎзМА 1714-фонд, 5-руйхат, 1519-йиғмажилд, 64-варақ.
9. ЎзМА 1714-фонд, 5-руйхат, 1520-йиғмажилд, 22-варақ.
10. ЎзМА 1714-фонд, 5-руйхат, 1525-йиғмажилд, 25-варақ.
11. ЎзМА 1714-фонд, 5-руйхат, 1511-йиғмажилд, 35,36-варақлар; 1525-йиғмажилд, 24-варақ .
12. ЎзМА 1714-фонд, 5-руйхат, 1511-йиғмажилд, 1, 12-варақлар.
13. ЎзМА 1714-фонд, 5-руйхат, 1509-йиғмажилд, 206, 210-варақ; 1511-йиғмажилд, 13,14-варақлар.
14. ЎзМА 1714-фонд, 5-руйхат, 1523-йиғмажилд, 198,205-варақ.
15. “Правда Востока” газетаси 1932 йил 15 май, 110-сон, 4 бет; 18 май, 113-сон, 4 бет.
16. “Правда Востока”, 1932, 18-июнь, 2 бет.
17. Катанян Р. Бадриддиновщина (Речь гос. обвинителя по делу прокурорско-следственных работников Узбекистана). Ташкент-Самарқанд., Госиздат. УзССР, 1932, 12 с.; Алиев К. “Давр душманлари” [Ўзб.-н. Олий судининг илгариги прокурори Бадриддинов ва шериклари иши юзасидан СССР Олий суди сайёр хайъатининг чиқарган ҳукми]. Тошкент-Самарқанд. Ўздавнашр, 1932, 60-бет.
18. Тохир Қаҳҳор. Хур Туркистон учун. Тошкент. Чўлпон нашриёти 1994 йил. 89-бет.
19. Тохир Қаҳҳор. Хур Туркистон учун. Тошкент. Чўлпон нашриёти 1994 йил. 89-бет. “Миллий ғоя қурбонлари” мақоласи мулфи бу жойда совет ҳокимияти томонидан Ўзбекистон ССР суд-прокуратура идоралари ходимларига нисбатан амалга оширилган “Қосимовчилик”, “Бадриддиновчилик” суд ишидан сўнг, орадан кўп ўтмасдан Туркменистон ССР суд-прокуратура идораларининг маъсул ходимлари ҳисобланган Ашурхўжа Напасов, Худойназар Байрамов, Мухтор Арифханович Раджабов, Абдушукур Холмуродович Салимовларнинг фаолияти юзасидан СССР Олий суди сайёр суди томонидан 1933 йил 14 апрелдан 17 майгача бўлган муддатда олиб борилган суд жараёнлари ва судланувчиларнинг кейинги тақдирини хусусида фикр юритган. Яна қаралсин; Катанян Р. Против Непесова-против Байрамова. Речь гос. обвинителя по делу судебных работников Туркменистана. М.-Т. Огиз, Среднеаз. отд.-ние. 1934., 130 с., “Правда Востока” газетасининг 1933 йил апрел-май ойларидаги 94, 106, 108, 112, 113 115 - сонлари.



УДК: 94(575/146)

Шахло ШОДИЕВА,

Бухоро давлат университети таянч докторанти

E-mail: sh.shodieva_1991@mail.ru

Т.ф.ф.д., С.Джуманов тақризи асосида

ХАЖ ЗИЁРАТИ БУХОРО АМИРЛИГИ ВА УСМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИ ЎРТАСИДАГИ СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Аннотация

Ушбу мақолада Бухоро амирлиги фуқароларидан Россия империяси ҳукмронлиги остида бўлган даврда Макка ва Мадина шаҳарларига ҳаж амалларини бажариш учун борган ҳожилар фаолияти ва уларга бўлган муносабат, ҳожиларнинг қайси йўналишлар орқали Маккага борганликлари, Усмонийлар империясида бухоролик ҳожиларга яратилган шароитлар, Бухоро амирлиги билан Усмонийлар империяси ўртасида бўлган муносабатларда ҳожиларнинг роли ва аҳамияти архив материаллари ва тарихий адабиётлар ёрдамида очиқ берилган.

Таянч сўзлар: Ҳожи, Макка, Мадина, Жидда, текке, Ҳожи Зикрия, Хусни пошшо, ғазовот.

ХАДЖ КАК СРЕДСТВО ПОЛИТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА С ОСМАНСКОЙ ИМПЕРИЕЙ

Аннотация

В данной статье описывается деятельность паломников из Бухары в Мекку и Медину в период Российской империи, отношение паломников к Мекке, условия, созданные для бухарских паломников в Османской империи, отношения между Бухарским эмиратом и Османской империей. Его роль и значение разъясняются с использованием архивных материалов и исторической литературы.

Ключевые слова: Хаджи, Мекка, Мадина, Джидда, Текке, Хаджи Зикрия, Хусни-паша, Газават.

HAJJ AS A MEANS OF POLITICAL RELATIONS BETWEEN THE BUKHARA EMIRATE AND THE OTTOMAN EMPIRE

Abstract

This article describes the activities of pilgrims from Bukhara to Mecca and Medina during the period of the Russian Empire, the attitude of pilgrims to Mecca, the conditions created for Bukhara pilgrims in the Ottoman Empire, relations between the Bukhara Emirate and the Ottoman Empire. Its role and significance are explained using archival materials and historical literature.

Key words: Haji, Mecca, Medina, Jeddah, Tekke, Haji Zikriya, Husni Pasha, Gazavat.

Кириш. Бухоро амирлиги, умуман Туркистон ўлкаси аҳолиси Усмонли турк давлати ҳуқумдори ҳисобланувчи ва султон унвонига эга бўлган барча ҳуқумдорларни бутун дунёдаги мусулмонлар халифаси ва мусулмон ҳуқумдорларнинг етакчиси сифатида қараганлар. Шунингдек, Истамбул ва бошқа усмонийлар шаҳарларида савдогарлар, зиёратчилар ва сайёҳлар учун теккелар ташкил этилган. Теккелар шахсий ёки давлат томонидан ҳам барпо этилган. Бухоро давлати ҳам ушбу жараёнлардан четда қолмаган бўлиб, бухороликларнинг Усмонли турк салтанатида қўллаб теккелари барпо этилганди. Шунингдек, ҳаж хиёратида бухорлик мусулмонларнинг оғир аҳволга тушиб қолмасликлари учун бухороликларнинг теккелари Макка ва Мадина шаҳарларида ҳам мавжуд бўлганлигини архив манбалари кўрсатади. Ҳужжатларнинг биридаги маълумотларда, Бухоро амирлиги маблағи эвазига Жидда шаҳрида қурилган бухороликларнинг теккесини келиб чиқиши бухоролик бўлган Шайх Сулаймон бошқарганлиги қайд этилади. Ушбу шахс Истамбулда яшаган Усмонли турк давлати билан Бухоро амирлиги ўртасидаги дипломатик алоқаларда муҳим рол ўйнаган. Бухоро амирлиги Россия империясига қарам бўлгач, Усмонли турк давлати фуқаролигини қабул қилган. Шайх Сулаймон вафот этгандан сўнг, бухороликлар теккеси қаровсиз қолиб, хароба аҳволга айланган. Жиддада яшовчи Шариф Умар Насиф исмли шахс томонидан кейинчалик сотиб олинган ва қайта фаолиятини бошлаган. Бухоро теккеси амир Музаффар томонидан хижрий 1291-1292 (1874-1875) йилларда қурилганлиги ва Истамбулда яшовчи Шайх Сулаймон ўғли Абдулла ўғли номига расмийлаштирилганлиги архив ҳужжатида қайд этилган[12]. Ушбу текке бухоролик зиёратчиларни Усмонли турк давлати ҳудудларида қийинчиликсиз ҳаракатланишига ва Россия империясига қарамлик шароитида Усмонли турк тарғибот марказларидан бирига айланган дейишга тўла асосларимиз етарли.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ҳаж зиёрати мақсадида йўлга отланган амирнинг ишончли кишилари Усмонли турк давлати сиёсий етакчилари билан доимий алоқалар қилиб турганлар ва ўзаро келишиб ҳаракат қилишга уринганлар. Россия империяси сиёсий айғоқчилик идоралари ўз раҳбарларига бир неча бора Бухоро амирлиги амалдорлари, етакчи диний раҳнаомларнинг зиёратчи қиёфасида Усмонли турк тарғиботчиси сифатида фаолият олиб боришига оид ахборотларни тўплаб етказганлар. Жумладан, Туркистон генерал-губернаторлиги дипломатик чиновниги бўлими 10 ноябрь 1898 йилда Бухородаги рус сиёсий агентлигига 464-сонли хатни юборади. Унда, Бухоро амири ва Усмонли турк султони биргаликда ҳаж зиёратини амалга оширишни режалаштиргани, бу каби миш-миш ва қарашлар қандай тарқалаётганлигини аниқлаб бериш вазифаси юкланган. Шу билан бир қаторда амирнинг Маккага вақти-вақти билан катта совғалар бериб юбориши хусусидаги фикрларга аниқлик киритиб бериш талаб қилинган[13]. Ушбу

фикрларнинг асосли ёки асоссиз эканлигини аниқлаб бериш масаласи анчайин қийин вазифа бўлиб, бу каби хабарлар ҳар йили ҳаж мавсумида тўхтовсиз келиб турганлигини архив ҳужжатлари тасдиқлайди.

Россия ИИВги томонидан Бухородаги рус сиёсий агентлигига 1898 йил 14 декабрда 157-рақамли хатида вазирлик 4 ноябрь куни Истамбулдаги элчи томонидан огоҳлантирилганлиги ва Бухоро амирининг Усмонли турк султони билан биргаликда Маккага ҳаж зиёрат учун бориш тўғрисида Истамбулдаги миш-мишлар борлиги, бунинг учун Истамбулга келган Бухоро уламолари бир неча йилдан буён тайёргарлик кўраётганликлари, амир Маккага икки ишончли киши Мирзо Аъло ва домула Хайруллони бир неча йил олдин жўнатганлиги, улар Макка қозикалани Шайх Саид Аҳмад уйида яшаши, Саид Аҳмад эса, бухороликлар билан яқин алоқада бўлиб, бир вақтлар бухороликларни ҳаж сафари даврида уларга йўлбошловчилик қилувчи шахс бўлганлигини маълум қилади[14].

Тадқиқот методологияси. Бундан ташқари яна бир неча масалалар юзасидан ҳажга бориб келаётган бухороликларнинг фаолияти Бухоро амирлигидаги рус сиёсий агентлигига текшириш учун юборилган. Россия сиёсий айғоқчилиги томонидан тўпланган ва текширилган маълумотларда, Бухоро амираи ва Ҳисор беклиги қозикалони Маккадаги мадрасаларга мунтазам равишда молиявий ёрдам бериб келганликлари, амир ва султон ўртасида ҳеч қандай яқин алоқа ўрнатилмаганлиги, эҳтимол Истамбулга бориб турадиган Бухоро ҳожилари ва савдогарлари ўзларининг турк амалдор танишлари орқали бу гапларни тарқатганликларини келтириб ўтади. Бундан ташқари империя сиёсий идоралари Истамбулда ўзбек теккесида яшовчи Ҳожа Зикрия амирга бир неча бора Усмонли турк давлати билан муносабат ўрнатишда ўз хизматини таклиф этганлиги, Москвада доимий яшовчи ва амирнинг комиссиянери бўлган Ҳусайн шох Ғозиев бир ой олдин номаълум иш билан Вена ва Константинополга бориб келганлигига оид маълумотлар архив ҳужжатларида учрайди[15]. Айғоқчилар томонидан ўз раҳбарларига юборилган ҳисоботда, келтириб ўтилган фикрларнинг катта қисми ёлғон маълумот эканлиги, асосан ҳаж зиёратига бориб келган ҳожилар томонидан тарқатилганлиги таъкидланади. Шунингдек, Бу даврда Бухоро амирлигида Россия империяси сиёсий айғоқчиси бўлган П.М. Лессар Бухоро ва Усмонли турк давлати муносабатлари хусусида шахсан Бухоро амирини ҳам сўроқ қилганлигини архив ҳужжатлари тасдиқлайди.

1898 йилда Бухорода Россия сиёсий агенти бўлиб ишлаган П.М. Лессар ўз раҳбарларига йўллаган мактубида, амирнинг ҳузурда бўлганда Усмонли турк давлати вазир Ҳусни пошшо баёноти ва унда Усмонли турк султони ва Бухоро амирининг биргаликда Маккага ҳаж зиёратини амалга ошириш борасидаги маълумотларга оидлик киритишни сўраганини ва бунга жавобан амир; “Мен элчига ҳам, бошқа бировга ҳам Маккага боришимни айтмадим, султон ҳам бу ҳақда менга мурожаат қилмаган. Бундай алоқалар рус ҳукумати орқали амалга оширилиши ва 1893 йилда Россияда бўлганимда ҳам тарқалганди”[10] – деб жавоб берганлигини келтириб ўтган. Шунингдек, П.М. Лессар ўз фикрини давом эттириб, Шоғозиев ва Ҳўжа Зикрия орқали амир Маккага борса Усмонли турк ҳукумати уни кутиб оладими йўқми деб сўраган бўлсалар керак деган хулосага келади[11].

Таҳлил ва натижалар. Россия империяси протекторати даврида Бухоро, умуман Туркистон ўлкасидан ҳаж зиёратига бориш тартиби бир неча марта ўзгарганлигини кўришимиз мумкин. Дастлаб, қуруқлик йўли ва Ҳиндистон орқали денгиз йўли билан борилган бўлса, кейинчалик ҳожиларга хизмат кўрсатиб фойда олиш масаласи кўтарилиб Самарқандга қадар темир йўл ўтказилгандан сўнг Боку ва Ботуми орқали ҳаж зиёратини амалга оширилиши “Таржумон” газетасининг 1890 йил 17 июлдаги 25-сонида, “Ахбори дохилия” (ички хабарлар) рукнида Самарқанд темир йўли очилгач, зиёратчилар Боку ва Ботуми йўналишида ҳажга бора бошлаганликлари келтириб ўтилади[1]. Бухоро амирлиги ҳудудидан ҳам Маккага зиёратга боровчи ҳожилар икки йўналишда биринчиси Ботуми ва иккинчиси Авғонистон-Бомбей йўналишида муқаддас қадамжоларга бориб диний амалларни бажарганлар[8].

Кейинчалик 1905 йилда ҳожиларга хизмат кўрсатиш тартиби Россия империяси учун янада қулайроқ бўлиб, Одесса губернаси, Қрим яриморлидаги Феодосия порти орқали амалга оширила бошланган. Бу йўналишда хизмат қилувчи расмий идораларга ҳаж зиёратидан келаётганларни назорат остига олиш вазифаси ҳам юклатилган. Ўрта Осиё мусулмон ҳожиларининг Усмонли турк давлати манфаатлари учун тарғибот масалаларини назорат остига олиш вазифаси ҳам юклатилган бўлиб, йўналиш назоратчиларининг маълумотлари шундай хулосага келишга сабаб бўлади. Жумладан, Феодосия йўналишидан нафақат Қрим татарлари, балки, Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Хитой ва Авғон фуқаролигига эга бўлган ҳожилар келиши, бу йилги (1908 йил) ҳожилар сони 12 мингдан кўпроқ бўлганлиги, уларни касалликлар, эпидемия ва сиёсий ҳолатини текширишнинг имкони йўқлиги хусусидаги фикр-мулоҳазалар тарихий адабиётларида келтириб ўтилади[3].

Нафақат сиёсий, балки эпидемиологик ҳолатлар ҳам назорат остида бўлиши талаб этилган. Чунки, айрим ҳожиларнинг эпидемик касалликларга чалиниши табиий ҳол бўлиб, ўз навбатида Усмонли турк давлати ҳам бу борада ҳожиларга имкон қадар ёрдам беришга ҳаракат қилган. Жумладан, 1899 йилги маълумотларда Бухородан бўлган Исо номли шахс Арабистонда ўлат касалига чалинади. Келтирилган маълумотларда, уни даволаниши ва кейинчалик юртига етиб олиши учун Усмонли турк давлати маъмурлари томонидан тегишли ишлар амалга оширилганлиги қайд этиб ўтилганлигига оид фикр-мулоҳазалар сақланиб қолинган[6].

XX аср бошларида мусулмонларнинг миллий мустақиллик ва замонавий илм-фанга бўлган интилиши кучайиб, асосан Усмонли Турк давлати раҳбарлигида бирлашишга интилиш кучайиб боради. Шунингдек, 1908 йилги “Ёш турклар” инқилоби ҳам Шарқ мусулмон давлатларида кучли таъсир кўрсатади. Айрим мамлакатлар, хусусан Бухоро амирлиги ағолиси орасида Туркия давлатининг Россия билан тез орада уруш бошлаши ва мусулмонларни озод қилиши борасидаги фикр-мулоҳазалар тарқалганлигини ўша давр манбалари тасдиқлайди. “Туркистон тўплами”да келтирилган маълумотларда, Туркияда “Ёш турклар” инқилоби рўй бергандан кейин ўша давр рус матбуотида Усмонли турк давлати билан янги уруш бошланиш хавфи хусусидаги фикр-мулоҳазалар кўпайиб кетганлиги, Туркистон ўлкаси аҳолисининг Усмонли турк султониға эътиқоди баландлиги, Туркия билан бўлажак урушда Туркистон аҳолисиға ишониб бўлмадлиги, 10 йил олдин Андижон қўзғолони бунга мисол бўла олиши, ҳар йили минглаб Туркистонликлар Усмонли турк давлати орқали ҳажга бориб келиши ва уларнинг Турк султони тўғрисидаги тарғиботлари уларни бирлаштирувчи куч сифатида кўришларини таъкидлаб ўтилганлигини кўриш мумкин[9].

Ҳаж зиёратини сиёсий келишувларни ҳам ҳожилар орқали амалга оширишнинг хавфсиз йўли бўлиб ҳисобланган. Шунингдек, сиёсий келишувларни амалга ошириши лозим бўлган “Ҳожин”лар ўта ишончли шахслар бўлиши талаб этилган. Ўша давр манбаларида Бухоро давлатининг ҳам бу борадаги фаолияти ўрганилиб таҳдал қилинганлигини

кўриш мумкин. Масалан, “Новое время” газетасининг 1910 йилги 13 сентябр сониди Т.Холмскийнинг “Разоблачения о Бухаре” номли мақоласи босилиб, унда; ҳар йили муқаддас Макка шаҳри шарифи (ҳокими)га барча мусулмон ҳукмдорларининг мол юбориши, Бухоро амири ҳам юбориб туриши, бу йил (1910 йил) юборган элчилари Эрон паспортига эга эканлиги ва Жиддадаги Россия консуллигига ўзларининг Маккага келишлари асл сабабини айтмай яширганликлари хусусида маълумотлар келтирилган[16]. Шунингдек, архив ҳужжатларида Бухоро амирлигидан ҳаж зиёрати никоби остида Маккага келаётган Бухоро вакилларининг Россиянинг Жиддадаги консуллиги вакилларидан яширишга уринганлар. Жумладан, 1910 йилги маълумотларда ушбу фикрларни тасдиқловчи маълумотлар учрайди. Рус сиёсий айғоқчилари Бухоро элчиларининг Макка шаҳри шарифи олдида совғалар ва икки минг турк лираси билан келганлари, шунингдек, кўплаб рубин, бирюза (феруза), бриллиантлар, олтин эгарлар олиб келганликлари, аммо, улар форс паспортлари билан келганликлари ва рус сиёсий консуллигидан ўзларини яширишга уринганликлари хусусида маълумотлар архив ҳужжатларида қайд этиб ўтилган [17].

Айрим шахслар ҳаж зиёрати мақсадида йўлга чиқиб Туркия ҳудудида қолиб кетган. Туркияда мунтазам яшаб қолишнинг қатор сабаблари бўлиб, асосан сиёсий ва диний крашлар муҳим аҳамият касб этган. Тарихий адабиётларда, Бухоридан бўлган шахсларнинг Туркия фуқаролигига ўтишга оид кўплаб маълумотларни учратиш мумкин. 1904 йилги маълумотларнинг бирида, бухоролик Муҳаммад Умар ва унинг яқин дўсти Мирза Раҳимларнинг Усмонли турк давлати фуқаролигини қабул қилганликлари ва уларга Маккани зиёрат қилиб келишлари учун йўл ҳақи ажратиб берилганлигига оид маълумотлар келтириб ўтилганлигини кўриш мумкин[6].

Айрим ҳолларда мусулмонларга ёрдам бериш мақсадида ҳам Усмонли турк давлатида ҳатто, ҳаж зиёратидан ҳам кечиб қолиб кетиш ҳоллари учраб туради. Даврий матбуот саҳифаларида бу хусусда айрим маълумотлар алоҳида мақола сифатида ёритилган. Жумладан, Бухоролик бир врачнинг 1912 йил ҳажга бориш мақсадида чиқиб, Истамбулга боргандан сўнг, бу ерда Болкон урушида ярадор бўлган Усмонли турк аскарларини даволаш мақсадида ҳаж зиёратидан кечганлиги[2] Қримда чоп этиладиган “Таржумон”газетаси саҳифаларида қайд этиб ўтилганлиги юқоридаги фикр-мулоҳазаларимизни тасдиқлайди. Бундай маълумотлар Россия империяси учун хавфли бўлиб, ҳаж зиёратига боровчилар устидан тобора қаттиқ назорат ўрнатишни талаб қиларди. Айниқса, жаҳон уруши бошланиб кетиб, Россия ва Усмонли турк давлати бир-бирига қарши курашувчи давлатларга айлангандан сўнг, ҳаж зиёрати ва ҳаждан қайтувчиларнинг Россия империяси ҳудудида Усмонли турк давлати манфаатлари учун тарғиботчилиги кучайиб борганлигини архив манбаларидаги маълумотлар кўрсатиб беради. Ҳожиларнинг оддий аҳоли орасида тарқатадиган қарашлари Россияга нисбатан душманона кайфиятни туғдириб, урушда Туркия ғалабасига ҳар томонлама ёрдам бериш мусулмонларнинг бурчи эканлиги хусусидаги фикрларни тарғиб қилганликлари маълум. Тарқалган маълумотларнинг бирида, биринчи жаҳон уруши даврида (1915 йил) Ўрта Осиё ҳудудидан ҳаж зиёратига борган мусулмонлар орасида Усмонли турк султонининг Бухоро ва Авғон амирларидан хафа эканлигига оид маълумотлар акс этганлигини Россия империясининг М.Б. ва С.К. ҳарфлари остида махфийлаштирилган жосуслари ўз раҳбарларига берган ахборотларида қайд этиб ўтганлар[4].

Усмонли турк давлати ғалабаси учун Россия империясига қарши курашиш айрим ҳожилар очикдан-очик талаб қилганлар ва “кофирларга қарши газавот”ни тарғиб қилганлар. Шунингдек, оддий аҳоли орасида варақалар тарқатиш билан шуғулланганлар. Масалан, 1915 йил 27 январда Бухородаги рус сиёсий агенти Туркистон генерал-губернаторлиги дипломатик чиновнигига махфий телеграма йўллаб, Термиз ҳарбий бошлиғи Маккадан қайтувчи Мулла Муҳаммад Турсунхўжаевни қўлга олгани. Унинг ёнидан мусулмонларнинг муқаддас урушга чорловчи варақалар топилганлигини маълум қилади. Шунингдек, бешинчи февралда Бухорода сўроқ қилинганда у Усмонли турк махсус хизматлари билан ҳамкорлик қилганлигини тан олишига оид маълумотлар мавжуд[7].

Тарихий адабиётларда Туркистонда мардикорликка олишга қарши кўтарилган 1916 йилги қўзғолонда Усмонли турк давлатининг махфий идораларининг қўли борлиги, улар ҳаж зиёратидан қайтаётганлар орасида Россияга қарши кайфият шакллантирилганликлари ва улар кейинчалик 1916 йил қўзғолонининг раҳбарлари бўлганлигига оид тарихий адабиётларда маълумотлар келтирилган бўлиб, уларнинг Турк-Герман махсус идоралари билан алоқага эга деб ҳисоблашга асос бор дейди В.П. Литвинов[7].

Хулоса ва тақлифлар. Ўрта Осиё хусусан Бухоро амирлиги аҳолисининг фавқулодда диндор эканлигини инобатга олиб, ҳаж зиёратини амалга ошириб келган ҳожиларнинг сўзлари қай даражада таъсир кўрсатишини тасаввур этиш мумкин. Ҳожилар ва уларни тарқатаётган миш-мишларига қарши Россия империяси амалда бирор чора кўриши қийин бўлган. Айғоқчиликка бу борада юборилган кўплаб талабларга жавоб сифатида юборилган ҳисоботларда Ҳар йили минглаб кишиларнинг ҳажга бориб келиши, улар тарқатган фикрлар орқали туземцлар, айниқса сартлар бирлаштирувчи марказ сифатида янги давлатлари Россия империясини эмас, балки Усмонли турк султонини кўришлари келтириб ўтилади [5].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Усмонли турк давлати билан Бухоро амирлиги ўртасидаги муносабатлар ҳатта протекторат даврида ҳам узилиб қолмаган. Ушбу алоқалар Россия империяси расмий идораларидан махфий равишда ҳаж никоби остида олиб борилаверган. Маҳаллий аҳоли эса, ўзини Россия империясининг эмас, балки, Усмонли турк султонини фуқаролари сифатида кўрган деб айтиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдурашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газета “Таржуман” (1883-1917) NIHU Program Islamik Area Stufiers TIAS: Departament of Islamik Area Stufiers, Center for Evolving Humanities, Graduate School of Humanities, and Sociology, The Univrersity of Tokio First Published in 2011. – 233 с.
2. Бухоро ва Туркистон. Таржумон 63-сон, 1912 йил 30 декабр.
3. В.П. Мусульмане-паломники и грозящая опасность//Туркестанский сборник. Том 456. – С. 41-42.
4. Васильев А.Д. Знамя и меч падишаха. Политические и культурные контакты ханств Центральной Азии и Османской империи (середина XVI-начало XX вв). – М.: Институт востоковедения РАН, ПРОБЕЛ-2000, 2014. – 356 с.

5. Восстание 1916 года в Туркестане: Документальные свидетельства общей трагедии: Сб. док. и материалов/МГУ им. М.В. Ломоносова, Ин-т всеобщ. Истории РАН; [сост., авт. предисл., вступ. ст. и коммент. Т.В. Котюкова]. – М.: Маржани, 2016. – 468 с.
6. История Центральной Азии в османских документах. Том II. Духовные и религиозные связи. – Самарканд: МИЦАИ, ТАО. 2011. – 222 с.
7. Литвинов В.П. Исторический опыт Российского государства в организации и регулировании паломничества Мусульман Средней Азии (1865-1917 гг)/Дисс. на соиск учен. степ. док. ист. наук. – Елец 2019. – 461 с.
8. О паломничестве (хадж) в Мекку./Туркестанский сборник. Том 477. – С. 38-40.
9. Ферганец. Из Ферганы./Туркестанский сборник. Том 465. – С. 163-165.
10. ЎзМА, И-1 фонд, 1-руйхат, 303 йиғма жилд, 240-варақ
11. ЎзМА, И-1 фонд, 1-руйхат, 303 йиғма жилд, 240-варақнинг орқа томони.
12. ЎзМА) И-3 фонд, 1-руйхат, 103-йиғма жилд, 119-варақ.
13. ЎзМА, И-3 фонд, 1-руйхат, 103 йиғма жилд, 214-варақ.
14. ЎзМА, И-3 фонд, 1-руйхат, 103 йиғма жилд, 239-варақ
15. ЎзМА, И-3 фонд, 1-руйхат, 103 йиғма жилд, 239-варақнинг орқа томони.
16. ЎзМА, И-3 фонд, 2-руйхат, 146 йиғма жилд, 14-варақ.
17. ЎзМА, И-3 фонд, 2-руйхат, 146 йиғма жилд, 15-варақ